

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТА`ЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“Миллий ғоя, ма`навият асослари ва ҳуқуқ та`лими”
кафедраси**

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ
фани бўйича**

МАРУЗАЛАР МАТНИ

Тузувчилар:

катта ўқитувчи М. Содиқова

Андижон-2016

Мазкур маруза матни ўқув, ишчи ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

М.Содиқова – АДУ, “Миллий ғоя, манавият асослари ва ҳуқуқ талими ” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

Мадумаров Т. – АДУ, “Миллий ғоя, манавият асослари ва ҳуқуқ талими ” кафедраси мудир, юридик фанлари номзоди, дотсент.

Асқаров С. – АДУ, “Миллий ғоя, манавият асослари ва ҳуқуқ талими ” кафедраси катта ўқитувчиси.

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Миллий ғоя, манавият асослари ва ҳуқуқ талими” кафедрасининг 2016 йил “26” августдаги “1” – сон йиғилшида муҳокамадан ўтган ва факултет кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудир: _____ ю.ф.н. доц. Т.Т.Мадумаров

Маъруза матни Андижон давлат университети Ижтимоий-иқтисодиёт факултети кенгашининг 2016 йил 27 августдаги 1 – сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Факультет кенгаши раиси: _____ доцент Ў. Убайдуллаев.

Келишилди: Ўқув услубий бошқарма бошлиғи: _____ Мамажонов Р.

КИРИШ

Ўзбекистон танлаб олган йўл - республика ва унинг халқининг манфаатларига мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради. Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта рол ўйнайди.

Демократик принципларга асосланган эркин бозор муносабатларига ўтиш изчил тарзда эскича тартибларга барҳам бериш, унинг ўрнига янги бозор тартибларини босқичма-босқич жорий эта бориш, иқтисодда, сиёсатда, маданий-маънавий ҳаётда туб ислоҳотларни амалга ошириш йўли билан жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислоҳ қилиш орқали амалга оширилади.

Бу жараёнда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, давлат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш масаласи биринчи галдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дацури”дан келиб чиққан ҳолда таълим соҳасида туб ислоҳотлар олиб борилиб, таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш асосий вазифа этиб белгиланди. Ўтган вақтлар мобайнида ўрта, ўрта-махсус касб ҳунар ва олий таълимнинг янги давлат таълим цандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Миллий дацурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш, табақалаштирилган таълимга ўтишни тўлиқ амалга ошириш, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдиришни таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганларидек: “...таълим дарслиқдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз, деярли барча соҳада дарслиқларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас”.

Шу сабабли, тайёрланган “Маъмурий ҳуқуқ” дарслиги амалдаги қонунчилик асосида давлат бошқарувининг назарий-ҳуқуқий масалаларини ёритиб беришни, бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётига эътиборни кучайтиришни, уни қайта ташкил этишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишни, давлат бошқарувини кадрлар билан таъминлашни самарали ташкил этишни такомиллаштиришни назарда тутди.

Маъмурий ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг турли соҳаларида бошқарув фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг барча соҳаларида юз бераётган кенг кўламли ислоҳотлар каби давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар ҳам борган сари чуқурлашиб, бозор муносабатлари асосида янги муцақил давлатчиликни барпо этиш жараёнлари тезлаштирилди.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида давлат бошқарувини тўғри ташкил этиш ва уни амалга ошириш – ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, жамият ва давлат олдида турган асосий вазифаларни рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш олиб борилаётган маъмурий ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ўзгартириш, унинг самарадорлигини ошириш, бошқарувда оптимал механизмни яратишдан иборат.

“Маъмурий ҳуқуқ” дарслигида, муаллиф, давлат бошқаруви ва унинг асосий принциплари; маъмурий ҳуқуқ предмети, услуби, тизими ва манбалари; маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва муносабатлар; маъмурий ҳуқуқ субъектлари; маъмурий ҳуқуқий шакллар ва услублар; маъмурий жавобгарлик; маъмурий жараён ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш, шунингдек давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш сингари асосий маъмурий-ҳуқуқий институтларга янгича ёндошган.

Ушбу дарслик ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга, таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчиларига, шунингдек маъмурий ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган.

1 МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗИГА ХОС

ҲУСУСИЯТЛАРИ.

2-соат

1. Давлат бошқаруви мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари
2. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, предмети, услуги ва тизими
3. Маъмурий ҳуқуқ манбалари
4. Маъмурий ҳуқуқнинг – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.

1. Давлат бошқаруви мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.

Давлат бошқаруви” атамаси миллий ва хорижий адабиётларда ҳамда амалдаги қонунчилигимизда кенг қўлланилади.

Давлат бошқаруви тушунчасига турлича ёндошиш мумкин. Кўпгина ҳолларда, давлат бошқаруви қонун чиқариш ва одилсудлов фаолияти доирасидан ташқарида бўлган давлат ва давлат-ҳокимият субъектларининг фаолияти сифатида намоён бўлади.

Давлат бошқаруви мураккаб ҳаракатчан тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир элементи ижтимоий ҳаётни тартибга солишда ўз таъсирини кўрсатади.

Давлат бошқарувига берилган барча таърифларда унинг асосий мазмуни – давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадга мувофиқ амалий таъсир этиши кўрсатиб ўтилган.

Г.В.Атаманчук давлат бошқарувининг қуйидаги учта зарурий белгисини кўрсатиб ўтади:

бошқарув таъсири – давлат-ҳокимияти кучига таянади;
давлат бошқарувининг жамиятдаги барча соҳаларни қамраб олиши;
тизимлилик.

Ю.Н.Стариловнинг фикрича, давлат бошқаруви ижро ҳокимиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этилади. Ташкилий нуқтаи назардан, давлат бошқаруви – бошқарув субъекти (давлат, давлат органлари ёки мансабдор шахслар)нинг бошқарув объекти (жамият, фуқаролар)га нисбатан ҳокимият таъсири ҳисобланади. Янада аниқлаштирадиган бўлсак, давлат бошқаруви – бу қонун асосида ва уни амалга ошириш мақсадида турли соҳаларда (ижтимоий-маданий, хўжалик ва маъмурий-сиёсий қурилиш) давлат бошқаруви функцияларини амалга оширувчи ижро ҳокимияти органларининг мақсадга мувофиқ ташкил этилган, қонуноци, ижрочилик-фармойиш бериш ва тартибга солишга қаратилган фаолиятидир. 1

Ю.М.Козловнинг кўрсатишича, давлат бошқаруви – ҳар қандай давлат фаолияти сингари қарор қабул қилиш, уни ижро этиш ва унинг ижроси уцидан контролни амалга оширишдан иборатдир. 1

Давлат бошқаруви, Габричидзе Б.Н.нинг фикрича, бу давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан амалга ошириладиган бошқарув, яъни

фуқаролик жамиятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий ва демократик давлатни муцаҳкамлаш соҳаларида амалга ошириладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир.¹

Демак, давлат бошқаруви кенг маънода – давлатнинг тартибга солиш фаолияти ҳисобланиб, махсус субъектларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этишидир. Тор маънода эса, давлат бошқаруви – бу маъмурий, яъни давлат ҳокимияти ижро органларининг республика ва маъмурий-худудий бўлинмалар доирасидаги фаолиятидир.

Давлат бошқаруви мазмун-моҳиятини ёритиб беришда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Давлат бошқаруви куйидаги ўзига хос хусусиятларга эгадир:

1) давлат бошқаруви - ижро ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган ҳамда қонун чиқариш ва одилсудлов фаолиятидан шакли, услублари ва мазмунига кўра ажралиб турадиган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. Давлат бошқаруви – бу қонунлар ва бошқа норматив (қонуноци) ҳужжатларни қўллаш бўйича олиб бориладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир;

2) давлат бошқаруви - ҳуқуқни қўллаш билан бир вақтда маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги (ҳуқуқ ўрнатиш) фаолиятини амалга оширади. Давлат бошқаруви органлари ҳуқуқ ижодкорлиги шунда намоён бўладики, улар ваколат доирасида бошқа ҳуқуқ субъектлари (бошқарув объекти) учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уларнинг бажарилиши уцидан назоратни амалга оширадилар, маъмурий юрисдиксиявий (ҳуқуқни ҳимоя қилиш) фаолиятни юритадилар;

3) давлат бошқаруви – қонунларни ижро этиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келган ҳамма жойда амалга оширилади. Давлат бошқаруви давлат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларида – хўжалик-иқтисодий курилиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларда амалга оширилади. Давлат бошқаруви нафақат давлатга қарашли бўлган объектларни, балки нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларни ҳам камраб олади (бунда давлат бошқаруви тартибга солиш ва контрол-назорат фаолияти сифатида намоён бўлади);

4) давлат бошқаруви – бу ижро ҳокимияти функцияланишининг объектив қонуниятларига асосланган ва давлат манфаатларини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган доимий ва режали фаолиятдир. Давлат бошқаруви жараёнида давлат вазибалари ва функциялари амалга оширилади;

5) давлат бошқаруви – давлат томонидан тузиладиган ва ягона давлат бошқаруви органлари тизимини ташкил этадиган ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан ҳаракат қиладиган ушбу органлар давлат-ҳокимият хусусиятига эга

бўлган ваколатларга эга бўладилар ва компетенция доирасида фаолият юритадилар;

6) давлат бошқаруви – қонунийлик принципига амал қилади, яъни ижро ҳокимияти органларининг фаолияти қонунларга ва бошқа норматив ҳужжатларга асосланади. Бошқарув фаолияти давлат органлари томонидан фақатгина уларга берилган ваколат доирасидагина амалга оширилади;

7) давлат бошқаруви – вертикал (субординатсиявий, иерархик) ва горизонтал алоқалар ва муносабатлар асосида ташкил этилади. Бошқарув жараёнида энг кўп тарқалган муносабатлар вертикал бўлиб, бошқарув субъектларининг маъмурий ва интизомий бўйсинуви асосида вужудга келади. Охириги вақтларда бошқарув жараёнида бошқарув субъектларининг тенглигига асосланган янги шаклдаги горизонтал муносабатларнинг вужудга келишини ҳам кузатиш мумкин (масалан, ижро ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш, оммавий ёки маъмурий-ҳуқуқий шартномаларни тузиш ва ҳ.к.лар);

8) давлат бошқаруви – ташкил этиш принципига асосланади, яъни унга бутун бошқарув механизмнинг мақсадга мувофиқ ва доимий функцияланишини таъминловчи хилма хил шакллар хосдир. Давлат бошқаруви органларининг ташкиллаштириш фаолияти ҳам ташқи, ҳам ички маъмурий функцияларни ижро этишни ўз ичига олади;

9) давлат бошқаруви – юрисдикциявий хусусиятга эга бўлган ваколатларни ҳам ўз ичига олади, яъни ижро ҳокимияти органлари томонидан “мажбурловчи” бошқарувни амалга оширишнинг маъмурий тартибини (суддан ташқари) таъминлайди (масалан, маъмурий жазо ёки маъмурий огоҳлантирув ёхуд маъмурий чеклов чораларини қўллаш).

Давлат бошқаруви давлат фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга давлат функциялари хос бўлиб ҳисобланади. Лекин шу билан бирга, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи функциялар ҳам мавжуддир.

Бошқарув функциялари – бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига нисбатан аниқ йўналтирилган таъсир этиши (ташкил этиш, тартибга солиш, назорат қилиш) ҳисобланади.

Бошқарув функциялари аниқ мазмунга эга бўлиб, бошқарувнинг услублари ва шакллари ёрдамида (масалан, мажбурлов чоралари, ҳуқуқий актларни қабул қилиш, бўйсинувчилик таъсири ва ҳ.к.лар) амалга оширилади.

Давлат бошқарувининг асосий функциялари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) давлат бошқаруви органлари фаолиятини ахборот билан таъминлаш функцияси, яъни давлат бошқаруви фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни йиғиш, олиш, қайта ишлаш ва баҳолаш;

2) давлат бошқаруви тизими ривожланишининг ициқболлини белгилаш функцияси. Ициқболли белгилаш – бу профессионал тажриба ва амалиёт ҳамда илмий-назарий ютуқларга асосланган маълумотларга таяниб, давлат бошқаруви ва бошқарув органлари фаолияти ривожланишидаги

Ўзгаришларни, шунингдек, маълум бир ҳодисалар ва жараёнларнинг натижаларини олдиндан кўра билишдир. Ициқболни белгилаш бошқарув қарорларини қабул қилишда жуда муҳимдир. Бошқарувнинг бу функциясиз ижтимоий жараёнларнинг натижаларини, ициқболдаги жамият ҳолатини, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш мумкин эмас;

3) режалаштириш функцияси – бу давлат бошқаруви тизимидаги у ёки бу жараёнларнинг йўналишларини, ривожланишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, давлат функцияларининг амалга оширилишини белгилаш ҳисобланади. Бундан ташқари, режалаштириш функцияси орқали давлат фаолияти ва бошқарувини такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда йўналишлари белгиланади. Мазкур функцияни амалга ошириш жараёнида давлат бошқаруви турли соҳаларидаги алоқаларнинг ривожланиш дақурлари, шунингдек, давлат бошқаруви органлари фаолияти ва тузилишини ўзгартириш ҳамда яхшилаш бўйича дақурлар ишлаб чиқилади;

4) ташкил этиш функцияси – бу ўрнатилган тартиб ва принципларга асосланиб давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, бошқарув тизимида бошқарувчи ва бошқарилувчининг тузилишини белгилашдир. Тор маънода, ташкил этиш – давлат органлари, давлат персонали, давлат бошқаруви жараёнлари тузилишини белгилаш ҳисобланади. Ташкил этиш фаолияти – давлат бошқаруви органларининг функцияларини таъминловчи ҳаракатлар ва қарорларни ўз ичига олади;

5) фармойиш бериш функцияси, яъни давлат органлари ваколатларини ва мансаб мажбуриятларини амалга ошириш, давлат фаолиятининг белгиланган тартибини таъминлаш бўйича вужудга келадиган бошқарув муносабатларини кундалик тартибга солишдир. Фармойиш бериш – бу раҳбар давлат хизматчилари (мансабдор шахслар) томонидан тегишли кўрсатмаларни беришдир;

6) раҳбарлик қилиш функцияси – давлат органлари (давлат хизматчилари), бошқарилувчи объектлар фаолиятининг ва айрим ҳаракатларининг қоидаларини ва нормаларини ўрнатиш ҳисобланади. Раҳбарлик қилиш билан бир қаторда “умумий раҳбарлик” атамаси ҳам мавжуд. Умумий раҳбарлик – бу давлат фаолияти мазмунини белгилашдир;

7) мувофиқлаштириш функцияси – бу турли давлат бошқаруви органлари (давлат хизматчилари) фаолиятини давлат бошқарувининг умумий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун йўналтиришдир. Мувофиқлаштириш орқали бошқарув фаолиятининг тизими ташкил этилади ва унинг функцияларини таъминланади. Масалан, бир неча муцақил давлат органлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг ташкилий тузилмасига, мақсад ва вазифаларига эга бўлса ҳамда маълум бир муаммони уларнинг биргаликдаги фаолияти орқали ҳал этиш лозим бўлганда, мувофиқлаштириш ваколатига эга бўлган давлат органини ташкил этиш эҳтиёжи вужудга келади;

8) контрол қилиш функцияси – давлат бошқаруви тизими ва унинг тузилишининг ўрнатилган стандарт ва нормаларга мос келиши ёки мос келмаслигини, давлат органлари фаолиятини ва айрим бошқарув субъектлари ҳаракатининг натижаларини, давлат бошқарувида белгиланган ва амалга оширилган ҳолатларни ўрганиш ва баҳолашдир. Контрол қилиш – бу бошқарув фаолиятининг сифати учидан кузатиш, камчилик ва хатоларни ҳамда бошқарув ҳаракатларининг ва қабул қилинган актларнинг қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик принципларига мос келишини аниқлашдан иборат. Давлат фаолиятининг маълум бир соҳаларида у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш учидан давлат ҳокимияти органлари контролни ўрнатадилар. Контролни амалга ошириш вақтида кетма-кетлик, асослангандирлик, ошкоралик, объективлик, қонунийлик ва тезкорликка амал қилиш керак. Контролнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири - назорат ҳисобланади. Назорат одатда, маълум бир ҳаракатларнинг (қарорларнинг) қонунийлигини текшириш мақсадидагина амалга оширилади (контрол ва назоратнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ушбу дарсликнинг 26-бобида кўрсатиб ўтилган);

9) тартибга солиш функцияси – бу давлат бошқаруви тизимини ва унинг функцияларини ташкил этиш жараёнида бошқарув услублари ва усулларидан фойдаланишдир. Тартибга солиш – жамоат тартибини ва ҳавфсизлигини, иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини, демократик рақобат асосларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бошқарув объектлари ҳамда турли ҳуқуқ субъектлари учун умуммажбурий бўлган кўрсатмаларни ўрнатиш ҳисобланади. Тартибга солиш функцияси бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, норматив ҳуқуқий акт орқали маълум бир соҳадаги ҳуқ-атвор қоидаларини белгилаш ёки бошқарувнинг аниқ жараёнларини (сертификатлаш, литсензиялаш, солиққа тортиш, рўйхатга олиш ва ҳ.к.лар) ўрнатиш;

10) ҳисобга олиш функцияси – миқдор шаклида фойдаланган ахборотларни, моддий ресурслар ҳаракатини, бошқарув фаолиятини амалга ошириш натижаларини, давлат органлари ваколатларини, давлат бошқарув қарорларини, бошқарув учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини инобатга олишдир. Ҳисобга олиш функцияси - қандайдир предметларнинг, ҳужжатларнинг, фактларнинг мавжудлигини аниқлаш учун қўлланилади.

2. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, предмети, услуби ва тизими

Олдинги бобда кўрсатиб ўтилганидек, маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Давлат бошқаруви ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим томонларини қамраб олади. Бу жараёнда хўжалик ташкилотчилик,

ижтимоий-маданий ишлар амалга оширилади, мамурий-сиёсий масалалар ҳал қилинади.

Давлат бошқарувини ташкил этиш ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси - маъмурий ҳуқуқ тармоғини ташкил этади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш – муносабатларнинг барча иштирокчилари учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидаларини маъмурий ҳуқуқ нормаларида муцаҳкамлаш йўли билан амалга оширилади. Бундай қоидаларни ўрнатиш орқали, давлат бошқаруви ва у билан боғлиқ бўлган муносабатларда вужудга келадиган функцияларни амалга оширишнинг муайян ҳуқуқий тартибини яратади.

Давлат бошқаруви органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг деярли барчаси маъмурий ҳуқуқ нормалари ёрдамида амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқ – ҳуқуқ тизимининг йирик, мураккаб ва ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу, унинг тартибга солинувчи предметининг ўзига хос хусусиятларидан, муносабатларнинг кенг қамровлилигидан келиб чиқади. Ижро ҳокимияти, бошқарув фаолияти ва бошқарувнинг ўзи давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқ - ҳуқуқ тизимида марказий ўринни эгаллайди ҳамда бошқа ҳуқуқ тармоқларига таъсир кўрсатади ёки, аксинча, уларнинг таъсирига учрайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат ҳуқуқи нормаларидан келиб чиққан ҳолда, аввало давлат бошқарувига хос бўлган хусусиятларни ва унинг бошқа давлат фаолияти турлари билан (қонунчилик, суд, прокурор назорати) ўзаро муносабатини, шунингдек, давлат бошқаруви принципларини муцаҳкамлайди.¹

Маъмурий ҳуқуқ – давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизмининг ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи – бу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг муцақил тармоғи бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Маъмурий ҳуқуқ маълум бир ижтимоий муносабатлар гуруҳини тартибга солиб, мазкур муносабатлар унинг предметини ташкил этади.

Маъмурий ҳуқуқ фани олимларининг аксарияти¹, маъмурий ҳуқуқнинг предметига давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган қуйидаги ижтимоий муносабатлар гуруҳини киритади:

ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсинадиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, вазирлик ва давлат қўмиталарининг уларга бўйсинган бошқарма ва бўлимлари ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

бир-бирига бўйсинмайдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, икки вазирлик, вазирлик ва давлат қўмитаси ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

давлат бошқаруви органлари ва уларга бўйсинадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;

давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

Ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ тармоқларига ажратишнинг асосларидан яна бири – бу ҳуқуқий тартибга солиш услубидир.

Ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш услуби ҳам ўзига хос бўлишини тақозо этади.

Ҳуқуқий тартибга солиш услуби – жамиятдаги мавжуд муносабатларга ҳуқуқ таъсирида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар йиғиндисидан иборатдир. Ҳуқуқий тартибга солиш услуби узоқ тарихий жараёнда шаклланган бўлиб, давлат ундан ҳуқуқ нормаларини яратишда ва ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни тартибга солишда фойдаланади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи ҳуқуқнинг ўз табиатида жойлашган ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этишнинг уч услубидан фойдаланади, булар: ёзма буйруқ, кўрсатма; ман этиш, тақиқлаш; рухсат бериш.

Ёзма буйруқ, кўрсатма - ҳуқуқ нормада назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш, яъни бошқача эмас, балки айнан шундай ҳаракат қилиш учун тўғридан-тўғри юридик мажбуриятни зиммага юклаш. Ман этиш, тақиқлаш - амалда бу ҳам кўрсатма, аммо у тесқари, яъни ҳуқуқ нормада назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатларни амалга оширмаслик бўйича юридик мажбуриятни зиммага юклашдир. Рухсат бериш - ҳуқуқ нормада назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатларни ўз хоҳиши бўйича амалга ошириш учун юридик рухсат берилишидир.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг кўрсатилган услубларидан ҳуқуқни у ёки бу тармоғининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, фойдаланилади.

Қайд этилганидек, маъмурий ҳуқуқ тартибга солишнинг ўз предметига эга бўлиб, хусусан, бу - давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган

ижтимоий муносабатлардир. Ушбу фаолият давлат фаолиятининг бошқа турларидан ўзининг вазифалари, мақсадли йўналиши ва намоён бўлиш шакллари билан фарқ қилади.

Маъмурий ҳуқуқий тартибга солишга давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган кўрсатмалар хосдир. Маъмурий муносабатларнинг бошқа томони ушбу кўрсатмага бўйсинишга мажбур. Бу шуни англатадики, давлат органининг ҳокимият кўрсатмалари ёрдамида давлат амалда ўзининг бошқарув фаолияти соҳасидаги ваколатларини амалга оширади.

Маъмурий ҳуқуқий тартибга солиш учун бошқа бир хусусият ҳам хос бўлиб, у бир томоннинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришидир.

Демак, давлат номидан ҳаракат қиладиган ва маъмурий муносабатларда унинг манфаатларини ифода этадиган, юқорида кўрсатилган органларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши – бир томонлама ва мажбурий бўлиши яққол кўринади. Бунда, давлат бошқаруви фаолияти соҳасида томонларнинг юридик жиҳатдан тенгсизлиги вужудга келади.

Айнан мана шу сабабли маъмурий ҳуқуқнинг асосий услуби, яъни маъмурий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атвориға таъсир кўрсатиш услуб ва воситалари - давлат-ҳокимият кўрсатмалари услуби ҳисобланади. Ушбу услубнинг қўлланиши жамиятнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун керак бўлган бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш зарурати билан белгиланади.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқ предмети билан маъмурий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос бирлашуви маъмурий ҳуқуқни ҳуқуқнинг муцақил тармоғига ажратиш имконини беради.

Ҳар қандай муцақил ҳуқуқ тармоғига унинг бутунлиги, тизимлилиги ва тузилишга эга эканлиги хосдир. Бу ҳолат маъмурий ҳуқуқда яққол намоён бўлади. Жумладан, ягона предмет ва тартибга солиш услубининг мавжудлиги – ҳуқуқ тармоғини ташкил этувчи ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро алоқасини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ – ҳуқуқий нормаларнинг бир бутун (яхлит) тизими бўлиб, предмет, мақсад, принциплар, тартибга солиш услубини бирлаштиради. Ҳуқуқий нормалар бир-бирига мос келиши, ягона принципларга асосланиши, ягона атамаларни қўллаши лозим. Ҳуқуқ тармоғи ичида турли юридик кучга эга бўлган, умумий ва махсус ҳуқуқий нормаларнинг субординатсияси (бўйсинуви) мавжуд бўлади.

Маъмурий ҳуқуқ тизими деганда, унинг давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган муносабатлар билан обектив белгиланган ички тузилиши, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг муайян изчилликда бирлашиши ва жойлашишини тушуниш лозим¹.

Маъмурий ҳуқуқ тизими – маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва институтларни бирлаштиради.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда, “маъмурий ҳуқуқ тизими”дан “маъмурий ҳуқуқ фани тизими” фарқланади. Маъмурий ҳуқуқ фани тизими

маъмурий ҳуқуқ тизимига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

маъмурий-ҳуқуқий нормалар – маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг бошланғич элементи бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки тасдиқланадиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворини (хатти-ҳаракатини) белгилаб берадиган қоидалардир;

маъмурий-ҳуқуқий институтлар – маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, маъмурий-ҳуқуқий институтлар – маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солишга қаратилади. Маъмурий ҳуқуқ тармоғи ўз ичига қатор институтларни олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги сифатида намоён бўлади. Айни пайтда улар муайян муцақиллик хусусиятига эга. Зеро, маъмурий-ҳуқуқий институтлар маълум даражада муцақил ижтимоий муносабатларни тартибга солади;

маъмурий ҳуқуқ фани бўлимлари (гуруҳлар) – маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг йирик таркибий қисми бўлиб, ўзида бир неча маъмурий-ҳуқуқий институтларни бирлаштиради. Маъмурий ҳуқуқ фани тизимида ўзаро яқин (ўхшаш) ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий институтлар бирлашиб, маъмурий ҳуқуқ фанининг бўлимлари (гуруҳларини) ташкил этади. (масалан, давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви принциплари, давлат бошқаруви функциялари сингари маъмурий-ҳуқуқий институтлар ўзининг яқинлигига қараб ягона бўлимга бирлашган.)

Ҳар қандай ҳуқуқ фани сингари маъмурий ҳуқуқ фани тизими ҳам икки қисмга бўлинган:

1) умумий қисм – бунда давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнининг умумий томонларини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (маъмурий-ҳуқуқий институтлар, бўлимлар) назарда тутилган. Маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг умумий қисми қуйидаги институтлардан иборат:

давлат бошқаруви тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва асосий принциплари;

давлат бошқаруви субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми;

давлат бошқаруви шакллари ва услублари;

давлат бошқарувида ишонтириш ва мажбурлаш чоралари;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик;

маъмурий жараён;

давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш;

2) махсус қисм – бунда жамиятнинг алоҳида соҳаларида амалга ошириладиган давлат бошқарувининг хусусиятларини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (маъмурий-ҳуқуқий институтлар, бўлимлар) кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

иқтисодиёт соҳаларини бошқариш (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, йўл хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари);

ижтимоий-маданий соҳаларни бошқариш (таълим, фан, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш);

маъмурий-сиёсий фаолият соҳасини бошқариш (мудофаа, давлат хавфсизлиги, ички ишлар, ташқи ишлар, адлия);

тармоқлараро бошқа соҳаларни бошқариш (табиатни муҳофаза қилиш, молия ва кредит тизими, ташқи иқтисодий фаолият, давлат цатицикаси, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, цандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ва ҳ.к.лар).

3. Маъмурий ҳуқуқ манбалари

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар кўп сонли ҳуқуқий ҳужжатларда (манбаларда) муцаҳкамланган. Ҳуқуқ манбалари – ҳуқуқий нормалар ифодасининг ташқи шакллари, ҳуқуқ мавжуд бўлишининг шакллари ҳисобланади.

Республикамызда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш ва уларга тенг шарт-шароитлар яратиб бериш, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг олдинги услубидан (маъмурий-буйруқбозлик) бутунлай воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш – бозор муносабатларининг туб негизидир. Ушбу жараёнда давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу қонунчиликнинг асосини - Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси ташкил этади.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси – маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаси сифатида, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишнинг бошланғич ҳуқуқий асосларини белгилаб берган.

Концитутсиянинг бир неча моддалари бевосита давлат бошқарувини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилгандир. Жумладан, Концитутсиянинг 1-моддасида Ўзбекистон – суверен демократик республика, деб кўрсатилган. Мазкур моддада ўзбек давлатчилигининг туб моҳияти, яъни Ўзбекистон суверен давлат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Суверенитет – ҳар қандай давлатнинг энг муҳим, ажралмас белгиларидан биридир.

Ўзбекистон – демократик давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Ўзбекистонда давлатни бошқариш шакли республикадир. Республика - халқ ҳокимияти демакдир. Республика – энг асосий умуминсоний ҳуқуқий бойликлардан бири. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари ваколатларини аниқ белгилаб беришни, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайлаб қўйилишини аниқлатади.

Конститутсияга биноан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда).

Мазкур конститутсиявий норма орқали фуқаролар манфаатининг уқунлиги қонуний равишда муцаҳкамланган ва қафолатланган. Давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи лозим. Шунинг учун ҳам, давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоши-ицақларига хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Мазкур конститутсиявий қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси муцақил давлат сифатида ўзининг давлат ҳокимиятини ва давлат бошқаруви органларининг тизимини белгилаб беради. Конститутсиянинг бешинчи бўлими айнан шу масаларни ёритиб беришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конститутсияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конститутсияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (7-модда).

Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти, шу жумладан, бошқарув фаолияти қонунларда назарда тутилган тартибда ташкил этилган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Давлат органлари фақатгина қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ваколат доирасида ҳаракат қилишлари мумкин.

Давлат органларининг Конститутсия ва қонунларга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясига биноан Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин (10-модда).

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади (11-модда).

Мазкур конститутсиявий норма орқали давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби – ваколатларнинг тақсимланиши принципи асосида амалга оширилиши белгиланган.

Ҳокимият тизимининг бўлиниши принципи ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек: “Давлатнинг фаол ислохотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодий соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун муцаҳкам негизни вужудга келтиради”.¹

Ўзбекистон ижтимоий адолат жамиятидир. Кучли ижтимоий сиёсат адолатли жамият ва демократик давлат барпо этишнинг асосий мезонидир.

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаларидан яна бири – бу 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидир. Ушбу кодексга биноан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва обектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб кўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс – қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар бошқа Кодексларда ҳам ўз ифодасини топган, яъни давлат бошқаруви жараёнида ижро ҳокимияти органлари фаолиятини, фуқаролар ва нодавлат ташкилотларининг бошқарув соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишга қаратилган нормаларни қуйидагиларда ҳам учратиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ва бошқалар.

Маъмурий ҳуқуқнинг кенг тарқалган манбаларидан яна бири – бу Ўзбекистон Республикасининг қонунларидир. Бир неча давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мақоми жорий қонунларда ўз ифодасини топган. Жумладан:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 авгузда қабул қилинган “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонун¹и. Мазкур қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси - Ҳукумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир;

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун¹га биноан маҳаллий давлат ҳокимият органларига ҳоким раҳбарлик қиладиган ижроия аппарат ва вакиллик органлари киради. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсинадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир;

3) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун¹и республикада банк тизимини бошқарувчи давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Қонунга биноан Марказий банк юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкидир. Марказий банк - ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан муцақил муассасадир. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 авгузда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун¹и - Ўзбекистон Республикасида давлат солиқ хизмати органларини ташкил этиш тартибини, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Қонуннинг 1-моддасига биноан давлат солиқ хизмати органлари солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлаш мақсадларида тузилади. Давлат солиқ хизмати органларига - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг давлат солиқ инспекциялари киради;

5) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 авгузда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун¹и - давлат божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Божхона органлари Ўзбекистон Республикасининг ягона божхона сиёсатини амалга ошириш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона поцлари – божхона органларидир.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, давлат ва маҳаллий органлар норматив ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувини тартибга солишда давлат органларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи Низом ва Уцавлар ҳам маълум бир аҳамиятга эга.

Низом - муайян давлат тузилмаларини (масалан вазирликлар, давлат қўмиталарининг) ташкил этиш тартибини, тузилишини, вазифаси, функцияси ва ваколатларини белгилаб берувчи мажмуий тизимлаштирилган актдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган барча вазирликлар, давлат қўмиталари ўз фаолиятларини қонунлар ҳамда низомлар асосида амалга оширадilar. Низом - бошқарув актларининг энг кўп тарқалган турларидан биридир. Низом муайян ҳуқуқ ижодкорлик органи ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан тасдиқланади. Энг аҳамиятли соҳаларга тааллуқли ва юридик кучи юқорироқ бўлган низомлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Уцав - бошқарувнинг у ёки бу соҳасидаги муайян идора ва ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормаларни ўзида акс эттирувчи актдир. Бошқарув соҳасида бевосита иштирок этувчи кўпгина давлат идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фаолияти тегишли тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уцавлар асосида тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиатсиясини бошқарувчи - Ўзбекистон Миллий Авиаконпаниясининг фаолияти Уцав асосида тартибга солинади.

4. Маъмурий ҳуқуқнинг – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни

Бошқарув жараёнида турли хилдаги ҳуқуқ нормалари таъсири оқида бўладиган ва маъмурий ҳуқуқ предмети доирасига кирмайдиган муносабатлар тартибга солинади. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими турли тармоқларининг ўзаро муносабати вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқ фани конститутсиявий ҳуқуқ ва молия ҳуқуқи фанларига жуда яқин туради. Лекин шу билан бирга бу ҳуқуқ тармоқлари ўзининг тартибга солиш предмети (ижтимоий муносабатлар доираси) ва ўзига хос хусусиятларига қараб бир-биридан фарқланади.

Конститутсиявий ҳуқуқ фани ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Унда давлатнинг ижтимоий тузилиши ва давлат сиёсатининг асослари, давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар, миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилиш, давлат органлари тизимининг асослари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, экринликлари ва бурчлари

ифодаланади. Конциутсиявий ҳуқуқ фанининг предмети маъмурий ҳуқуқ фанининг предметидан кенгдир. Жумладан, конциутсиявий ҳуқуқ барча давлат органлари учун умумий бўлган ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принципларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ нормалари эса, юқоридагиларга асосланиб, давлат бошқарувида уларни қўллашни тартибга солади.

Конциутсиявий ҳуқуқ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ эса уларни амалга ошириш тартибини белгилаб беради, янада аниқлаштиради; фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан тўлдиради; фуқаролар томонидан ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар бажарилишининг бошқарув механизмини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конциутсиясига биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари уцидан судга шикоят килиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу жараён конциутсиявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган. Маъмурий ҳуқуқ эса, мана шу шикоятларнинг қайси органга тегишлилигини, шикоятни кўриб чиқиш муддати ва тартибини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ молия ҳуқуқи билан ҳам боғлиқдир. Молия ҳуқуқи давлатнинг молиявий фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Молия ҳуқуқининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси миллий даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Давлатнинг молиявий фаолияти ўз мазмунига кўра давлат бошқарувининг бир кўриниши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда, молия ҳуқуқининг тартибга солиш предмети маъмурий ҳуқуққа қараганда торроқдир.

Молия ҳуқуқида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тўғридан-тўғри буйруқ бериш услуги (маъмурий ҳуқуқ сингари) қўлланилади.

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг молия соҳасидаги ваколатларининг мазмунини молия ҳуқуқи нормалари, уларни амалга ошириш жараёнини эса, маъмурий ҳуқуқ нормалари тартибга солади. Демак, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг ваколат доирасини белгиловчи ҳуқуқий нормалар бир вақтнинг ўзида ҳам маъмурий ҳуқуқ, ҳам молия ҳуқуқи нормаи ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ молия соҳасидаги бошқарув муносабатларини тартибга солса, молия ҳуқуқи молиявий муносабатларнинг ўзини тартибга солади.

Узоқ вақт мобайнида бу ҳуқуқ тармоқлари (конциутсиявий, маъмурий ва молия ҳуқуқи) ягона тармоқ сифатида ўрганиб келинган. Кейинчалик

жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши билан конституциявий ҳуқуқдан маъмурий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқдан эса, молия ҳуқуқи ажралиб чиқди. Ҳозирги вақтда молия ҳуқуқи тармоғининг ўзида ҳам янги муцакил тармоқларнинг (масалан, солиқ ҳуқуқи, банк ҳуқуқи ва ҳ.к.лар) вужудга келаётганини кўриш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу икки ҳуқуқ тармоғи айрим ҳолатларда бир хилдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади, лекин турли услублар ёрдамида. Масалан, ваколатли давлат органининг буйруғига биноан бир хўжалик ташкилоти бошқасига бино ёки иншоотни беради. Бунда давлат бошқарув органи ҳокимият услубидан фойдаланади, яъни маъмурий ҳуқуқ ёрдамида икки хўжалик юритувчи ташкилотнинг мулкӣ муносабати тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқи эса, мазкур ташкилотлар ўртасида вужудга келадиган шартнома муносабатларининг мазмунини белгилаб беради.

Фуқаролар иштирокидаги кўпгина фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлари давлат бошқарув актлари орқали вужудга келиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса, мулкӣ муносабатлар давлат бошқаруви актининг ўзидан тўғридан-тўғри (яъни шартномасиз) келиб чиқиши мумкин.

Айрим ҳолларда давлат бошқарув органлари давлат органи сифатида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида ҳаракат қилувчи - юридик шахс сифатида намоён бўлади.

Демак, жамиятда вужудга келадиган айрим ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқнинг ҳам фуқаролик ҳуқуқининг ҳам тартибга солиш предмети тариқасида намоён бўлиши мумкин. Лекин бу муносабатлар турли хилдаги тартибга солиш услубига эга. Фуқаролик ҳуқуқида иштирок этувчи томонлар тенг ҳуқуқларга эга бўлади. Маъмурий ҳуқуқда эса, ҳамма вақт бир томонда давлат органи (мансабдор шахс) иштирок этганлиги сабабли, муносабат иштирокчиларининг бири иккинчисига нисбатан уцун туради, яъни давлат манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган томон иккинчи томонга мажбурий бўлган кўрсатмаларни беради.

Баъзи бир маъмурий ҳуқуқ нормалари меҳнат ҳуқуқи нормалари билан ўзаро боғлиқ. Маъмурий ҳуқуқ нормалари меҳнат муносабатларини тартибга солувчи давлат бошқарув органларининг (масалан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари) ваколатини белгилаб беради. Меҳнат муносабатлари соҳасидаги бошқарув актларининг мазмунини меҳнат ҳуқуқи, ушбу актларни чиқариш тартибини маъмурий ҳуқуқ белгилайди. Масалан, фуқаро корхона билан меҳнат шартномасини тузганида меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларга киришади. Корхона раҳбарининг ходимни ишга қабул қилиш тўғрисида чиқарган буйруғи - маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Давлат аппаратидаги хизмат маъмурий ҳуқуқ томонидан ҳам, меҳнат ҳуқуқи томонидан ҳам тартибга солинади.

Маъмурий ҳуқуқ жинойят ҳуқуқи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Маъмурий ҳуқуқ ўзида кўпгина умуммажбурий бўлган қоидаларни

(масалан, йўл ҳаракати, паспорт тизими, санитария ва ҳ.к.лар) мужассамлаштиради. Маъмурий ҳуқуқ фани қандай ҳуқуқбузарликлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, уларни кўриб чиқиш тартибини, маъмурий жавобгарлик ва жазони белгилаб беради. Жиноят ҳуқуқи эса, қандай хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланиши ва булар учун қандай жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилишини белгилаб беради. Бу икки ҳуқуқ тармоғи бир-бирининг нормаларини ҳаракатга келтириши мумкин. Масалан, такроран маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш жиноий жавобгарлик нормаларини, ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар эса маъмурий жавобгарлик нормаларини ҳаракатга келтиради.1

Демак, маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш мақсадида, уни ҳуқуқ тизимининг бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатини, яъни бир-бирига ўхшаш ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Назорат учун саволлар

Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.

Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети (ижтимоий муносабатлар доираси)

Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуби.

Маъмурий ҳуқуқ фани тизими.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари тушунчаси.

Маъмурий ҳуқуқ манбаси сифатида – Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси.

Маъмурий ҳуқуқ манбаси сифатида – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

Маъмурий ҳуқуқнинг бошқа манбалари.

Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.

Маъмурий ҳуқуқ ва конститутсиявий ҳуқуқнинг ўзаро муносабати.

Маъмурий ҳуқуқ ва молия ҳуқуқининг ўзаро муносабати.

Маъмурий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқининг ўзаро муносабати.

Маъмурий ҳуқуқ ва меҳнат ҳуқуқининг ўзаро муносабати.

МАВЗУ-2: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2 соат

РЕЖА:

1. Давлат органлари тушунчаси ва хусусиятлари.
2. Ижро ҳокимияти органлари тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари.
4. Ижро ҳокимияти органларининг таснифи.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
6. Вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.
7. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

1. Давлат органлари тушунчаси ва хусусиятлари.

Давлат – ўз ҳокимиятини амалга ошириш имконини берувчи ташкилий-моддий кучга, яъни давлат механизмига эгадир. Механизм давлатнинг нимадан ташкил топганлигини кўрсатувчи таркибий ва предметли ифодасидир. Давлат механизми - давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг давлат ҳокимиятини, вазифа ва функцияларини амалга оширишнинг яхлит иерархик, яъни бўйсинувга асосланган тизимидир.

Давлат механизмининг бошланғич ва асосий таркибий элементларидан бири – бу давлат органларидир. **Давлат органлари** - давлат функцияларини амалга оширадиган ва ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмининг бўғинидир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанига кўра, давлат органларининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи хусусиятларга қуйидагилар киради: а) давлат органи – давлат механизмининг бир бўлаги сифатида, маълум бир мустақилликка (автономияга) эгадир. Давлат органлари давлат механизмида ўз ўрнига эга бўлиб, унинг бошқа қисмлари билан ўзаро алоқада бўлади; б) давлат органи – турли муносабатларда давлат номидан ҳаракат қилувчи хизматчилардан иборат бўлади. Айнан давлат хизматчиларининг ҳаракатларида у ёки бу давлат органининг фаолияти намоён бўлади; в) давлат органлари ички таркибий тузилмага эгадир, яъни улар ягона мақсад атрофида бирлашган бўлинмалардан иборат бўлади; г) давлат органлари маълум бир ҳажм ва моҳиятга эга бўлган давлат-ҳокимият ваколатига эгадир; д) давлат органларининг функцияланишини – давлат томонидан молиявий маблағ ажратиш орқали таъминланади; е) давлат органлари – давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун, маълум бир шакл ва услублардан фойдаланади.

Давлат органи ўзининг моҳиятига кўра қандайдир ташкилотни, фуқароларнинг жамоасини англатади. Бундай фуқароларнинг жамоаси давлат фаолиятининг у ёки бу турини амалга ошириш учун давлат томонидан ташкил этилади.

Давлат ўз органларини бевосита ташкил этади ёки уларни ташкил этиш тартибини белгилайди, уларнинг функцияланишининг асосий қоидаларини ўрнатади, давлат номидан ва давлат манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши учун уларга маълум бир ваколатларни бериб қўяди.

Давлат органларининг барчаси, ягоналикда - давлат аппаратини ташкил этади. Давлат аппарати орқали давлат олдида турган вазифа ва функциялар амалга оширилади.

Давлат – фуқароларнинг сиёсий ташкилоти бўлганлиги сабабли, ташкил қилинадиган давлат органлари ҳокимият ваколатига эга бўлади.

Давлат-ҳокимият ваколати кенг қамровли тушунча бўлиб, асосан куйидагиларни ўз ичига олади: а) давлат номидан ва давлат манфаатини кўзлаб ҳуқуқий акт чиқариш; б) уларнинг амалга оширилишини - тарбиялаш, ишонтириш ва рағбатлантириш чораларини қўллаш орқали таъминлаш; в) ҳуқуқий актлардан келиб чиқадиган талаблар ижро этилишини назорат қилиш; г) ҳуқуқий актларни ҳимоя қилиш, яъни ҳуқуқий актларда назарда тутилган талаблар бузилганда, уларни мажбурий чоралар қўллаш орқали ҳимоя қилиш.

Давлат органлари тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш учун, уларни фуқароларнинг бошқа жамоаларидан, масалан жамоат ташкилотларидан фарқлаш лозим. Жамоат ташкилотлари давлат томонидан эмас, балки фуқаролар ёки меҳнат жамоаси томонидан, давлат органи эса давлат томонидан ташкил этилади. Баъзи ҳолларда давлат ўз органлари орқали жамоат ташкилотларини ташкил этиш асосларини ва тартибини, фаолият йўналишларини белгилаб бериши мумкин. Давлат органлари давлат-ҳокимият ваколатига эга, яъни давлат номидан ва давлат манфаатини кўзлаб бутун мамлакат бўйича ёки маълум бир ҳудудлар (вилоят, туман, шаҳар) бўйича ҳаракат қилади. Жамоат ташкилотлари ҳам маълум бир ваколатларга эга, лекин бу ваколатлар давлат-ҳокимият ваколати ҳисобланмайди. Жамоат ташкилотларининг ваколати маълум бир белгиланган доирада, масалан жамоат ташкилоти дорасида ёки жамоат ходимларига нисбатан ҳаракатда бўлади.

Давлат органларининг ўзига хос хусусиятларини корхоналар билан таққослаб кўрганда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, давлат органлари давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириб, ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан бевосита моддий бойликлар яратмайдилар. Корхоналар эса бевосита ишлаб чиқариш билан, моддий бойликларни яратиш билан шуғулланади.

Демак, **давлат органлари**: биринчидан, давлат механизми (аппарати)нинг бир қисми ҳисобланади; иккинчидан, давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлади; учинчидан, давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш мақсадида давлат томонидан ташкил этилади; тўртинчидан, маълум бир ташкилий тузилмага эга бўлади; бешинчидан, уларнинг фаолияти бевосита ишлаб чиқариш билан, моддий бойликларни яратиш билан боғлиқ эмас.

Ижро ҳокимияти органлари тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. **Турли ҳуқуқ соҳалари мутахассисларининг давлат органлари ва хусусан ижро ҳокимияти органлари тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти муаммоларига бағишланган кўпдан-кўп илмий изланишлари мавжуддир. 90-йилларнинг бошларидан, яъни собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, янги давлат тузилмаларининг шаклланиши ва ривожланиши билан, бу муаммога бўлган эътибор янада кучайиб борди. Бу айниқса давлатлар томонидан Асосий қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши билан янада жонланди.**

Ўзбекистон Республикаси Конституция асосида давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципнинг ўрнатилиши билан, давлатнинг – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларига бўлиниши мустақамланди.

Ижро ҳокимияти органлари - давлат ҳокимиятининг бир бўғини бўлиб, давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўлган сиёсий ташкилотдир.

Ижро ҳокимияти субъектлари ўрнатилган компетенция доирасида давлат бошқарувини амалга оширадилар. Ижро ҳокимияти - давлат бошқаруви органлари тизимидан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ижро ҳокимияти – бу унинг органларини, яъни норматив тартибда ўрнатилган мақсад, вазифа, компетенция, тузилма ва бошқарув персонали (давлат хизматчилари)га эга бўлган давлат бошқаруви органларини ташкил этиш ва улар функцияланишининг тизимидир.

Ижро ҳокимияти органлари – бу ҳокимият органлари тизимининг бир қисми бўлган, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган, бошқарув ҳаракатларининг махсус шакл ва услубларидан фойдаланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, тегишли тузилишга, компетенцияга, давлат-ҳокимият ваколатларига ва давлат хизматчилари штатларига эга бўлган ташкилотдир.

Ижро ҳокимияти органларининг тушунчаси ҳокимият бўлиниши принципидан келиб чиқади, унинг мазмуни эса – ижро ҳокимиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

Ижро ҳокимияти органлари – мазкур давлат ҳокимиятини амалга оширувчи асосий субъект бўлиб, унинг иштирокисиз давлат-бошқарув фаолиятини рўёбга чиқариш, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш мумкин эмас. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқ бошқа субъектларининг маъмурий ҳуқуқий ҳолати, айнан мана шу давлат органларининг фаолиятида намоён бўлади.

Ижро ҳокимияти органи - ижро ҳокимияти механизми (тизими)нинг таркибий қисми бўлиб, ижро ҳокимияти соҳасида давлат кўрсатмасига кўра ва давлат номидан ҳаракат қилади; ижро этиш ва фармойиш бериш хусусиятидаги фаолиятни амалга оширади; ўзининг компетенциясига эга; ўзининг тузилишига эга; фаолиятнинг ўзига хос бўлган шакллари ва услубларини кўллайди.

Ижро ҳокимияти органлари – давлатнинг ижро ҳокимияти амалга оширилишини таъминлайди. Мазкур органлар мазмуни ва услубларига кўра, ўзига хос бўлган давлат фаолиятини – давлат бошқарувини амалга оширадилар.

Ижро ҳокимияти органлари ўзининг давлат-ҳуқуқий табиатига кўра, ўзини ўзи бошқариш органларидан, функционал аҳамиятига кўра эса, давлат ҳокимиятининг бошқа органларидан, шунингдек, давлат корхона ва муассасаларидан фарқланади.

Ижро ҳокимияти органлари давлатнинг нормал функцияланишини таъминлаш мақсадида вакиллик (қонунчилик) ва суд органлари билан ўзаро муносабатда бўлади. Бу муносабатлар турли хилдаги ташкилий шаклларда намоён бўлиши мумкин (масалан, келишув комиссиялари ёки вакиллик органларининг мажлисларида ижро ҳокимияти органи мансабдор шахсининг маълумотларини тинглаш).

Ижро ҳокимияти органлари мустақил органлар бўлиб, юридик мазмунига кўра, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга ошириб, ҳуқуқий актларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўладилар. Улар кенг доирадаги ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича ваколатларга эга бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги, ҳуқуқ билан белгиланган доирада бўлади. Уларга нисбатан “тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш мумкин” деган қоида татбиқ этилмайди.

Ижро ҳокимияти органлари – ҳуқуқий актлар билан белгиланган ваколат доирасида, маълум бир тартибда ва ўрнатилган ҳуқуқий шаклларда ҳаракат қилишлари мумкин.

Ижро ҳокимияти органлари ҳуқуқий ҳолатининг муҳим хусусиятларидан бири – бу улар фаолиятининг қонуности хусусиятига эга эканлигидадир. Улар ўз фаолиятларида Конституция ва қонунларнинг талабларига қатъий риоя қилишлари, бажаришлари ва ўз ваколатлари доирасида уларнинг бошқалар томонидан бажарилишига кўмаклашишлари лозим.

Ижро ҳокимияти органларининг ўзига хос хусусиятлари:

1) ижро ҳокимияти органи – қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари сингари давлат аппаратининг алоҳида бўғини ҳисобланади. Ижро ҳокимияти органлари давлат номидан унинг сиёсатини турли соҳаларда – ҳўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларда амалга оширадилар; маълум бир ҳажмдаги давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўладилар;

2) ижро ҳокимияти органларига бериладиган давлат-ҳокимият ваколатлари уларнинг ҳуқуқларида ўз ифодасини топади ҳамда қуйидагиларда намоён бўлади:

а) давлат номидан мажбурий бўлган ҳуқуқий актларни қабул қилиш. Бундай актлар – бевосита уларга бўйсинувчи корхона ва муассасаларга ёки қуйи турувчи ижро ҳокимияти органларига ёки кимга бўйсиниши ва қандай мулк шаклида бўлишидан қатъи назар, барча корхона ва муассасаларга ёки жамоат (нодавлат) ташкилотларига ёхуд кенг шахслар доирасига (шу жумладан, фуқароларга) мажбурийлик хусусиятига эга;

б) ҳуқуқий актлар билан ўрнатилган талаблар ва қоидаларга риоя этилиши устидан кузатув (назорат)ни амалга ошириш;

в) ҳуқуқий актлар талабларининг бажарилишини таъминлаш ва уларни турли хилдаги бузилишлардан давлатнинг таъсир чораларини, масалан, ишонтириш, тушунтириш, рағбатлантириш ёки мажбурлов чораларини қўллаш орқали ҳимоя қилиш;

3) давлат-ҳокимият ваколатлари барча давлат ҳокимияти органларига берилганлиги сабабли, унда ижро ҳокимияти органлари ваколатининг доирасини ўрнатиш, муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижро ҳокимияти органлари давлат-ҳокимият ваколатларидан, фақатгина бошқарув фаолиятида фойдаланади.

Ижро ҳокимияти органлари – хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш жараёнида қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Шу сабабли, уларга тегишли бўлган давлат-ҳокимият ваколатлари, ижро этиш ва фармойиш бериш ёки давлат бошқарув фаолияти амалга ошириладиган соҳалар доирасида бўлади.

Қонунчилик ҳокимияти органлари ҳам қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш орқали, мазкур соҳаларда раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Суд ҳокимияти органлари эса, ушбу соҳаларда умуман раҳбарликни амалга оширмайди.

Демак, ижро ҳокимияти органларининг функционал аҳамияти бўлиб, ижрочилик ҳисобланади;

4) ижро ҳокимияти органлари ўз фаолиятларини қонун асосида ва қонунларни ижро этиш мақсадида амалга оширади, яъни уларнинг фаолияти қонуности хусусиятига эгадир. Ўзларининг фаолиятларини амалга ошириш жараёнида мазкур органлар қонун талабларини, шунингдек, давлат бошқаруви соҳасида ўзлари томонидан ўрнатилган талаблар ва қоидаларнинг бевосита амалга оширилишини ташкил этадилар;

5) республика ва маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи ижро ҳокимияти органлари ягона давлат маъмурияти тизимини ташкил этади. Мазкур тизим доирасида ҳар бир бўғин, яъни аниқ бир ижро ҳокимияти органи оператив мустақилликка эга бўлади. Бу, унга тегишли бўлган ваколатлар ҳажми ва жавобгарлик доираси сингари, мазкур органларнинг компетенциясида ифодаланган. Ижро ҳокимияти органларининг компетенцияси Конституцияда, жорий қонунларда ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топади;

6) ижро ҳокимияти органлари корхона ва муассаса сингари, фуқароларнинг маълум бир жамоаси бўлиб, маъмурий-бошқарув персонали (ходимлари)дан ёки давлат хизматчиларидан иборат. Лекин бундай жамоанинг мақсади корхона ва муассасанинг мақсадларидан фарқ қилади; иккинчидан эса, ижро ҳокимияти органини ташкил этувчи мазкур жамоа доирасида маълум бир ташкилий-ҳуқуқий алоқалар вужудга келади, функционал мажбурият ва ҳуқуқлар тақсимланади, шунингдек, юклатилган иш бўйича жавобгарлик белгиланади. Бу – давлат-хизмат муносабатлари бўлиб, мазкур органнинг ходимлари – давлат хизматчилари ҳисобланади;

7) ижро ҳокимияти органлари – ташкилий тузилишга, яъни бўйсинувчи тузилмавий бўлинмаларни ташкил этишни назарда тутувчи ички қурилишга эга бўлган давлат органидир;

8) ҳар бир ижро ҳокимияти органи – давлат бошқаруви фаолиятининг маълум бир ҳудудий ёки предметли доирасига эга. Ижро ҳокимияти

органларининг фаолияти маълум бир ҳудудларда, масалан, бутун давлат ёки маълум бир маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, ижро ҳокимияти органлари умумий ёки махсус аҳамиятга эга бўлган (предметли) бошқарув функцияларини, масалан, тартибга солиш, рухсат бериш, назорат ва фармойиш бериш каби функцияларни амалга оширишлари мумкин.

Демак, ижро ҳокимияти органи – бу ҳокимият бўлиниши принципига асосланиб, давлат томонидан жамиятнинг хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий ҳаётининг турли соҳаларида ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга ошириш юклатилган ҳамда маълум бир давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат ҳокимияти механизмининг бўғини ҳисобланади.

Ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари.

Ижро ҳокимияти органлари тизими деганда – ижро ҳокимияти органларининг йиғиндиси ва улар ўртасида компетенцияни тақсимлаш асосида ўзаро муносабатларининг тизими тушунилади. Тизимлилик - ижро ҳокимиятини ташкил этувчи ҳамда уни амалга оширувчи субъектлар ўртасида – фаолият олиб бориш предмети ва ваколатларнинг тақсимланишини белгилаб беради.

Юридик адабиётларда, ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари турлича кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жорий қонунлари билан ўрнатилган тартибдан келиб чиққан ҳолда, ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг ижро ҳокимияти тизимини ташкил этиш ва улар фаолиятининг принциплари бўйича билдирган қарашларини эътиборга олиб, **Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг қуйидаги асосий принципларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:**

1) ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этилишининг Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига мос келиши принципи. Мазкур принцип – конституциявий, кенг қамровли қоида бўлиб, нафақат ижро ҳокимиятининг, балки Ўзбекистон давлати ташкилий-ҳуқуқий тузилишининг хусусиятини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикаси – суверен демократик республикадир. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Демак, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига унитарлик хусусияти хос бўлиб, айнан шу асосда ижро ҳокимияти органлари тизими ташкил этилади. (Лекин унитарлик сўзини асл маъносида тушуниш керак эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши аралаш шаклга эга, яъни унитарлик ва федератив давлат тузилишларининг хусусиятларини ўз ичига олгандир.);

2) ижро ҳокимияти органларининг фуқаролар олдида масъуллиги принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига биноан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 14-моддасига биноан эса, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади;

3) ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишда ва амалга оширишда қонунийлик принципи Мазкур принцип нафақат ижро ҳокимияти органларига, балки барча шахсларга тааллуқлидир. Қонунийлик принципи – конституциявий асосга эга бўлиб, унга амал қилиш шартдир. Ижро ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида ташкил этилиши, шунингдек, ўз фаолиятларини амалга оширишлари мумкин.

4) ижро ҳокимияти органлари фаолиятида марказлашганлик ва марказлашмаганликнинг мавжуд бўлиши принципи.. Марказлашганлик ижро ҳокимияти органлари тизимининг ягоналигидан келиб чиқади. Марказлаштирганлик - қуйи турувчи органларнинг юқори турувчи органларга бўйсиниши, юқори турувчи органлар норматив ҳужжатларининг қуйи органлар учун мажбурийлигида, айрим ҳолларда ягона предмет ва ваколатлар доирасида биргаликда фаолиятни амалга оширишда яққол намоён бўлади. Марказлашмаганлик эса, қонунчилик актлари билан маълум бир ижро ҳокимияти органи зиммасига фаолият предмети ва ваколатларнинг юклатилиши бўлиб, ташқаридан (юқори турувчи органнинг) аралашувисиз мустақил амалга оширишдир. Бунда вертикаллик бўйича фаолият предмети ва ваколатларнинг тақсимланиши, мавжуд бўлмайди;

5) ижро ҳокимияти соҳасида функциялар ва ваколатларнинг тақсимланганлиги принципи. Ушбу принцип ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг предмети ва ваколатлар доирасининг тизимга кирувчи органлар ўртасида тақсимланишини белгилаб беради. Ҳар бир ижро ҳокимияти органи аниқ фаолият ва ваколатлар доирасига эга бўлади, ундан ташқарига чиқишга йўл қўйилмайди.

б) ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг коллегиялик ва яккабошчилик асосида ташкил этилиши принципи. Мазкур принцип ижро ҳокимияти органларини ташкил этишда ва улар фаолиятини амалга оширишда, давлат бошқарув фаолиятининг муҳим масалаларини ҳал этишда жамоа фикрининг ҳисобга олинишини таъминлайди. Шу мақсадда, ижро ҳокимияти органлари тизимида турли хилдаги маслаҳат, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва ҳайъатлар ташкил этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида деярли барча вазирликлар ва давлат қўмиталари тизимида Кенгаш ва Ҳайъатлар фаолият кўрсатади. Шу билан бирга ижро ҳокимияти органлари фаолиятида яккабошчилик ҳам мавжуддир. Яккабошчилик - ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширишда, шунингдек, тегишли бошқарув тартибни ўрнатишда зарур бўлган интизомни таъминлашга хизмат қилади. Коллегиялик – бошқарув

қарорларини қабул қилишда фойдалидир, яккабошчилик эса – давлат-бошқарув фаолиятининг ажралмас белгисидир.

Ижро ҳокимияти органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принципларига халқ ҳокимиятчилиги, ошкоралик, инсонлар ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жавобгарлик каби принципларни ҳам киритишимиз мумкин.

Ижро ҳокимияти органларининг таснифи. Ижро ҳокимияти органларининг турли даражаларда ташкил этилиши сабабли ва фаолиятининг кенг қамровли хусусиятга эга эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уларни бир неча асосларга қараб гуруҳларга ажратиш, яъни таснифлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига асосланиб, ижро ҳокимияти органларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) **фаолиятининг ҳудудий доирасига кўра** ижро ҳокимияти органлари уч гуруҳга бўлинади: а) олий ижро ҳокимияти органи (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси); б) марказий ижро ҳокимияти органлари (бунга республика миқёсида фаолият кўрсатувчи вазирликлар, давлат кўмиталари, корпорация, ассоциация, компания ва бошқалар); в) маҳаллий ижро ҳокимияти органлари (марказий ижро ҳокимияти органларининг бошқарма ва бўлимларини, ҳоким бошчилик қиладиган ижроия аппаратни киритиш мумкин);

2) **ташкил этиш асосларига кўра** ижро ҳокимияти органлари қуйидагиларга бўлинади: а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ташкил этиладиган органлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси); б) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ташкил этиладиган органлар (масалан, вазирликлар, давлат кўмиталари).

3) **ижро ҳокимияти органлари ваколатларининг ҳажми ва хусусиятига кўра**, улар қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

а) умумий ваколатли давлат органлари. Бу гуруҳ давлат органларига - Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимларни киритиш мумкин. Бу давлат органлари, ваколат доирасида, барча соҳаларга тааллуқли бўлган қарорларни қабул қилишлари мумкин. Масалан, амалдаги қонунчиликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқариши кўрсатиб ўтилган бўлиб, унинг ваколоти мана шу соҳалар доирасида амалга оширилади;

б) соҳавий ваколатга эга бўлган давлат органлари. Бу давлат органларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчидан, бир соҳа бўйича ваколатли давлат органлари - бу органлар ўз фаолиятини аниқ бир соҳа бўйича амалга оширади; иккинчидан, соҳалараро ваколатли давлат органлари - бу органлар бир неча соҳалар бўйича ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлади.

Кўпгина юридик адабиётларда, бир соҳа бўйича ҳаракат қилувчи давлат органларига – вазирликлар, соҳалараро ваколатли давлат органларига – давлат кўмиталари киритилган.

Лекин ҳозирги шароитда вазирликларнинг - соҳалараро ҳаракатини, давлат кўмиталарининг эса – бир соҳа бўйича ҳаракатланишини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари ҳам, кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан келиб чиқадиган бўлсак, ижро ҳокимияти органлари ваколатининг хусусиятига кўра, уларни махсус ваколатли органларга бўлиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги кўпгина давлат органлари (инспекциялар ва бошқа давлат идорлари) махсус ваколатларга эгадир;

4) ижро ҳокимияти органлари **ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра** қуйидагиларга бўлинади: а) Ҳукумат (Вазирлар Маҳкамаси); б) вазирликлар; в) давлат кўмиталари; г) агентликлар; д) кўмиталар; е) комиссиялар; ж) марказлар; з) давлат акционерлик компаниялари; и) давлат уюшмалари; к) давлат концернлари; л) давлат корпорациялари; м) давлат ассоциациялари; н) департаментлар; о) инспекциялар ва бошқалар;

5) **ижро ҳокимияти органларида раҳбарликни амалга ошириш шаклига кўра** улар қуйидагиларга бўлинади: а) яккабошчиликка асосланган органлар; б) коллегиял органлар; в) яккабошчилик ва коллегиял раҳбарлик уйғунлашган (яъни аралаш шаклдаги) органлар.

Ўзбекистон Республикасида аксарият ижро ҳокимияти органларида яккабошчилик билан коллегиял раҳбарликнинг уйғунлашганлигини кўриш мумкин;

б) **маблағ билан таъминланишига кўра** ижро ҳокимияти органлари иккига бўлинади:

а) давлат ва маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштирилдиган органлар. Мазкур давлат органлари ишлаб чиқариш ёки моддий бойликларнинг муомаласи билан бевосита боғлиқ бўлмай, мулкий мустақилликка эга эмас; уларнинг мажбуриятлари учун давлат жавобгардир;

б) хўжалик ҳисобидаги органлар. Ушбу давлат органлари мулкий мустақилликка эга бўлиб, асосий ва муомала воситаларига эга; ўз мажбуриятлари бўйича ўзларининг мулки билан бевосита жавобгар бўладилар; уларнинг фаолияти моддий бойликларни ишлаб чиқариш, пулли хизматлар кўрсатиш билан боғлиқдир.

Охирги вақтларда ижро ҳокимияти органларини маблағ билан таъминлашнинг аралаш шакли ҳам намоён бўлмоқда. Бу гуруҳга кирувчи давлат органлари ҳаражатларининг маълум бир қисми бюджетдан, маълум бир қисми эса хўжалик юртишдан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XX боб 98-моддасида ва 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунига биноан, **Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси** – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали

фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжихатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида: коллегиялик; демократия ва қонунийлик; Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари кирадилар. Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади ҳамда уни вазифасидан озод қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди ва вазифасидан озод қилади.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий девони ходимлари сонини ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилайди.

Вазирларнинг ўринбосарлари, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати томонидан ташкил

этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарларини ҳамда уларнинг бошқарувларининг аъзоларини, шунингдек, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳайъатларининг аъзоларини тасдиқлайди.

Вазирлар Маҳкамаси зарурат бўлганда ўз ваколатига кирувчи давлат бошқарувининг айрим масалаларини ҳал этишни, агар бу масалаларнинг ҳал этилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлмаса, вазирликлар, давлат кўмиталари ва ўз бўйсинувидаги давлат бошқаруви бошқа органларига бериши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Янги шакллантирилган Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгартишларни ишлаб чиқади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси муайян аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитишлари ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари мажлисларида, палаталарнинг кўмиталари мажлисларида ҳозир бўлиш ва ахборот беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг муайян аъзолари фаолиятига тааллуқли масалалар қўйилган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар олиш ва тушунтиришлар беришга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли кўмиталарига келишилган муддатда маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидан, Қонунчилик палатаси депутатидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан, Сенат аъзосидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ёки унга бўйсинувчи давлат ёхуд хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятига доир парламент сўрови олган Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоси қонун билан белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палаталарининг мажлисларида оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шарт.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур кўмак кўрсатади.

Давлат бошқарувининг, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳал этилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир ўтказди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги **Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати** Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида фаолият кўрсатади. Бош вазирнинг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

Давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари **Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари** шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари **Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари** шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул

қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун **Вазирлар Маҳкамасининг девони** фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони ва унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 8-бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти – ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.

Ҳар бир давлатда, унинг вазифалари ва функцияларини амалга оширилишини ташкил этилишига қараб, вазирликлар ва давлат кўмиталарининг турлари белгиланади.

Вазирлик - ижро ҳокимияти тизимининг асосий органларидан бири ҳисобланади. Вазирликлар белгиланган соҳада давлат сиёсатини ва бошқарувини амалга ошириш, шунингдек, мазкур соҳадаги ижро этувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади. Демак, вазирликнинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми икки асосий ҳолат билан белгиланади: биринчидан, вазирлик соҳавий орган сифатида фаолият кўрсатади; иккинчидан, мувофиқлаштирувчи давлат органи сифатида ҳаракат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, баъзи вазирликлар азалдан мавжуд (масалан, ички ишлар, мудофаа, таълим, маданият, молия, адлия ва бошқалар), бошқалари эса маълум бир ҳолатлардан ёки давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил топади (масалан, фавқулодда вазиятлар вазирлиги).

Вазирликлар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсинади. Вазирликларнинг баъзи бирлари эса, бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсиндирилган (масалан, ички ишлар, мудофаа вазирлиги).

Вазирлик ўз фаолиятида – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, ўзининг Низомига амал қилади.

Низом – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинади. Низомда – уларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, функциялари, ташкилий асослари ва бошқа умумий масалалар белгилаб берилади.

Вазирлик ўз ишини давлат бошқарувининг бошқа органлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари – вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, тегишли муҳрлар ва штампларга эга бўлади.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Вазир бошчилиги қилади. Вазир Вазирликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Вазир: а) вазирлик, унинг тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари фаолиятига раҳбарлик қилади; б) ўз ваколатлари доирасида тасарруфидаги барча ташкилотлар ва муассасалар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар ва топшириқлар беради; в) вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади; г) вазир ўринбосарлари ўртасида

вазифаларни тақсимлайди ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради; д) вазир ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг, шунингдек, тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг улар зиммасига юкланган вазифалар бажарилиши учун масъулияти даражасини белгилайди; е) Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида вазирлик марказий аппаратининг штат жадвалини, ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги низомларни, тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг низомлари ва уставларини тасдиқлайди; ж) вазирлик марказий аппарати ходимларини ва вазирликка бевосита бўйсинувчи муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларини, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади; з) вазирлик марказий аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш шарт-шароитларини белгилайди; и) алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларни белгиланган тартибда давлат фахрий унвонлари, ёрликлар ва мукофотлар беришга тақим этади; к) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

Вазирликда - Вазир ҳайъат раиси, лавозимига кўра вазир ўринбосарларидан, шунингдек, вазирлик ва унинг тизимининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат аъзолари, Вазир ва унинг ўринбосарларидан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат тасарруфидаги ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарнинг фаолиятини такомиллаштириш, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, муҳим ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, қабул қилинган қарорлар ижросини текширишнинг муҳим масалаларини кўриб чиқади, тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

Вазирликлар зарур ҳолларда ҳамда ўз олдида турган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида кўшма норматив-ҳуқуқий актларни ҳам чиқаришлари мумкин.

Вазирликда илмий-техник муаммоларни кўриб чиқиш ва асослантирилган қарорларни қабул қилиш мақсадида илмий-техник, маслаҳат кенгашлари, экспертизалар ва турли хилдаги комиссиялар ташкил қилиниши мумкин. Улар тўғрисидаги низомлар вазир томонидан тасдиқланади.

Вазирликлар - бош бошқарма, бошқарма, департамент, бўлим ва бошқа хилдаги ҳудудий бўлинмалардан (тузилмалардан) ташкил топган бўлиши мумкин.

Давлат қўмитаси - ижро ҳокимиятининг марказий органларидан бири бўлиб, коллегиялик асосида тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга

оширади, шунингдек, фаолиятнинг маълум бир соҳасида тартибга солиш вазифасини бажаради.

Давлат кўмиталарининг вазирликлардан фарқи шундаки, биринчидан, улар коллегиял органлар тоифасига киради; иккинчидан, улар тармоқлараро мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

Давлат кўмиталари вазирликлар сингари уларга юклатилган соҳаларда мувофиқлаштириш ва умумий раҳбарликни амалга оширади. Шу жиҳатидан бу иккала давлат органи бир-бирига ўхшаб кетади, яъни уларни яқинлаштиради. Амалиётда вазирликнинг давлат кўмитасига, ва аксинча, давлат кўмитасининг вазирликка айлантириш ҳолатлари учраб туради. Лекин уларнинг фарқини маъмурий-ҳуқуқий мақомини аниқлаш орқали белгилаш мумкин.

Давлат кўмиталари, вазирликлар сингари, ўз фаолиятларида – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, ўзининг Низомига амал қилади.

Давлат кўмиталарининг низомлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинади.

Давлат кўмиталари низомида – уларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, функциялари, ташкилий асослари ва бошқа умумий масалалар белгилаб берилади.

Давлат кўмиталари ўз ишини давлат бошқарувининг бошқа органлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Давлат кўмиталарининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари – вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Давлат кўмиталари – юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, тегишли муҳрлар ва штампларга эга бўлади.

Давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Раис томонидан бошқарилади.

Давлат кўмитасида Раис (раис) ва лавозими бўйича раис ўринбосарларидан, шунингдек, давлат кўмитасининг бошқа аъзоларидан иборат таркибда ҳайъат (кенгаш) ташкил этилади. Кўмита ҳайъати (кенгаши) таркиби Раиснинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Мақкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат (кенгаш) мажлисларида давлат кўмитаси фаолиятининг асосий масалалари кўриб чиқилади ҳамда тегишли баённомалар ва қарорлар қабул қилинади.

Давлат кўмитасида турли мутахассислардан иборат илмий-техник кенгашлар, давлат экспертизаси кенгашлари ва турли хилдаги маслаҳат кенгашлари ташкил қилиниши мумкин.

Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб кўйиш, шунингдек, республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил 9 декабрда “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга биноан, республика давлат бошқаруви органларига – вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, шунингдек, улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари киради.

Мазкур Фармонга биноан, **республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари** қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;
- ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;
- мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;
- инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;
- тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;
- солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқич талабларига биноан, иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви норма ва принципларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини

ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил 22 декабрда “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга биноан, **хўжалик бошқаруви органлари** бўлиб, таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари; муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар ҳисобланади.

Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари кўйидагилардан иборат:

- тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;
- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;
- корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта куроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;
- улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

Мазкур Фармонга кўра давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув – хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. **Олдинги параграфларда Ўзбекистон Республикасининг танлаган тараққиёт йўлига қисқача тўхталиб ўтган эдик. Ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Ҳаёт тақозосига кўра тарихий синалган анъаналарга асосланиб, Ўзбекистон Республикасида ҳокимлик институти вужудга келди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан 1991 йил 18 ноябрда Тошкент шаҳрида ҳокимлик лавозимининг ташкил этилиши, бу борадаги биринчи қадам бўлди.

1992 йил 4 январда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимияти идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бунда

бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос шартлари эътиборга олиниб, аввало ижроия ҳокимиятини мустақамлаш назарда тутилган эди.

Маҳаллий давлат ҳокимиятини ислоҳ қилишда – давлат қурилиши борасида тарихан шаклланган миллий, анъанавий тажрибалардан, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаларидан муваффақиятли фойдаланилди.

Тошкент шаҳрида, барча вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими жорий этилди ҳамда улар зиммасига вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқариш масъулияти юклатилди.

1992 йил апрелда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам, ҳокимлик лавозимини жорий этиш борасида қонун қабул қилинди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ҳокимлик институти мустақамлаб қўйилди.

1993 йил 2 сентябрда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Қонун ва қабул қилинган бошқа норматив ҳужжатлар ҳокимлик институтини амалда қўллаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Қисқа муддат ичида ҳокимлар амалий ишлари билан ўзларини, бир томондан умумдавлат, иккинчи томондан маҳаллий манфаатларни ифода этувчи, шунингдек, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик кафолати сифатида намоён бўлди.

Маҳаллий ҳокимият органлари деганда – вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладиган ижроия аппарати ва вакиллик органлари (вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари) тушунилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби 99-104-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунида назарда тутилган. Унга кўра, **маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:**

- қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадиган, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати - 5 йил.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсинадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими берилган ваколатлари доирасида умум манфаатни ифодаловчи тадбирлар ўтказиш, қўшимча корхоналар, хўжалик ташкилотлари тузиш учун, турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларида фаолиятларни уйғунлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикаси бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан шартномалар асосида ўзаро муносабатлар ўрнатишга ҳақлидирлар.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, башарти ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими мутлоқ Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган давлат

мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширадилар.

Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади. Туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсинувчи шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ иш бажарадилар. Ҳоким йўқлигида ёки у зиммасидаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини биринчи ўринбосар ёки ҳокимнинг топшириғига биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимликнинг бошқа ходимлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкни бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

3 МАВЗУ: Давлат хизмати ва давлат хизматчилари

РЕЖА:

2-соат

1. Давлат хизмати мазмуни ва тамойиллари
2. Давлат хизматчилари тушунчаси ва таснифи
3. Давлат хизматини ўташ тушунчаси ва тартиби
4. Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги

1. Давлат хизмати мазмуни ва тамойиллари

Маъмурий қонунчилик - кўпгина ички соҳаларга эга эканлиги, доимий ҳаракатда бўлиши ва ўзгариб туриши билан тавсифланади. Бундай ҳолатни “Маъмурий ҳуқуқ” фанида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, беш йил аввал, давлат хизмати тўғрисида, фақатгина маъмурий ҳуқуқнинг инцидути сифатида гапириш мумкин эди. Ҳозирда эса, қонунчиликнинг ривожланиши билан, давлат хизмати ўзининг муцақил предметиға ва тартибға солиш услубларига эга бўлмоқда, яъни муцақил ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланмоқда.

Давлат хизмати, аца-секинлик билан, кучли ҳуқуқий базаға эға бўлиб бормоқда ҳамда яқин келажакда ҳуқуқ тизимининг муцақил соҳаси сифатида жорий этилиши мумкин.

Ю.М.Козловнинг фикрича, давлат хизмати - давлат органларида амалга ошириладиган ҳамда ишчиларининг меҳнатидан мазмуни ва шакли жиҳатидан фарқ қиладиган ҳар қандай фаолият тушунилади.¹

Давлат хизматига бундай ёндошиш меҳнат фаолиятининг икки шаклига асосланади: биринчидан, бевосита моддий бойликларни, товарларни яратиш (ишларни бажариш); иккинчидан, бошқарувни, раҳбарликни, контрол ва назоратни амалга ошириш. Бунда – маънавий бойликлар яратилиши ёки давлат органларининг функциялари амалга оширилиши мумкин.

Д.Н.Бахрахнинг фикрича, давлат хизмати тушунчасини бир неча маъноларда кўриб чиқиш мумкин:

ижтимоий маънода - давлат хизмати ижтимоий категория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга оширишдир;

сиёсий маънода – давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча ишлаб чиқилган сиёсий куч ва воситалар орқали эришиш; давлат хизмати жамиятдаги мувозанатнинг асосий кўринишидир;

ҳуқуқий маънода – давлат-хизмат муносабатларини ҳуқуқий ўрнатиш бўлиб, мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат органларининг компетенцияси бажарилиши таъминланади. Давлат хизмати мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, уни ўрганиш давлат хизматининг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишни талаб қилади. Бу институт давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат бўлиб, у орқали хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга белгиланадиган чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хизматини ўташ, яъни хизмат муносабатларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши тартибга солинади. Демак, давлат хизмати ҳуқуқий институт бўлиб, турли ҳуқуқ соҳаларининг нормаларидан ташкил топган кичик институтларни ўз ичига олади;

ташкилий маънода - давлат хизмати давлат аппаратининг ташкилий-функционал элементлари билан алоқада бўлади. У қуйидаги элементлардан ташкил топган тизим сифатида намоён бўлади: давлат аппарати фаолиятининг ташкилий ва процессуал асосларини ташкил этиш, лавозимларнинг қурилиши ва уларнинг ҳуқуқий кўриниши, ходимларни аниқлаш, баҳолаш. Давлат хизмати давлатни муцаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, давлат ҳокимиятини белгилайди ва фуқаролик жамиятининг нормал функцияланишини таъминлайди.¹

Давлат хизмати тушунчасини кенг маънода олиб кўрадиган бўлсак, бу давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган барча шахсларнинг фаолиятидир.¹

В.М.Манохин томонидан давлат хизматига берилган тушунча юридик адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унинг фикрича, давлат хизмати - бу

давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунлари билан белгиланган принциплар ва бошқа ҳолатларга асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқаролар эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлашдан иборатдир.

Давлат хизмати тушунчаси функционал маънога ҳам эга. Унга кўра давлат хизмати - давлат фаолиятининг, давлат органларининг, маъмурий-бошқарув тузилмалари фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади.

Давлат хизматининг умумий хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиларининг давлат хизматини давлат органида назарда тутилган штат жадвали асосида олиб бориши;

иккинчидан, давлат хизматчиларининг белгиланган пул мукофоти эвазига давлат органи ваколатларини, мансаб мажбуриятларини амалга ошириши.¹

Алимов Х.Р. давлат хизматида тўхталиб, унинг қуйидаги асосларга кўра таснифланишини кўради:

биринчидан, давлат фаолиятининг турлари (шакллари)га қараб давлат хизмати: а) халқ депутатлари Кенгашларида амалга ошириладиган хизмат; б) давлат бошқаруви органларида амалга ошириладиган хизмат; в) суд органларида амалга ошириладиган хизмат; г) прокуратура органларида амалга ошириладиган хизматга бўлинади;

иккинчидан, фаолият турига кўра давлат хизмати: а) моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги хизмат; б) ижтимоий фойдали фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги хизматга бўлинади;

учинчидан, фармойиш бериш ваколатларига эга бўлиш хусусиятларига кўра давлат хизматчилари: а) фармойиш бериш ваколати берилган хизмат; б) бундай ваколат берилмаган хизматга бўлинади.¹

Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг бир неча моддалари бевосита давлат хизмати билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий принципларини муцаҳкамлайди. Масалан, давлат хизматида қонунийлик, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг уқунлиги, давлат хизмати соҳасида ваколатларнинг тақсимланганлиги, давлат хизматида иштирок этувчи фуқароларнинг тенглиги ва бошқа конституциявий принципларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири - бу давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллигидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Бу ҳолат ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий белгисидир. Давлат, унинг органлари инсонлар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Концитутсияга биноан Ўзбекистон Республикасида Концитутсиянинг ва қонунларнинг уцунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат хизматчилари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига таяниб, фақатгина давлат органининг ваколат доирасида ўз фаолиятларини амалга оширишлари, қонунчилик билан уларга юкланган вазифаларни ўз вақтида бажаришлари, берилган ҳуқуқлардан тўғри фойдаланишлари, белгиланган тартибга риоя қилишлари лозим. Қонунийлик принципига биноан давлат хизматини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши ҳуқуқ нормаларига асосланиши ҳамда жамият ва фуқароларнинг манфаатларини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Концитутсиясида кўрсатиб ўтилган давлат ҳокимиятининг тизими асосида, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида ташкил қилинади. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Ҳокимият органлари бир-биридан муцақил бўлиб, уларнинг ҳар бири давлат олдида турган маълум бир вазифа ва функцияларни амалга оширадидлар. Ҳуқуқий демократик давлат куришнинг муҳим белгиларидан бири - бу давлат ваколатларини ҳокимият органлари ўртасида тақсимлашдир.

Қонунчиликка биноан фуқаролар давлат хизматида бевосита иштирок этишлари мумкин. Бундай иштирок - давлат хизматида маълум бир фаолиятни амалга ошириш ёки давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Концитутсиясининг 32-моддасига биноан фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Концитутсиянинг 35-моддасига биноан эса ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф, шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ҳолатни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат хизматида бевосита иштирок этишга фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароларигина эга бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат хизматида иштирок этувчи барча фуқаролар бир хилдаги ҳуқуқларга эга бўлиб, миллати, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа белгиларидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Давлат хизматида фуқароларнинг фаолият кўрсатишида, мансаб ёки лавозим бўйича ҳаракатланишида давлат томонидан тенг шарт-шароитлар яратиб берилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади бўлиб - давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият хотиржамлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси ва қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган принциплар ва бошқа ҳолатлар асосида оммавий манфаатларни қондириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий вазифаларига эса, қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси халқи манфаатларини кўзлаб давлат функцияларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларининг бошқа норматив ҳужжатларини ижро этиш;

фаолиятнинг ўрнатилган мақсадлари ва ваколатларига қатъий риоя этган ҳолда, республика ва маҳаллий органларнинг самарали иш фаолиятини таъминлаш;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;

бошқарув фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва илмий-техник жараённинг энг илғор воситаларидан фойдаланиш, профессионал даражани ошириб бориш ва бошқалар.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган давлат хизматининг ҳар бир тури норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ўзларининг вазифаларига эгадир.

Б.Мирбобов, О.Ҳусановларнинг кўрсатишича, давлат хизматининг асосий мақсади – давлатнинг Конститутсия ва қонунларини амалга ошириш ҳисобланади. Шу мақсадда улар қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) давлатни аҳоли билан алоқасини, давлат хизматининг обрў-еътиборини таъминловчи ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;

2) марказий ва маҳаллий давлат органлари аппаратини самарали ишлаши ва ривожланишини таъминлаш;

3) меҳнатни илмий ташкил этиш, фан янгиликларидан, техника ютуқларидан фойдаланиш, жаҳон тажрибасини қўллаш орқали давлат аппарати фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш;

4) давлат бошқарувини демократлаштириш, унинг фаолиятида ошкоралик ва очиқлик учун шароит яратиш, қонунийликни таъминлаш, бюрократизм ва коррупция кўринишларига барҳам бериш;

5) давлат органлари жамоасида соғлом муҳит, ишчанлик сифатларини, ташаббускорлик, ижодкорликни вужудга келтирувчи шароитларни таъминлаш;

6) давлат бошқаруви ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини вужудга келтириш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш, ходимларни хизмат пиллапоясидаги адолатли силжишига имконият яратиш;

7) давлат бошқарувига хизматга қабул қилиш, хизматни ўзгартириш, юқори кўтарилиш, ходимлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш, жавобгарлик тартибларини аниқлаш. 1

Давлат хизматининг вазифалари – давлат органининг ҳуқуқий мақомига, давлат хизматчисининг қандай мансаб ва лавозимни эгаллаб турганига боғлиқ бўлади.

2. Давлат хизматчилари тушунчаси ва таснифи

Давлат хизматчилари - ҳуқуқнинг индивидуал субектларидан иборат бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, маълум бир ҳақ эвазига давлат органларининг вазифа ва функцияларини амалга оширадилар.

Ҳар бир ташкил этиладиган ташкилот унинг нормал функцияланиши учун махсус тайёрланган хизматчилардан иборат бўлган маълум бир персоналга эга бўлиши лозим. Ташкилотларнинг турига қараб ҳуқуқ объектларининг қуйидаги хизматчиларини: давлат (давлат органлари), маҳаллий органлар, жамоат бирлашмалари нодавлат, тижорат, нотижорат, диний, хусусий, халқаро ташкилотларнинг хизматчиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кўпгина инсонлар ижтимоий фойдали меҳнат билан машғулдир: жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида турли функцияларни амалга оширадилар; моддий бойликлар яратадилар, яъни товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, тарбиявий ва таълим функцияларини амалга оширадилар, давлат-ҳокимият ҳаракатлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажарадилар, турли хилдаги қарорларни қабул қиладилар.

Давлат хизматчиси, кенг маънода, давлат вазифа ва функцияларини нафақат давлат органларида, балки давлатнинг бошқа ташкилот, муассаса ва корхоналарида амалга оширадиган ҳуқуқнинг индивидуал субектидир.

Давлат хизматчиси - бу давлат органлари ваколатларини бажаришни таъминлаш бўйича профессионал фаолиятни амалга оширувчи шахсдир. Давлат хизматчиси ва давлат (давлат органи) ўртасида давлат-хизмат муносабатлари вужудга келиб, улар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Давлат хизматчиси, тор маънода давлат хизматида давлат лавозимини эгаллаган, яъни давлат маъмуриятининг тузилмалари тизимида маълум бир мансабни эгаллайдиган, пул мукофоти эвазига мазкур давлат органининг функцияларини амалга оширадиган шахсдир.

Давлат хизматчиларининг аксарияти ижро-фармойиш бериш (ташкиллаштириш) ваколатларини ва ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириш билан шуғулланадилар. Фақатгина айрим давлат хизматчилари махсус давлат лавозимларини эгаллайдилар, масалан, одилсудловни ва прокурор назоратини (яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини) амалга оширадилар.

Кўпгина юридик адабиётларда давлат хизматчисига қуйидагича таъриф берилади: давлат хизматчиси - бу давлат маъмурияти аппаратида бевосита ёки билвосита маълум бир ҳақ эвазига домий ёки вақтинча хизмат мажбуриятларини амалга оширувчи шахсдир.¹ Бунда “хизматчи томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилиши” асосий тушунча сифатида намоён бўлади.

Давлат хизматчиси тушунчасини уч маънода кўриб чиқиш мумкин:

биринчидан, давлат-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси - бу турли хусусиятдаги ва аҳамиятдаги ваколатларга эга бўлган давлатнинг (давлат органларининг) “хизматкори” ҳисобланади. Хизматчилар давлатни давлат маъмуриятининг ичидаги турли ижтимоий муносабатларда ёки ташқи алоқаларда давлат номидан ҳаракат қилади. Давлат хизматчиси – давлат ва жамият тараққиётининг маҳсули бўлиб, давлат функцияларини амалга оширади;

иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси - махсус ҳокимият, ташкиллаштирувчи-фармойиш берувчи ваколатларга эга. Давлат хизматчиси юрисдиксиявий (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) чоралар ва ваколатларни амалга ошириш ва маъмурий-ҳуқуқий санксияларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият вакилидир;

учинчидан, жинойт-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси - жиноий жавобгарликнинг махсус субекти ҳисобланади (давлат хизматчиси - мансабдор шахс - мансаб жинойтлари учун жавобгарликка тортиладилар).

Ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимидан келиб чиқувчи маълум бир вазифаларни бажариши керак. Давлат лавозими - бу давлат хизматчисининг иш (хизмат) жойи ҳисобланади. Ҳар бир давлат лавозими давлат хизматининг асосий элементларидан бири бўлган штат бирлигига киритилади. Штат жадвали давлат органи (ташкilotи)да ташкил этилган лавозимлардан иборатдир. Давлат ташкilotларида лавозимлар давлат ҳокимияти субектлари томонидан фармойиш бериш тартибида ташкил этилади.

Алимов Х.Р. давлат хизматчисига тўхталиб, унга куйидагича тушунча беради: давлат хизматчиси - бу давлат-ҳокимият ваколоти доирасида маълум бир ҳақ эвазига давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширувчи шахсдир. Давлат хизматиға фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кириши мумкин. 1

Д.М.Овсянконинг фикрича: давлат хизматчиси - қонун билан ўрнатилган тартибда маълум бир пул мукофоти эвазига давлат хизматидаги давлат лавозими бўйича мажбуриятларни амалга оширувчи фуқаро ҳисобланади. Давлат хизматчилари орқали бутун жамият соҳаларига тааллуқли бўлган давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади. 1

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиси тушунчасини куйидагича белгилаш мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиси - бу 18 ёшга тўлган, давлат тилини билган, маълум бир билимга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир. Давлат хизматчиси давлат-хизмат муносабатларининг бир томонини ташкил этади. Давлат органи ҳамда хизматчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, унга кўра хизматчи давлат органининг ваколатларини, давлат функцияларини бажаради, давлат курилишининг маълум бир мақсадларига эришиш учун махсус вазифаларни ҳал этади, давлат (давлат органи) эса ўз навбатида хизматчи олдида: унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ўрнатади ва таъминлайди, ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар, жавобгарлик, пул маблағи билан таъминлаш каби мажбуриятларга эга

бўлади. Давлат хизматчиси маъмуриятнинг вакили, давлат бюрократининг бир қисми ҳисобланади. Давлат хизматчиларининг барча ҳаракатлари давлат номидан ва унинг кўрсатмаси асосида амалга оширилади, давлат эса давлат хизматчиси фаолияти уйдан назоратни амалга оширади ва тегишли ҳолатларда уларга нисбатан мажбурлов чораларини кўллайди. Давлат хизматчиси фақатгина давлат органида давлат мансабини эгаллаши мумкин;

иккинчидан, давлат хизматчиси фаолияти давлат хизматини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос келиши керак;

учинчидан, давлат хизматчиси қонунчилик билан ўрнатилган тартибда давлат хизматининг пул билан таъминланадиган давлат лавозимини эгаллайди. Қонунчилик давлат хизматчиси фаолиятининг мазмунини, унинг ҳуқуқий ҳолатини, фаолиятнинг мақсади, вазифаси ва асосий йўналишларини, ҳуқуқларни, мажбуриятларни, жавобгарликни, чекловларни, кафолатларни белгилаб беради. Давлат лавозимларини фақатгина давлат хизматчилари эгаллашлари мумкин;

тўртинчидан, давлат хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда малака даражалари берилади;

бешинчидан, давлат хизматчиси давлат функцияларини, давлат органларининг ваколатларини бажарадилар, иқтисодий, ижтимоий, маъмурий-сиёсий соҳаларда (давлатнинг молиявий фаолияти, маданиятни ривожлантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, божхона, банк иши, солиққа тортиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ички ишлар, ташқи сиёсий фаолият ва ҳ.к.ларда) давлат вазифаларини амалга оширадилар;

олтинчидан, давлат хизматчиси аксарият ҳолларда юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга оширадилар (масалан, бошқарув қарорларини қабул қилдилар, жазога тортадилар). Бундай ҳаракатлар юридик фактлар сифатида намоён бўлиши мумкин. Давлат хизматчиларининг бундай ҳаракатлари давлат ва жамият ҳаётида турли ижтимоий муносабатларни вужудга келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин;

еттинчидан, давлат хизматчиларининг фаолияти, қоида бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга эмас. Лекин уларнинг фаолияти умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас, деган хулосага келмаслик лозим. Чунки, давлат хизматчилари ишлаб чиқариш жараёнига уни йўналтириш, бошқариш, лойиҳаларни тайёрлаш ва бошқа функциялар орқали таъсир кўрсатади.

Давлат хизматчилари ўз фаолиятлари орқали инсонлар онгига, иқтисодий ҳаётга, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига, меҳнат жамоаларини ташкил этилиши ва фаолият юритишига таъсир кўрсатади.

Барча давлат хизматчиларини турли асосларга кўра гуруҳларга бўлишимиз, яъни таснифлашимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясидан келиб чиққан ҳолда, яъни ҳокимиятнинг учга бўлинишини эътиборга оладиган бўлсак, барча давлат хизматчиларни уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

биринчидан, қонунчилик ҳокимияти органларининг хизматчилари. Бизга маълумки Ўзбекистон Республикасида қонунчилик ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 76-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат;

иккинчидан, ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари. Давлат ва унинг аппаратининг функцияланиши ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Ижро ҳокимияти органлари ташкилий-бошқарув ва ижро-фармойиш бериш фаолиятини амалга оширади;

учинчидан, суд ҳокимияти органларининг хизматчилари. Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 107-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди ва хўжалик судидан, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Давлат хизматчиларининг таснифи юридик адабиётларда турлича берилган. Жумладан, ҳуқуқшунос олим Д.М.Овсянконинг фикрича давлат хизматчиларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

давлат ҳокимияти органларининг фаолият доирасига қараб давлат хизматчилари: республика миқёсида ҳаракат қилувчи хизматчилар; маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи хизматчилар;

давлат хизматининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчиларини: фуқаролик давлат хизматчилари; милитарланган давлат хизматчилари (масалан, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари хизматчилари);

ҳокимиятнинг бўлиниш принциpidан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчилари; қонунчилик ҳокимияти органларининг хизматчилари; ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари; суд ҳокимияти органларининг хизматчилари;

мансаб ваколатларининг ҳажмига кўра давлат хизматчилари: мансабдор шахслар; мансабдор шахслар таркибига кирмайдиган бошқа хизматчилар;

хизмат муддатининг давомийлигига кўра давлат хизматчиларини: маълум бир муддатга тайинланадиган (сайланадиган) хизматчилар; белгиланмаган муддатда тайинланган хизматчилар; синов муддати билан тайинланган хизматчилар ва бошқаларга бўлинади¹.

Алимов Х.Р. ўзининг «Административное право Республики Узбекистан» китобида давлат хизматчиларининг қуйидаги тўрта гуруҳини кўрсатиб ўтади:

1) раҳбарлар.

Раҳбарлар мазкур давлат органининг, корхона, муассаса ва ташкилотнинг функцияларини амалга ошириб, унга бўйсиндирилган давлат хизматчилари аппаратининг иш фаолиятини йўналтиради; ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, интизомий жавобгарликка тортиш, молияга ҳамда товар-моддий бойликларга эгалик қилиш, рағбатлантириш, мазкур орган номидан имзо чекиш ва бошқа юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Демак, раҳбарлар давлат-ҳокимият ваколатларини амалга ошириб, раҳбарлик қилаётган орган фаолияти учун шахсий жавобгар ҳисобланади.

Раҳбарлар ўзларига бўйсинган органлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг оператив (яъни кундалик) ва хўжалик фаолиятига аралашиб, уларнинг ишини йўналтириш, назорат қилиш, мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эгадир. Раҳбарлар таркибига вазирларни, давлат қўмиталарининг раисларини, бошлиқларни, бошқарувчиларни, директорларни, ректорлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мазкур тоифадаги давлат хизматчилари юридик адабиётларда кўпинча мансабдор шахслар сифатида ифода этилади. Лекин давлат хизматчиларининг аксарияти давлат ташкилотида маълум бир давлат мансабини эгаллагани сабабли, уларни мансабдор шахслар жумласига киритиш мумкин. Шу сабабли ҳар қандай давлат хизматчисини (мансабдор шахсни) раҳбарлар таркибига киритиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-модда иккинчи қисмига биноан мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.¹

Кўришиб турибдики, мансабдор шахс бўлиб раҳбарлар ҳам, назорат функциясини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа хизматчилар ҳам (масалан, ички ишлар органларининг ходимлари, санитария назорати органларининг ходимлари ва ҳ.к.лар) ҳисобланади;

2) асосий таркиб - давлат хизматчилари таснифининг иккинчи асосий ва муҳим аҳамиятли гуруҳи бўлиб, мазкур органга юклатилган функцияларнинг деярли барчасини бажаради. Асосий таркибга кирувчи давлат хизматчилари раҳбарлар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этмайдилар (масалан, ишга олиш, ишдан бўшатиш, фаолиятни йўналтириш ва ҳ.к.лар). Бу гуруҳ давлат хизматчиларига - муҳандисларни, иқтисодчиларни, агрономларни, архитекторларни, врачларни, ўқитувчиларни, илмий ходимларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда раҳбарлар томонидан юридик аҳамиятли ҳаракатларнинг амалга оширилиши мутахассисларга боғлиқ бўлади. Масалан, раҳбар ходимни меҳнатдан вақтинча бўшатиш тўғрисидаги буйруқни, врачнинг маълумотномасиз чиқариши мумкин эмас. Давлат хизматчилари асосий таркибининг ҳаракатлари, охир оқибат давлат органи, корхона, муассаса ва

ташкilot фаолиятининг сифатини ҳам белгилаб беради. Асосий таркибнинг ишига қараб давлат органининг фаолиятига баҳо берилади. Шу сабабли ҳам, давлат органида хизматчиларнинг асосий таркибини шакллантиришда кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласига катта эътибор берилади;

3) ёрдамчи хизматчилар.

Давлат хизматчиларининг мазкур гуруҳини давлат органининг нормал функцияланиши учун зарур бўлган ёрдамчи функцияларни амалга оширувчи хизматчилар ташкил этади.

Ёрдамчи хизматчилар давлат органининг нормал функцияланиши учун шароит яратиб беради. Ёрдамчи хизматчилар таркибига - иш юритувчилар, курерлар, машиницкалар, лаборантлар, экспедиторлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ёрдамчи хизматчиларнинг фаолият доирасига: хизмат ҳужжатларини, цатицик маълумотларни тайёрлаш; ҳужжатларни юбориш ва бошқа ёрдамчи-техник ҳаракатларни амалга ошириш киради.

Ёрдамчи хизматчиларнинг фаолияти юридик аҳамиятга эга эмас. Масалан, қўлда ёзилган хизмат ҳужжатининг машиницка томонидан терилиши, тегишли раҳбар томонидан имзо қўйилмагунча ёки муҳрланмагунча юридик аҳамиятга эга бўлмайди;

4) маъмурий ҳокимият вакиллари – давлат хизматчиларининг алоҳида гуруҳи ҳисобланади. Маъмурий ҳокимият вакиллари - давлат хизматчиларининг шундай гуруҳики, улар ўз ваколатлари доирасида бошқа шахсларга, хизмат бўйсинувидан қатъи назар, бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмаларни бериши мумкин. Ҳокимият вакилларига судьяларни, прокурорларни, депутатларни, Қуролли кучлар, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлар таркибига кирувчиларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Ҳокимият вакиллари умумий хусусиятдаги ваколатларни амалга оширадилар, масалан, хизмат юзасидан уларга бўйсинмаган шахсларга мажбурий фармойишлар бериш, маъмурий таъсир этиш чораларини қўллаш ва ҳ.к.лар. Маъмурий ҳокимият вакиллари давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлиб, конкрет давлат органи номидан ва унинг кўрсатмасига биноан ҳаракат қиладилар.¹

3. Давлат хизматини ўташ тушунчаси ва тартиби

Давлат хизмати ҳуқуқий инцидентда - давлат хизматини ўташ асосий элемент бўлиб ҳисобланади. Бу давлат-хизмат муносабатларининг вужудга келиши билан, яъни хизматчининг тегишли лавозимни эгаллаши, лавозим бўйича ҳаракатланиши, хизматчиларнинг фаолиятини баҳолаш ва аттецатсиядан ўтказиш ҳамда давлат-хизмат муносабатларининг тугаши билан бекор бўлувчи жараён дир.

Давлат хизматини ўташ инцидути - бошқарув аппаратида ходимларни танлашдан, хизмат бўйича ҳаракатланишни амалга оширишдан, давлат хизматидан бўшатиш услубларини ўрнатиш ва амалга оширишдан бошланади.¹

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизматини ўташ давлат хизмати ҳуқуқий инцидунининг ички инцидути бўлиб, қуйидагиларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир:

давлат лавозимини эгаллаш;

турли давлат органлари ходимларининг махсус профессионал тайёргарлиги;

ўриндошлик;

хизматчилар томонидан ўзларининг мансаб мажбуриятларини бажариши ва ҳуқуқларини амалга ошириши;

малака даражаларнинг, махсус унвонларнинг бериш тартиби;

хизматчиларни рағбатлантириш ва уларни жавобгарликка тортиш;

давлат хизматчиларининг аттецатсияси;

хизмат бўйича ҳаракатланиш;

хизматнинг шароитлари;

давлат хизматчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси (кафолатлар, имтиёзлар, компенсатсиялар);

давлат хизматининг тугаши асослари ва услублари.

Д.М.Овсянконинг фикрича, давлат хизматини ўташ икки турдаги ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади. Бу ҳуқуқий актлар бир-биридан юридик оқибатларни вужудга келтириши билан фарқланади.

Биринчи ҳуқуқий акт - бу норматив ҳуқуқий актлар бўлиб, улар орқали барча фуқаролар томонидан ўталадиган давлат хизматининг умумий тартиби ўрнатилади. Норматив актлар орқали давлат хизматида қабул қилиш тартиби, синов муддатини ўташ, аттецатсия ўтказиш тартиби, давлат хизмати шароитларининг хусусиятлари, мансабларни эгаллаш, малака даражаларни, илмий унвонларни бериш ва бошқа масалалар белгилаб берилади.

Иккинчи ҳуқуқий акт - бу индивидуал (якка тартибдаги ёки маъмурий) актлар. Индивидуал актлар аниқ бир фуқаро учун давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтиришда, ўзгартиришда ва бекор қилишда юридик факт сифатида хизмат қилади.¹

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати инцидунининг асосий элементи бўлиб, унда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми амалга оширилади. Давлат хизматини ўташ - сиёсий ва маъмурий давлат лавозимларини тўлдириш фаолияти бўлиб, давлат маъмуриятида мансабларнинг давлат хизматчилари ўртасида кетма-кетликда алмашинувини, давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатлари ўзгаришини ўз ичига олади. Ҳар бир давлат хизматчиси якка тартибдаги лавозим (хизмат) йўналишига эгадир. Шунинг учун ҳам амалда давлат хизматини ўташ ҳам индивидуалдир.¹

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан давлат хизматида қабул қилишнинг, синов муддатини ўташнинг тартиби, давлат хизмати шароитларининг ўзига хос хусусиятлари, хизматчиларни аттецатсиядан

ўтказиш тартиби, давлат лавозимларини эгаллаш ва бошқалар белгилаб берилгандир.

Амалдаги қонунчиликка биноан давлат хизматига кириш ҳуқуқига, коида бўйича, давлат тилини биладиган, профессионал таълимга эга бўлган, давлат хизматига қўйилган талабларга жавоб бера оладиган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари эгадир. Давлат хизматига ишга киришда, шунингдек, уни ўташ жараёнида маълум бир, масалан, миллати, тили, жинси, келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, эътиқоди ва бошқа белгиларга қараб чекловларнинг қўйилиши мумкин эмас.

Давлат хизматини ўташнинг асосий белгиси - бу давлат лавозимини эгаллашдир. Давлат лавозимини эгаллаш фуқаронинг мансаб ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлар ва ҳуқуқӣ жавобгарликнинг субектига айланганидан далолат беради. Давлат лавозимларини эгаллашда қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда баъзи бир чекловлар ўрнатилиши мумкин. Жумладан, фуқаролар қуйидаги ҳолларда давлат хизматида бўлиши ёки давлат лавозимини эгаллаши мумкин эмас:

биринчидан, фуқаро суд ҳукми билан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса;

иккинчидан, суд томонидан фуқаронинг белгиланган муддатда давлат лавозимини эгаллаши тақиқланган бўлса;

учинчидан, тиббий муассасанинг хулосасига кўра, давлат мажбуриятларини бажаришга нолайиқ бўлса;

тўртинчидан, ўзаро яқин қариндошларнинг бўйсинув асосида давлат хизматини битта давлат органида ўташи ва бошқа ҳолатлар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабр қонуни билан тасдиқланган Меҳнат кодексининг 79-моддасига биноан ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсинув ёки унинг назорати оцида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади. Бу қоидадан ициснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати томонидан белгиланиши мумкин.1

Давлат хизматини ўташ шароитларига эса қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

хизмат вақтининг, ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги; қўшимча меҳнат таътиллари;

хизматчиларнинг пул таъминоти;

имтиёзлар, кафолатлар ва компенсациялар;

давлат ижтимоий суғуртаси;

хизмат уйи, хизмат автотранспорти билан таъминлаш тартиби;

хизмат сафаридида бўлганда ижтимоий-маиший ва техник-хусусиятдаги хизматлар.

Давлат-хизмат ҳуқуқӣ муносабатларининг вужудга келишида икки асосий ҳуқуқӣ ҳужжатни: биринчидан, меҳнат шартномаси; иккинчидан,

фуқарони давлат хизматидаги давлат лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқни фарқлай олиш лозим.

Фуқаронинг давлат хизматига кириши меҳнат шартномаси билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсинган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Давлат хизматида меҳнат шартномаси қуйидаги мақсадда дацлабки синов шарти билан ҳам тузилиши мумкин: ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш; ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

Дацлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дацлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дацлабки синов белгиланмайди.

Дацлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дацлабки синов муддатига киритилмайди.

Дацлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Дацлабки синов даври меҳнат цажигга киритилади.

Дацлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Агар дацлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

Давлат хизматини ўташдаги асосий элементлардан яна бири - бу давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланишидир. Давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши қуйидагича бўлиши мумкин:

ходимнинг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида юқори лавозимни эгаллаши;

бир хил аҳамиятдаги лавозимни эгаллаши;

қўйи лавозимга ўтказилиши;

Ўқишга кириши муносабати билан лавозимидан озод қилиш, шунингдек, ўқишни тамомлаганидан сўнг лавозимга тайинланиши.

Давлат хизматчисининг хизмат (лавозим ёки мансаб) бўйича ҳаракатланиши тегишли раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилиши лозим.

Давлат хизматини такомиллаштириш ва тартибга солишни хизматчиларни доимий аттецатсиядан ўтказишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аттецатсия қоидаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш тартиби ҳамда хизмат бўйича ҳаракатланиш бевосита боғлиқ бўлган жараёнлардир.

Давлат хизматини ўташда давлат хизматчиларининг аттецатсиясидан ўтказиш ҳуқуқий инцидути катта аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳуқуқий инцидент Ўзбекистон Республикасининг турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Давлат хизматчиларини аттецатсиядан ўтказиш тўғрисида гапиришдан олдин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юридик адабиётларда бу масала унчалик ёритиб берилмагандир.

Аттецатсия, тор маънода, хизматчиларнинг профессионал, ишчанлик ва шахсий хислатларига баҳо бериш, унинг хизмат-лавозим талабларига мос келишини текшириш мақсадида ўтказилади.

Аттецатсия кенг маънода, қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

амалиётда давлат хизмати принципларига риоя этиш;

давлат хизмати тизимида қонунийликни таъминлаш;

давлат органларининг профессионал кадрлар мажмуасини ташкил этиш;

давлат хизматчисининг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида уларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш;

давлат хизматчисига жавобгарлик чораларини қўллаш; интизомни ва жавобгарликни ошириш;

хизматчиларнинг хизмат зинапояси бўйича ҳаракатланишини таъминлаш;

давлат хизмати мувозанатини таъминлаш;

давлат хизматчиларининг малакасини оширишни тартибга солиш;

давлат хизмати тизимида ҳуқуқбузарликларга ва коррупцияга қарши кураш ва огоҳлантириш ва бошқалар.

Аттецатсия давлат хизматчиларининг профессионал хислатларига баҳо беришдир. Айрим ҳолларда аттецатсия аниқ мақсадларга эришиш ва аниқ кўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида ҳам ўтказилиши мумкин.

Давлат хизматчиларини аттецатсиядан ўтказишни ташкил этиш органларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Аттецатсияни ўтказиш мақсадида аттецатсия комиссияси тузилади, аттецатсия ўтказиш жадвали тасдиқланади, аттецатсиядан ўтказилиши лозим бўлган шахслар доираси белгиланади ҳамда аттецатсия комиссияси учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланади.

Аттецатсия натижаларига кўра давлат хизматчиларига қуйидаги уч турдаги баҳо берилиши мумкин:

биринчидан, эгаллаган давлат лавозимига лойиқлиги;

иккинчидан, хизмат фаолияти юзасидан аттецатсия комиссияси кўрсатмаларини бажарган тақдирда, эгаллаган лавозимига лойиқлиги;

учинчидан, эгаллаган давлат лавозимига лойиқ эмаслиги.

Агар давлат хизматчиси эгаллаб турган давлат лавозимига нолойиқ деб топилган бўлса, у малакасини оширишга ёки қайта тайёрланишга ёхуд бошқа давлат лавозимига ўтказилиши мумкин.

Давлат хизматчиларини аттецатсиядан ўтказиш – кадрлар сиёсати ва давлат хизматини бошқаришда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланиб, давлат органларида мақсадга мувофиқ йўналтирилган кадрлар сиёсатини ташкил этиш ва амалга оширишни таъминлайди.

4. Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги

Амалдаги қонунчиликда нафақат давлат хизматчиларини рағбатлантириш, балки юридик жавобгарликка: интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳам назарда тутилган.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги деганда - хизматчиларининг қонунга хилоф қилмишига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган у ёки бу турдаги жазо чораларини қўллаш тушунилади.

Юридик адабиётлардан келиб чиққан ҳолда, қонунга хилоф қилмишни, иккига: яъни ҳуқуқбузарлик ва жиноятга бўлиш мумкин.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги хизматчилар томонидан қонун талабларининг бажарилмаганлиги, мансаб мажбуриятларига бефарқ қараши, давлатга, жамоат бирлашмаларига моддий зарар етказиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиши оқибатида вужудга келиши мумкин.

Давлат хизматчилари жавобгарлигининг асосларидан бири - бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 авгузда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар учидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига биноан ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.1

Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги қонунийликни ёки хизмат интизомини бузган тақдирда, у томонидан мансаб мажбуриятлари

бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида вужудга келиши мумкин.

Давлат хизматчилари жавобгарлигининг асосий турларидан бири - бу интизомий жавобгарликдир.

Интизомий жавобгарлик давлат хизматчисини давлат лавозимига тайинлаш ваколатига эга бўлган орган ёки раҳбар томонидан амалга оширилиши мумкин. Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги лавозим ноҳўя қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) учун қўлланилади. Чунки меҳнат (хизмат) интизомига риоя қилиш ҳамда давлат интизомини муцаҳкамлаш давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан биридир.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги – улар томонидан юклатилган мажбуриятларнинг бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида вужудга келадиган юридик жавобгарликнинг бир туридир.

Интизомий жавобгарлик - лавозим ноҳўя қилмишини содир этган давлат хизматчиларига маъмурият вакили (раҳбар, бошлиқ) томонидан интизомий жазо чораларини қўллашни англатади.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлигини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бири - бу Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳисобланади. Мазкур кодексга биноан корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Давлат хизматчиси ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкани авайлаб асраши шарт.

Хизматчининг меҳнат вазифалари - ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги уцав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Давлат органи (ташкilot) хизматчилар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши шарт.

Давлат органи (ташкilot) хизматчининг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга ҳилоф ёки хизматчи ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун ҳавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Ҳар бир хизматчи ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим.

Хизматчига меҳнат интизомини бузганлиги учун ваколатли орган ёки раҳбар қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Давлат хизматчилари маъмурий жавобгарлигининг асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган умуммажбурий қоидаларни бузиш, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш ҳисобланади. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.¹

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига биноан мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим.

Масалан, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (43-модда); ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш (44-модда); фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш (46-модда) санитария қонунчилигини бузиш ва бошқалар (ЎзР МЖТҚда кўрсатиб ўтилган юздан ортиқ моддалар) учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг ва бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги бошқа тартибда ҳал қилинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига биноан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уцавларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини

бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамокқа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уцавлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу уцав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 5) маъмурий қамокқа олиш.

Қоида бўйича, давлат хизматчилари (мансабдор шахслар) маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобланади.

Бундан ташқари, мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо тариқасида жарима қўлланилганида, фуқароларга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдоридан юқори бўлади.

Амалдаги қонунчиликда мансабдор шахслар (давлат хизматчилари) томонидан ижтимоий хавфли қилмиш (жиноят) содир этилганида, жиноий жавобгарлик қўлланилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябр қонуни билан тасдиқланган Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.¹

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги асосан: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда); ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда); мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда); ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-модда); пора олиш (210-модда); пора бериш (211-модда); пора олиш беришда воситачилик қилиш (212-модда) ва бошқалардан вужудга келади.

Давлат хизматчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкин: а) жарима; б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; с) ахлоқ тузатиш ишлари; д) хизмат бўйича чеклаш; э) қамоқ; ж) интизомий қисмга жўнатиш; и) озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин: а) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш; б) мол-мулкни мусодара қилиш.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 185-моддасига биноан меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ушбу Кодекс ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Назорат учун саволлар

Давлат хизмати тушунчаси.

Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари.

Давлат хизмати принциплари.

Давлат хизмати мақсади.

Давлат хизматининг асосий вазифалари.

Давлат хизматчилари тушунчаси.

Давлат хизматчиларининг таснифи.

Давлат хизматини ўташ тушунчаси.

Давлат хизматига кириш.

Давлат лавозимини эгаллаш.

Давлат хизматини ўташ шароитлари.

Давлат хизматида меҳнат шартномаси.

Давлат хизматида синов муддати.

Давлат хизматчиларини аттецатсиядан ўтказиш.

Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги.

Давлат хизматчилари. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жисмоний шахслар.

Давлат хизмати

Доимий муносабатлар

Маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинган муносабатлар
Хокимлар

Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг асосий ва ёрдамчи услубий шакллари.
Давлат хизматчилари

4 МАВЗУ: Давлат бошқаруви актлари тушунчаси ва аҳамияти.
2-соат

РЕЖА:

1. Давлат бошқаруви актлари тушунчаси ва аҳамияти
2. Давлат бошқаруви актларининг таснифи
3. Давлат бошқаруви актларига қўйилган талаблар
4. Давлат бошқаруви услублари тушунчаси ва хусусиятлари.

Давлат бошқаруви назариясида бошқарув ҳуқуқий акти институтининг алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг доирасида давлат бошқарувининг энг муҳим функциялари амалга оширилади. Тегишли давлат органлари ва

мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари, қоида бўйича, норматив ёки норматив бўлмаган ҳуқуқий актлар кўринишида расмийлаштирилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари оммавий бошқарув олдида турган мақсад ва вазифаларга эришиш учун бошқарув ҳаракатларини амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари муаммосига бўлган ҳуқуқшунос олимларининг кўпдан-кўп илмий ишлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ўқув юртларида бошқарув ҳуқуқий актлари (маъмурий ҳуқуқий актлар)ни ўрганишга қаратилган махсус фанни киритиш тарафдоридир.¹

Бошқарув ҳуқуқий актлари, ҳозирги вақтда, кенг норматив асосга эгадир, яъни бундай актларни қабул қилиш ва унинг тартиби – Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.¹

Бошқарув ҳуқуқий актларини қабул қилиш – ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Ҳуқуқий актлар орқали мазкур субъектларнинг вазифалари, функциялари ва ваколатлари, яъни компетенцияси бевосита амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари деганда – ижро ҳокимияти субъектларининг бир томонлама ҳокимият кўрсатмаларини ифодалаш, юридик оқибатларни юзага келтириш ва бажарилиши мажбурий бўлган актлар тушунилади.

Ҳуқуқий актлар – бошқарув қарорларининг юридик кўриниши бўлиб ҳисобланади. Ижро ҳокимияти органи (мансабдор шахс) ваколат доирасида ҳуқуқий акт қабул қилиш орқали умумий (норматив) ёки индивидуал (якка, маъмурий) аҳамиятдаги масалаларни ҳал этади.

Ҳуқуқий акт – ижро ҳокимияти субъектининг бир томонлама юридик ҳокимият иродасини намоён этиб, биринчидан, давлат-бошқарув фаолиятининг ҳокимият табиатини ифодалайди; иккинчидан, унинг ёрдамида ижро ҳокимияти органларининг вазифа ва функциялари амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий акти – императивлик хусусиятига эга бўлиб, унинг талаблари қайси субъектга қаратилган бўлса, унинг учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳуқуқий актларнинг ижроси, унинг талабларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларни юридик жавобгарликка тортиш таҳдиди билан таъминланади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари:

биринчидан, давлат бошқаруви соҳасида хулқ-атвор қоидаларини ўрнатади;

иккинчидан, аниқ бир ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи юридик факт сифатида намоён бўлади. Масалан, вазир ўз буйруғи билан тегишли соҳада фаолият юритувчи барча давлат органлари, мансабдор шахслар, корхона ва муассасалар учун мажбурий бўлган қоидалар ўрнатиши мумкин. Шунингдек, унинг шахсни маълум бир лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруғи билан, аниқ давлат-хизмат муносабатлари юзага келиши мумкин.

Бошқарувнинг ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқий акти қонуноци хусусиятига эга бўлади, яъни улар ваколатли давлат органлари томонидан Концитутсия ва қонунларга асосланиб ва уларни ижро этиш мақсадида қабул қилинади.

Ҳуқуқшунос олим А.Г.Чернявскийнинг фикрича, давлат бошқарув актлари ижро ҳоқимияти фаолиятининг бошқа шаклларида фарқ қилган ҳолда қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эгадир:

1) бошқарув актлари – бу бошқарув субъектларининг, яъни ижро ҳоқимияти органлари ёки корхона ва муассаса маъмуриятининг юридик ҳоқимият иродасини ифодалашдир. Бу актлар – маъмурий ҳоқимиятнинг мақсад ва функцияларини амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг асосий шакли ҳисобланади. Бошқарув актлари - бошқарув субъектлари томонидан мамлакатнинг хўжалик, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларига кундалик ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш жараёнида қабул қилинадиган қарорлардир. Бошқарув актлари ўртасида ижро ҳоқимияти органлари (мансабдор шахслар) томонидан қабул қилинадиган актлар алоҳида аҳамиятга эгадир;

2) бошқарув актлари – ижро ҳоқимияти ёки ваколатли бошқа субъект томонидан қабул қилиниши мумкин. Бу актлар – бошқарув қарорларининг ҳуқуқий кўринишларидан бири ҳисобланади;

3) бошқарув актлари – адресатга (яъни қайси шахсга қаратилган бўлса) императивлик, мажбурийлик хусусиятига эга, унда бир томон (бошқарув субъекти)нинг тегишли иродаси ифодаланган бўлади;

4) бошқарув актлари – ҳулқ-атвор қоидаларини, маълум бир тартибни ўрнатиш ва тартибга солиш хусусиятига эгадир;

5) бошқарув актлари – ҳуқуқий муносабатларни юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлишида ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилади.

Демак, бошқарув акти – бу бошқарув қарорларининг ҳуқуқий кўриниши бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли субъекти (ижро ҳоқимияти органи, корхона ва муассаса маъмурияти, мансабдор шахс) томонидан бир томонлама тартибда эркин ифодалаш актидир; қонунчиликда кўрсатилган шаклга эга бўлган ва ижро ҳоқимияти соҳасида вазифа ва функцияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий меъёрларни ўрнатиш ҳамда ҳуқуқий муносабатларни юзага келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган актдир.1

Бошқарувнинг ҳуқуқий актларига, унинг ёзма шаклда қабул қилиниши хосдир. Лекин бошқарув актлари оғзаки шаклда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ҳарбий соҳадаги бошқарув муносабатларида ёки раҳбар билан унга бевосита бўйсинувчи ходим ўртасидаги хизмат муносабатларида оғзаки шаклдаги бошқарув актлари қўлланилиши мумкин.

Бошқарув ҳуқуқий актлари фақатгина бошқарув соҳаси билан чегараланмайди. Ҳуқуқий актлар орқали бошқа ҳуқуқ тармоқлари предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар ҳам (масалан, молиявий, меҳнат, экологик) тартибга солинади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари қонун ҳужжатларини янада аниқлаштириш мақсадида кўпгина масалаларни ҳал этади.

Бошқарув актларининг асосий хусусиятларидан яна бири – бу уларнинг юридик аҳамиятга эга эканлигидир, яъни:

биринчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари – юридик фактлар сифатида намоён бўлади, ҳуқуқий муносабатларни юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишида, ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқий мақомига янгича тус беришда фактик асос бўлиб хизмат қилади (масалан, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ – давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомини юзага келтиради);

иккинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари – ҳуқуқ меъёрларини ўрнатади, ўзгартиради ва бекор қилади; кенг доирадаги шахслар иштирок этган муносабатларни бир хилда тартибга солади; бошқарув тартибини, маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини белгилаб беради.

Бошқарувнинг норматив ёки индивидуал актлари у ёки бу субъектнинг ҳулқ-атворини, унга ҳуқуқлар бериш ёки аниқ мажбуриятлар юклаш орқали ёхуд иккаласини ҳам ўрнатиш орқали тартибга солади;

учинчидан, бошқарув актлари бошқа ҳуқуқий актларнинг қабул қилинишида хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида вазирликлар, давлат қўмиталари ёки бошқа органларнинг меъёрий ҳужжатлари қабул қилинади;

тўртинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари маълум бир юридик жараёнда (масалан, судлар томонидан фуқаролик, маъмурий ёки жиноий ишларни кўриб чиқишда) далил сифатида намоён бўлади;

бешинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишда, шунингдек, бошқа ҳуқуқий актларнинг ҳаракатга келишида ёки жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилишида хизмат қилади. Масалан, юридик шахсни давлат рўйхатига олганлик тўғрисидаги қарор мазкур шахснинг турли фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш имкониятини беради;

олтинчидан, бошқарув актлари ҳуқуқий воситалар, жумладан: давлат сиёсатини ўз вақтида амалга ошириш; маъмурий ислохотларни олиб бориш; давлат бошқаруви мақсадларига эришиш; ижро ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, давлат ва маҳаллий хизматчилар функцияланишини амалга ошириш; фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Бошқарув ҳуқуқий актларининг хусусиятлари унинг моҳиятини ва юридик табиатини, шунингдек, унинг ижтимоий муносабатларга таъсирининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

2. Давлат бошқаруви актларининг таснифи

Бошқарув актларининг таснифи нафақат ҳуқуқий актлар институтининг мазмун-моҳиятини ёритиб беришда, балки бошқарув актларини амалда

қўллаш, уларни излаш ва улар билан ишлаш жараёнида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқшунос олимларининг аксарияти бошқарув ҳуқуқий актларини юридик хусусиятлари (мазмуни)га кўра икки гуруҳга бўлади:

1) норматив ҳуқуқий актлар.

Норматив ҳуқуқий акт – бу давлатнинг ваколатли органи томонидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлиги актидир.

Норматив ҳуқуқий актлар – қонуноци, ҳуқуқ ижодкорлиги (ҳуқуқ ўрнатувчи) акти бўлиб, унда:

ҳуқуқ меъёрлари кўрсатиб ўтилади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳамда юқори юридик кучга эга бўлган меъёрлар янада аниқлаштирилади, шунингдек, уларни амалга ошириш механизми назарда тутилади;

бошқарув соҳасидаги ҳуқ-атвор қоидалари белгилаб берилади;

ижро ҳокимияти органлари ва унинг тузилмасининг ташкилий-ҳуқуқий мақоми ўрнатилади;

фуқароларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишининг механизми белгиланади;

зарурий тақиқ ва чекловлар ўрнатилади;

давлат бошқаруви соҳасида махсус ҳуқуқлар берилади ва мажбуриятлар юкланади;

бошқарув муносабатлари турли иштирокчиларининг ўзаро алоқаси ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш ташкил этилади;

ижтимоий-иқтисодий даурлар ҳаётга татбиқ қилинади (масалан, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш).

Давлат органлари томонидан чиқариладиган барча ҳуқуқий актлар ҳамма вақт ҳам норматив акт бўлиб ҳисобланмайди. Фақатгина умумий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи актларгина норматив ҳуқуқий акт бўла олади. Норматив ҳуқуқий актлар орқали:

а) умуммажбурий қоидалар ўрнатилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади;

б) меъёрлар билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ифода этилади;

с) уларда ўрнатилган меъёрларни бажариш мажбурийдир ҳамда уларни бажармаган тақдирда ҳуқуқий оқибатларни (масалан, жавобгарликни) юзага келтиради.

Норматив ҳуқуқий актларни қабул қилиш ваколати ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслар)нинг компетенцияси билан белгиланади.

Норматив ҳуқуқий актлар умумий ваколатли органлар (масалан, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари) ҳамда соҳавий ваколатли органлар (вазирликлар, давлат қўмиталари, хўжалик бошқарув органлари) томонидан қабул қилинади.

Норматив ҳуқуқий актлар ўртасида умуммажбурий қоидаларни ўрнатувчи ва маъмурий жавобгарлик чоралари билан ҳимоя қилинувчи актларни (масалан, йўл ҳаракати қоидалари, санитария қоидалари, жамоат жойида бўлиш қоидалари ва ҳ.к.лар) алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Демак, норматив ҳуқуқий актлар давлат бошқаруви соҳасида маълум бир хулқ-атвор қоидаларни ўрнатиш орқали бир хил турдаги бошқарув муносабатларини тартибга солади. Аксарият норматив ҳуқуқий актлар ҳуқуқ ўрнатувчи актлар бўлиб ҳисобланади. Улар орқали – давлат бошқаруви соҳасидаги давлат интизоми ўрнатилади; фуқаролар ва нодавлат ташкилотлари ҳуқуқий мақомини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми таъминланади; маълум бир чеклов ва тақиқлар ўрнатилади; ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслар)нинг ҳуқуқий мақоми белгиланади; бошқарув муносабатлари турли субъектларининг ўзаро муносабатлари тартибга солинади ва бошқалар.

Норматив ҳуқуқий актлар орқали давлат бошқарув фаолиятининг жорий ва иқтибоддаги энг муҳим масалалари ҳал этилади.

2) Индивидуал ҳуқуқий актлар.

Бошқарувнинг индивидуал ҳуқуқий актлари, норматив ҳуқуқий актлардан фарқ қилган ҳолда, ҳуқуқни қўллаш (ижро этиш) актлари бўлиб ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, улар, фармойиш берувчи актлар ҳисобланиб, ижро ҳокимияти субъектларининг аниқ ва тўғри юридик ҳокимият иродасини ифодалайди. Улар ўзида белгиланмаган доирадаги субъектларга умуммажбурий бўлган ҳуқуқ меъёрларини ифода этмайди.

Бошқарувнинг индивидуал актлари аниқ бир шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи актлардир.

Бошқарувнинг индивидуал ҳуқуқий актлари ёрдамида яқка тартибдаги маъмурий ишлар ҳал қилинади (масалан, рўйхатга олиш, литсензия бериш ва ҳ.к.лар).

Индивидуал актлар ҳамма вақт аниқ шахсга (адресатга) қаратилган бўлади. Масалан, бирон бир шахсни давлат хизматининг у ёки бу лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ аниқ шахс учун ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради.

Индивидуал актлар ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи юридик фактлар сифатида намоён бўлади. Улар давлат бошқаруви фаолиятида юзага келадиган жорий масалаларни оператив (кундалик) ҳал этишнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланади.

Лекин индивидуал актлар норматив актлар билан ҳамма вақт боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Индивидуал актларнинг норматив актлар билан ўзаро муносабати қуйидагиларда намоён бўлади:

а) норматив актлар индивидуал актларнинг қабул қилинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади;

б) индивидуал актлар норматив актларни қўллашнинг шакли бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Ю.Н.Старилов бошқарувнинг норматив ва индивидуал актларидан ташқари, аралаш ҳуқуқий актларни ҳам кўрсатиб

ўтади. Унинг фикрича, аралаш ҳуқуқий актларда бошқарув фаолиятининг аниқ бир субъектига қаратилган норматив ва индивидуал кўрсатмалар назарда тутилади.¹

Ю.М.Козлов бошқарувнинг ҳуқуқий актлари жумласига, норматив ва индивидуал актлардан ташқари, актларнинг ҳаракат доирасига қараб: республика ва маҳаллий актларни; ҳуқуқий актларда кўрсатиб ўтилган талабларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаларига кўра эса: интизомий жавобгарликни (яъни, тегишли раҳбарнинг интизомий ҳокимиятни амалга оширишини) ўрнатувчи актлар ва маъмурий санксияли (яъни, маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутувчи) актларни киритади.¹

А.Г.Чернявский бошқарувнинг норматив актларини шахслар доирасига қараб:

- а) умумий аҳамиятга эга бўлган актлар;
- б) идоралараро актлар;
- с) идора ичидаги актларга бўлади.

У ўзининг илмий ишларида давлат бошқарув актларининг юридик хусусиятларига қараб уч гуруҳини кўрсатиб ўтади: а) олий бошқарув актлари; б) соҳавий бошқарув актлар; в) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг актлари.

Лекин бошқарув актларининг бундай бўлиниши мунозаралидир, деб ҳисоблайди. Чунки, бундай бўлинишга етарли конститутсиявий ва маъмурий-ҳуқуқий асослар йўқ. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимида кирмаганлиги сабабли, уларнинг актлари давлат бошқарув актларига кирмайди.¹

Х.Р.Алимов ҳам бошқарув актларининг норматив ва индивидуал турларга бўлинишини кўрсатиб ўтади. Лекин шу билан бирга маконда ҳаракат қилишига кўра: марказий ва маҳаллий актларга; актларни қабул қилувчи органлар компетенциясининг хусусиятига кўра: умумий ва соҳавий бошқарув органлари актларига; актларни қабул қилувчи органларга кўра: Вазирлар Маҳкамасининг актларига, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа марказий органлар актларига, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг актларига, маҳаллий соҳавий бошқарув органлари актларига бўлади.¹

Демак, юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, бошқарув органлари вазифалари ва функцияларини амалга оширишга қаратилган ва маълум бир юридик оқибатларга олиб келадиган, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий меъёрларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи бошқарувнинг асосий ҳуқуқий шакли – бу норматив актлардир.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги ҳолат қандай?

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжат - бу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари

нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Мазкур қонунга биноан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи давлат органлари ёки мансабдор шахсларга қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари; Ўзбекистон Республикасининг Президенти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларига эса, қуйидагилар киритилган:

1) Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси.

Ўзбекистон Республикасининг Концитутсияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Концитутсияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас;

2) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Концитутсияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади¹;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари.

Ўзбекистон Республикаси Концитутсиясининг 94-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Концитутсияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради;

5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Концитутсияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни¹нинг 20-моддасига биноан эса, Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қилади.

б) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Концитутсияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан муқасса.

7) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Концитутсияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.¹

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Концитутсияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари - қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари - қонун оци ҳужжатлари ҳисобланади.

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Концитутсиясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва мақомига, шунингдек, ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бири-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатиغا нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

3. Давлат бошқаруви актларига қўйиладиган талаблар

Бошқарув ҳуқуқий актларининг асосий шarti – бу ҳуқуқий актларнинг юридик мазмунига ва уларни қабул қилиш тартибига қўйиладиган талабларга мос келиши ҳисобланади. Мазкур талаблар асосида эса, бошқарув ҳуқуқий актларининг қонунга мос равишда қабул қилиниши туради.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

а) лойиха мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, ҳуқуқни тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

б) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

с) бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари эса, жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади, тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа қайси давлат органи, шунингдек, ташкилот билан келишилган бўлса, шу орган ва ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантилган фикр қисқача баён этиб ўтилади. Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, цатицика маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва бошқа органлар ёки нодавлат ноtijорат ташкилотлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари, агар лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни - лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини иқтисоно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қонунларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан тақрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек, амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни қуйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонуни - Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарорлари - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери томонидан;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси томонидан;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони - Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан;

б) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари - ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан;

7) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари - тегишли ҳоким бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

4. Давлат бошқаруви услублари тушунчаси ва хусусиятлари

Бошқарув шакли (ижро ҳокимияти ёки бошқарув ҳаракатлари шакли) масаласи билан танишиб чиқиш, бошқа ҳуқуқий ҳодисанинг – бошқарув услубларини ҳам аниқлаш лозимлигини кўрсатади. Услуб - бу амалий фаолиятнинг усули, воситаси ҳисобланади. Бошқарув шакллари ва бошқарув услубларини бир-биридан ажратмаган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуби ва маъмурий ҳуқуқий (бошқарув) услублар, номланиши жиҳатидан бир-бирига жуда яқин туради. Лекин бу ҳолат уларнинг фақатгина ташқи кўринишидан яқинлигини кўрсатади. Тартибга солиш услуби – маъмурий ҳуқуқнинг асосий функцияси бўлиб, бошқарув муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи восита ҳисобланади. Давлат бошқаруви услуби эса, бошқарув субъектлари (ижро ҳокимияти органлари) олдида турган барча вазифаларни, шу жумладан тартибга солишни ҳам, амалий ҳал этиш воситаси ҳисобланади.

Давлат бошқаруви услуби – маъмурий ҳуқуқ ҳар қандай субъектининг эмас, балки маълум бир соҳада бошқарувни (ижро ҳокимиятини) амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектнинг функцияси ҳисобланади.

Бошқарув органлари норматив тусдаги ҳужжатни қабул қилганида, бу иккала восита бир-бирига мос келиши мумкин. Лекин тартибга солиш услуби ўзининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан давлат бошқаруви услубларидан ажралиб туради. Ҳуқуқий тартибга солиш ҳамма вақт нормативдир. Шу сабабли, унинг воситалари (кўрсатма бериш, тақиқ, ваколат бериш) тартибга солинадиган муносабатларнинг барча субъектларига нисбатан қўлланилади. Бошқарув услублари эса бундай ваколатга эга бўлган ижро ҳокимияти органи (мансабдор шахс) томонидан қўлланилади ҳамда улар яқкалаштирилган, яъни индивидуаллаштирилгандир.

Юридик адабиётларда бошқарув услублари турлича номланган бўлиши мумкин, масалан, “бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш услублари”, “бошқарув фаолияти услублари”, “маъмурий ҳуқуқий услублар”, “ижро ҳокимиятини амалга ошириш услублари” ва ҳ.к.лар. Лекин бу тушунчаларнинг мазмуни бир хил, яъни давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бошқарувни (бошқарув ҳаракатларини) амалга ошириш, тегишли объектлар ва шахсларга маъмурий таъсир кўрсатиш мақсадида, қонунчиликда рухсат этилган доирада, қўлланиладиган усул ва воситалардир.

Демак, бошқарув услуби – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалар ҳисобланади.

Бошқарув шакли бошқарув таъсири усулларини ўз ичига олади. Масалан, бошқарув органи томонидан маълум бир соҳада назоратни амалга ошириш ва жавобгарликни қўллаши учун мансабдор шахснинг мажбуриятларини ўрнатувчи ҳуқуқий акт қабул қилиниши лозим.

Шакл услубга қараганда бирламчи ҳисобланади.

Бошқарув услуби бошқарув субъектининг объект билан ўзаро муносабатга киришганлигини аниқлаш имкониятини беради.

Бошқарув услуги бошқарув шаклида албатта ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, бошқарув шакли бўлмаганида, бошқарув услублари, яъни бошқарув субъектининг объектга нисбатан таъсири ўз маъносини ва ўзининг формал мазмунини йўқотади, амалда эмас, балки хаёлда қолади. Масалан, маълум бир шахсни маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортишга ёхуд давлат бюджети маблағларидан маълум бир объектни молиялаштиришга қаратилган бошқарув фаолияти ҳаракатларини расмийлаштирмасдан туриб, яъни бошқарувнинг тегишли ҳуқуқий актини қабул қилмасдан туриб, амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли, бошқарув услублари бошқарув шакллари билан ва асосан ҳуқуқий актларни қабул қилиш билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Давлат бошқаруви тизимида бошқарув услублари муҳим ҳуқуқий восита ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан, бошқарув услублари масаласини икки кўринишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, бошқарув услублари мавжуд бўлишини ва уларнинг бошқарув соҳасидаги аҳамиятини назарий асослаш;

иккинчидан, бошқарув услубларини амалга ошириш механизмини яратиш ва норматив таъминлаш.

Бошқарув услублари – ижро ҳокимияти органлари томонидан давлат бошқаруви мақсадлари, вазифалари ва функцияларининг амалга оширилишини таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Бошқарув услублари ёрдамида давлат функциялари бевосита амалга оширилади. Унинг вазифалари ҳал қилинади, ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар ва турли ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланади. Бошқарув услублари – иқтисодиёт (хўжалик), ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилиш соҳаларида оммавий бошқарувни амалга оширишнинг зарурий элементи ҳисобланади.

Бошқарув услублари – бошқарув иши қандай амалга оширилишини, бошқарув мақсадига унинг қандай усул ва воситалари орқали эришилишини белгилаб беради.

Бошқарув услублари - ҳуқуқ субъектининг бошқасига нисбатан мақсадга мувофиқ йўналтирилган таъсир этиш воситасидир.

Махсус адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар, бошқарув услубларига деярли бир хилда ёндошган, бошқарув услубларининг одатий, ўзига хос хусусиятларига эса қуйидагилар киритилган:

1) бошқарув услубларининг мавжудлиги – давлат ҳокимияти ижро этувчи органларини ташкил этишга асосланади;

2) бошқарув услубининг асосий мақсади ёки унинг амалий аҳамияти – давлат бошқарувини, бошқарув вазифалари ва функцияларининг ижро ҳокимияти органлари томонидан амалий бажарилишини таъминлашдан иборат;

3) бошқарув услубларидан бошқарув фаолиятида қўлланилади ва фойдаланилади;

4) давлат бошқаруви субъекти ва объекти ўртасида махсус ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлади.

Бу муносабатларда давлат органи ёки мансабдор шахс турли воситалар – ишонтириш, тарбиялаш, тартибга солиш ёки мажбурлаш чораларини қўллаш орқали ўз ваколатини амалга оширади. Бошқарув услублари мазкур муносабатларда бошқарув субъекти ва объекти ўртасида вужудга келадиган алоқа ва муносабатларни ифодалайди;

5) ҳуқуқий актларда бошқарув таъсири ўрнатилади, яъни бошқарув услубини қўллаш ҳуқуқий тартибга солинган бўлади.

Лекин бошқарув амалиётида ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинмаган (ёки уларда назарда тутилмаган) услублар (масалан, ишонтириш, тарбиялаш) ҳам қўлланилиши мумкин;

6) бошқарув услублари бошқарув субъектларига тегишли бўлган компетенция ва ваколатларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади;

7) бошқарув услублари бошқарув субъектлари томонидан объектга нисбатан қўлланиладиган ваколатларнинг; тегишли субъект юридик ҳокимият ваколатларининг хусусиятларини намоён этади;

8) ҳар бир аниқ ҳолатда бошқарув таъсирининг мазмуни бошқарув услублари қўлланилаётган объектнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади (масалан, жисмоний шахс ёки ташкилот, мулк шакли, вертикал бўйсинувнинг мавжудлиги ва ҳ.к.лар);

9) бошқарув услублари ҳар қандай бошқарув таъсири сингари, бошқарув соҳасида намунали (белгиланган) тартибни таъминлайди; улар ташкилий хусусиятга эга ва бошқарув тизимида юз бераётган жараёнларни тартибга солади;

10) бошқарув таъсирини кўрсатувчи субъектлар томонидан ҳуқуқ ижодкорлиги ва индивидуал-фармойиш бериш ваколатлари амалга оширилади;

11) бошқарув услубларининг доимий ҳаракатда бўлиши, яъни улар бошқарув тизимини, функция ва ваколатларнинг бажарилишини реал таъминлайди;

12) қонунчиликда бошқарув услубларини қўллашнинг белгиланган тартиби мавжуд бўлади;

13) бошқарув услубларини қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ёки уларни ифодалашнинг ҳуқуқий шакллари мавжуд бўлади.

Бошқарув услублар тўғридан-тўғри бошқарув шаклларига боғлиқ бўлиб, уларда ифодаланган бўлади. Шу маънода, бошқарув услублари ва бошқарув шакллари ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Масалан, маъмурий мажбурлаш услуби аниқ бир шахсни маъмурий жазога (жарима, маъмурий қамоқ) тортишга қаратилган индивидуал актни қабул қилиш орқали амалга оширилади. Бошқарув услублари маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги шаклида ҳам, масалан, бошқарув таъсирини таъминлаш мақсадида маълум бир норматив ҳуқуқий актни тайёрлаш ва қабул қилишда ҳам намоён бўлиши мумкин;

14) бошқарув услублари – бошқарув субъектининг объектга нисбатан таъсири ўзига хос хусусиятларга эга.

Бошқарув услублари тўғридан-тўғри таъсир этиши (масалан, ҳуқуқбузарга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ёки мансабдор шахсларга интизомий жавобгарликни қўллаш) ёки эгри таъсир этиши мумкин (масалан, қонунчиликда назарда тутилган давлат хизматчилари учун чекловларни амалда татбиқ қилиш ёки, аксинча, рағбатлантириш чораларини қўллаш);

15) бошқарув услубида бошқарув объектга яқка ёки жамоа таъсирини кўрсатиш мавжуд бўлади;

16) бошқарув услубларини қўллашнинг вақтинчалик хусусиятга эга бўлиши, яъни бошқарув таъсири ҳамма вақт ҳам узоқ муддатга эмас, балки маълум бир муддатга мўлжалланган бўлади.

Бошқарув услублари ўртасида давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг юридик ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маъмурий-ҳуқуқий услублар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда иқтисодиёт соҳасидаги бошқарув тизимида умумий тартибга солиш ёки маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш услублари шаклланишда ва ҳуқуқий мазмунга эга бўлмоқда. Уларда иқтисодий муносабатларга бошқарув таъсирини ўтказишнинг кучли ва самарали потенциали мавжуддир. Жумладан, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги давлат контроли ва назорати; саноат соҳаларига молиявий (бюджет) ёрдам кўрсатиш; давлат ташкилотларини самарали бошқаришни таъминлаш; монополияга қарши тартибга солиш; хусусийлаштириш жараёнларининг амалга оширилиши; субъектларга у ёки бу фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар (лицензиялар) бериш ва ҳ.к.лар.

Маъмурий-ҳуқуқий услубларнинг мақсади – оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тартиботни, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган давлат тадбирларини кучайтириш, давлат бошқарувида интизомни муцаҳкамлашдан иборатдир.

Юридик адабиётларда, давлат бошқаруви тизимидаги таъсир кўрсатишнинг икки асосий (универсал) услуби: ишонтириш ва мажбурлаш услублари кўриб чиқилади. Амалиётда бу услублар турли кўринишларда намоён бўлади.

Ишонтириш - бошқарув услуби сифатида, тушунтириш, тарбиялаш, рағбатлантириш ва бошқа ахлоқий аҳамиятга эга бўлган чораларни амалга ошириш орқали исонларга таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Рағбатлантириш, масалан, давлат бошқаруви соҳасида ижро ҳокимиятининг фуқаролар, юридик шахслар, ҳуқуқий муносабатлар турли субъектлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида қонунийлик ва интизомни таъминлашга хизмат қилади.

Бошқарувнинг мақсад ва вазифаларига эришиш мажбурлаш хусусиятидаги чоралар ёрдамида ҳам таъминланиши мумкин. Бу ҳолатда,

бошқарув объекти, норматив ҳуқуқий актларда кўрсатиб ўтилган тартибда ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Агар, шахсларнинг ҳаракати ҳуқуқий актларнинг талабларига мос келмаса, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзи вақтларда бу чоралар ҳуқуқий тартиботни, жамоат тартибини, ҳаракатларни амалга оширишнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи чоралар сифатида намоён бўлади.

Айрим ҳолларда эса, мажбурлов чоралари ҳуқуқбузарликни (ножўя хатти-ҳаракатни) содир этган шахсни жазолашга қаратилган бўлади. Бу – интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий хусусиятдаги чоралар сифатида намоён бўлади.

Мажбурлов чоралари шахснинг қонунга хилоф ҳуқуқини чеклашга, шунингдек, турли ижтимоий муносабатлардаги қонуний тартибни қайта тиклашга қаратилади.

Бошқарув услублари маъмурий (тўғри) ва иқтисодий (тартибга солувчи) услубларга бўлинади.

Маъмурий услублар - бошқарув субъектининг объектга (фуқароларга, юридик шахслар, давлат хизматчиларига) бир томонлама тартибда давлат-ҳокимият таъсирини кўрсатиши орқали ифодаланади.

Бошқарувни амалга оширувчи субъект тегишли шахслар учун бажарилиши мажбурий бўлган ва юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳуқуқий актларни қабул қилади. Қабул қилинган қарорнинг, буйруқнинг ёки фармойишнинг бажарилмаганлиги интизомнинг бузилиши ҳисобланиб, айбдор шахсга нисбатан қонунда белгиланган мажбурлов чоралари қўлланилади.

Давлат бошқаруви идеологияси ўз таркибида тўғридан-тўғри ҳокимият таъсирини кўрсатишнинг маъмурий услублари мавжуд бўлишини талаб этади. Кенг маънода, бошқарув услублари ижро ҳокимиятининг бирлигини, давлат бошқаруви турли субъектлари ўзаро муносабатида тартиб-интизомни, шунингдек, ижро ҳокимияти органлари функцияланишининг қонунийлигини таъминлайди.

Бошқарув услублари мазкур услублар йўналтирилган шахсларнинг онгига, иродасига ва ҳуқ-атворига таъсир кўрсатади. Бу услубларни амалга ошириш ҳуқуқ субъектларига тўғридан-тўғри иқтисодий таъсирни, моддий-мулкий натижаларни келтириб чиқармайди.

Маъмурий услубларда объектлар ўз ҳоҳишига кўра бошқарувни амалга ошириш имкониятига эга эмас, улар белгиланган маъмурий тартиб доирасида ва қабул қилинган кўрсатмаларни бажаришга мажбурдирлар.

Ҳуқуқ субъектларига тўғридан-тўғри таъсир этиш (маъмурий) услубларидан фойдаланмасдан, давлат бошқарувининг мақсад ва вазифаларига эришиб бўлмайди. Тўғридан-тўғри таъсир этиш – бу маълум бир ваколатга эга бўлган юқори турувчи мансабдор шахс ёки бошқарув субъекти томонидан бўйруқ, фармойишнинг қабул қилинишидир.

Маъмурий услублар бошқарилувчиларнинг моддий манфаатларига таъсир кўрсатиш, яъни моддий наф ёки моддий рағбатлантириш олишни назарда тутмаган.

Намунали хулқ-атворга ўрнатилган кўрсатмаларга ихтиёрий риоя қилиш орқали эришилади, яъни бунда асосий таъсир кўрсатиш воситаси ахлоқий хусусиятга эга бўлади.

Иқтисодий муносабатларга тўғридан-тўғри (маъмурий) таъсир кўрсатиш давлатнинг иқтисодий манфаатлари қондирилишини таъминлашда зарурдир. Иқтисодиёт соҳасига давлатнинг таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, иқтисодий фаолият маълум бир турларининг фақат давлат томонидан амалга оширилиши (масалан, солиқ, божхона фаолияти);

иккинчидан, давлат ташкилотлари хўжалик фаолиятини бошқариш ва марказлашган ҳолда тартибга солиш;

учинчидан, давлат мулки объектларини бошқариш;

тўртинчидан, иқтисодиёт соҳасида давлат контроли ва назоратини амалга ошириш;

бешинчидан, рўйхатга олиш, рухсат бериш (литсензия) фаолиятини амалга ошириш ва ҳ.к.лар.

Маъмурий услубларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин. Жумладан:

1) ифодалаш шаклига кўра маъмурий услублар:

а) ҳуқуқий (норматив ҳуқуқий актларда назарда тутилган ва ҳуқуқий мазмунга эга бўлган) услублар;

б) ташкилий (бошқарув субекти томонидан ташкилий-бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш) услубларига бўлинади;

2) маъмурий-ҳуқуқий хусусиятларга асосланиб, улар:

а) норматив (норматив ҳуқуқий актларни қабул қилиш мақсадида қўлланиладиган) услублар

б) индивидуал (якка маъмурий ҳуқуқий актларни қабул қилишда қўлланиладиган) услубларга бўлинади;

3) бошқарув объектига таъсир кўрсатиш даражасига кўра маъмурий услублар:

а) императив, яъни тақиқларни, тўғридан-тўғри маъмурий буйруқларни, давлат-ҳокимият кўрсатмаларини назарда тутувчи, шунингдек, тегишли ҳаракатларни содир этиш ёки тегишли хулқ-атворни амалга оширишга мажбурловчи услублар;

б) ваколат берувчи, яъни маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ёки бошқарувнинг тегишли актини қабул қилишга рухсат берувчи услублар;

с) рағбатлантирувчи ва тавсия берувчи, яъни рағбатлантириш ёки маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тавсияларни берувчи услубларга бўлинади.

Бошқарувнинг тартибга солувчи (иқтисодий) услубларини қўллаш орқали бошқарув объектлари томонидан намунали хулқ-атворга эришилганида, уларнинг иқтисодий ёки моддий манфаатларини қондириш

таъминланади. Бошқарув субъекти бошқарилувчи объектларнинг индивидуал (якка) манфаатларига таъсир этиш орқали бошқарувнинг мақсад ва вазифаларининг бажарилишига шарт-шароит яратиб беради.

Моддий (ёки иқтисодий) тартибга солиш орқали бошқарилувчи объектлар томонидан ўз фаолиятларида ўрнатилган тартиб ва кўрсатмаларга риоя этиши таъминланади. Шу тариқа бошқарувнинг ички аппарати (масалан, давлат органларида хизматчиларни моддий рағбатлантириш, мансабдор шахслар учун моддий ва мулкий имтиёзлар бериш) ҳамда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши (масалан, иқтисодиётга янги ишланмаларни жорий этишни тартибга солиш, иқтисодиётнинг маълум бир соҳаларини қўллаб-қувватлаш, солиқ имтиёзларини бериш) таъминланади.

Давлат органлари томонидан бошқарилувчиларга самарали бошқарув таъсирини кўрсатиш – иқтисодий услубларни “егри” йўл билан қўллаш орқали эришилади.

Бошқарувни тартибга солувчи (иқтисодий) услублари қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

бошқарувнинг назарда тутилган натижаларига эришиш учун, бошқарилувчи шахсларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатиш;

бошқарилувчи субъектларнинг манфаатларига, эҳтиёжларига таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг намунали хулқ-атворда бўлишини таъминлашнинг реал бошқарувини ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган ҳаракатлар ва қарорларни маъмурий ҳамда суд тартибида шикоят қилинишини таъминлаш;

маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорларни қабул қилишни белгиловчи бошқарув актларини чиқариш;

бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш услублари қаратилган шахсларга хатти-ҳаракат (хулқ-атвор)ни танлаш имкониятини бериш;

тартибга солишнинг норматив ўрнатилиши ва ҳ.к.лар.

Бошқарувнинг иқтисодий услублари, маъмурий услублар сингари, фақатгина норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилиши мумкин. Бошқарув бу услубларининг тартибга солиш таъсири - бошқарув соҳасидаги уларнинг муҳимлиги, аҳамиятлилиги ва самарадорлиги билан ифодаланиши керак.

Баъзи ҳуқуқшунос олимлар томонидан бозор иқтисодиётини давлат томонидан эгри (иқтисодий) тартибга солишнинг қуйидаги элементлари ҳам кўрсатиб ўтилади: давлат ахбороти ва прогнози; давлат дацурлари, контрактлар ва буюртмалар; баҳо, даромад, аҳоли бандлиги, профессионал тайёргарликни тартибга солиш; солиқ ва амартизатсиявий сиёсат.

Маъмурий ва иқтисодий услублар турлича мазмунга ва аҳамиятга эга бўлсалар ҳам, амалиётда улар чамбарчас боғлиқдир. Улар бошқарув мазмунига эга эканлиги; қўллаш субъектлари; бошқарув таъсирининг объекти; бошқарувнинг мақсадига эришиш ва вазифаларини бажариш; бошқарув таъсирини амалга ошириш шакли (маъмурий ёки бошқарувнинг ҳуқуқий актини қабул қилиш) бўйича умумий хусусиятларга эгадир. Шу билан бирга

давлат бошқарувининг турли соҳаларида у ёки бу бошқарув услубларидан фойдаланиш кўп учраб туради. Масалан, давлат хавфсизлиги органлари ёки ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда маъмурий услублар кўпроқ қўлланилади; таълим, фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларида маъмурий услублар билан бир қаторда, иқтисодий услублар катта аҳамиятга эга бўлади; саноат соҳасида маъмурий услубларга қараганда, иқтисодий услублар кўпроқ қўлланилади.

Маъмурий ва иқтисодий услублар биргаликда бошқарув таъсирининг тегишли усуллар ва воситалар тизимини ташкил этади.

Маъмурий-ҳуқуқий услублар (бошқарув услублари) турли кўринишларда: хулқ-атвор қоидаларини ўрнатишда; аниқ вазифаларни беришда; маълум бир ҳаракатларни содир этишни белгилашда; лавозимга тайинлашда; бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг қонуний талабларини қондиришда; маълум бир ҳаракатларни тақиқлашда; турли хилдаги руҳсатномалар беришда; рўйхатга олиш фаолиятини амалга оширишда; контрол ва назорат олиб боришда; моддий ва ахлоқий рағбатлантиришда; моддий санксияларни қўллашда; маъмурий низоларни ҳал этишда; давлат буюртмаларини расмийлаштиришда; маъмурий мажбурлов чораларини қўллашда ва ҳ.к.ларда намоён бўлиши мумкин.

Назорат учун саволлар

Давлат бошқаруви актлари тушунчаси.

Давлат бошқаруви актларининг ўзига хос хусусиятлари.

Давлат бошқаруви актларининг юридик аҳамияти.

Норматив-ҳуқуқий актлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

Индивидуал (якка) ҳуқуқий актлар.

Давлат бошқаруви актларига қўйиладиган талаблар.

Давлат бошқаруви услуги ва маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуги.

Бошқарув услуги тушунчаси.

Бошқарув услуги ва бошқарув шаклининг ўзаро муносабати.

Бошқарув услубларининг ўзига хос хусусиятлари.

5 МАВЗУ: МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ВА МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

Режа:

2-соат

1. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси ва тузилиши
2. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг таснифи.
3. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракати
4. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари
5. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши
6. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанига кўра, ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи восита сифатида, доимо муайян ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат қоидаси сифатида ўзини намоён этади. 1

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғининг мазмун-моҳияти ва ижтимоий йўналиши ҳуқуқий нормалар хусусияти билан белгиланиб, уларнинг йиғиндиси ҳуқуқ тизими у ёки бу тармоғининг мазмунини ташкил этади.

Ҳуқуқий норма (“норма”) сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “қоида”, “намуна” маъносини англатади. Ҳар бир ҳуқуқ нормаи ўзида бирон-бир хатти-ҳаракат, ҳулқ-атвор, муайян юриш-туриш қоидасини ифодалайди.

Ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғи, шу жумладан маъмурий ҳуқуқнинг нормалари ҳар қандай ҳуқуқ нормаи учун хос бўлган умумий белгиларга, шунингдек, ўзига хос бўлган хусусиятларга эга.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – муайян хатти-ҳаракат қоидаларидан иборат бўлиб, давлат томонидан белгиланади, бошқа ижтимоий нормалардан, масалан, ахлоқ нормаларидан фарқланади. Шу сабабли, уларга риоя этиш мажбурий бўлиб, улар бузилган ҳолларда, давлатнинг мажбурлов чоралари қўлланилади.

Бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари каби, маъмурий-ҳуқуқий нормалар ушбу муносабатлар субъектларининг юридик ва мажбуриятларини аниқлаш, шунингдек, улар томонидан ҳуқуқлар бузилган ва мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда жавобгарликни белгилаш йўли билан ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Демак, маъмурий-ҳуқуқий нормалар – маъмурий ҳуқуқ тармоғининг бошланғич элементи сифатида, қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

биринчидан, маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатини тартибга солади;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаб беради;

тўртинчидан, ҳуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганида давлатнинг мажбурлов чоралари орқали ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари – маъмурий ҳуқуқ предмети ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш услубининг хусусиятлари билан белгиланади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими бошқа тармоқларининг нормаларидан фарқли равишда, махсус қўлланиш соҳасига эга бўлиб, бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлардир. Шу сабабли, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини давлат бошқаруви жараёнида амал қилиниши шарт бўлган хатти-ҳаракатлар доираси ташкил этади. Улар ёрдамида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг давлат бошқаруви соҳасида қачон ва қандай тартибда ҳаракат қилганларида қонунчилик талаблари аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлиши белгиланади. Шу билан бирга, маъмурий-ҳуқуқий нормаларда қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкин ва қайсиларидан ўзини тийиш кераклиги кўрсатилади.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатнинг бирорта ҳолатига кўрсатма берилади ёки унга белгиланган шарт-шароитларда риоя этилганида рухсат берилади ва ниҳоят, муайян ҳаракатларни амалга ошириш ман этилади. Шу тариқа, давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг давлат, жамият ва шахс манфаатларига мувофиқ келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш орқали, улар хатти-ҳаракатининг ўрнатилган ҳуқуқий тартиби яратилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг бошқа бир хусусияти шундан иборатки, улар хусусий эмас, балки оммавий манфаатларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуги билан белгиланган маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида хусусиятларига императивлик (буйруқ бериш) хусусияти киради, уларда муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун қатъий ёзма буйруқлар, кўрсатмалар мавжуд бўлади.

Демак, маъмурий-ҳуқуқий нормалар – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган, шунингдек, ҳуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганда уларнинг жавобгарлигини ўрнатадиган ва мажбурий чоралар билан таъминладиган ҳуқ-атвор қоидаларидир.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи сингари ўзининг ички мантиқий тузилишига эга бўлиб, айти пайтда улар ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Юридик адабиётларда маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиши (таркиби) бўйича турлича ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида ҳуқуқий нормалар уч қисмга бўлинган:

1) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг гипотезаси – ҳуқуқий норманинг ҳаракатга келишини ва унинг диспозитсияси қандай шароитларда амалга оширилишини, шунингдек, ҳаётий шароит ва мавжуд ҳолатларни белгилаб беради;

2) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг диспозитсияси – ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда ҳуқуқ тармоғи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, хатти-ҳаракатлари доираси кўрсатиб ўтилади. Ҳуқуқий норма диспозитсиясида – кўрсатма, руҳсат бериш, ман этиш, яъни маъмурий муносабатлар иштирокчилари ҳуқ-атворининг мазмуни кўрсатиб ўтилади;

3) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг санкцияси – бу ҳуқуқий норманинг таркибий қисми бўлиб, унда диспозитсияси қисмида белгиланган талабнинг бажарилиши ёки бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган таъсир этиш чоралари назарда тутилади.

2. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг таснифи

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ўзининг тартибга солиш йўналиши ва унга мувофиқ ҳолда юридик мазмуни билан ниҳоятда хилма-хилдир. Шу сабабли давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун уларни таснифлаш катта аҳамиятга эгадир.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлари маъмурий-ҳуқуқий нормаларни икки гуруҳга: моддий ва процессуал нормаларга бўлади. Бундай таснифлаш мезони сифатида айрим ҳолларда маъмурий-ҳуқуқий нормалар мазмуни, бошқа ҳолларда эса, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

Моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар - давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича бўладиган муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ва мазмунини, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини белгилайди. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига биноан “Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти уцидан назоратни амалга оширади”. Мазкур норма моддий ҳуқуқий норма бўлиб, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг ваколатини белгилаб берган.

Процессуал маъмурий-ҳуқуқий нормалар - тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар иштирокчилари учун моддий маъмурий-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган, давлат бошқаруви соҳасидаги юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Бошқача айтганда, улар давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича фаолият тартибини белгилайди ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган ушбу фаолиятдаги жараён қоидаларига риоя этилишини талаб қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасига биноан “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг цруктураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади”. Ушбу норма маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ва мажбуриятларини бевосита амалга оширишга кўмаклашувчи процессуал ҳуқуқий норма ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг бошқа тармоқларидан1 фарқли равишда, маъмурий ҳуқуқда, одатда, моддий ва процессуал нормалар ягона манбаларда кўрсатиб ўтилади. Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи моддий ва процессуал нормалар ягона қонун ҳужжатида – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ўз ифодасини топган.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни уларнинг аниқ юридик мазмунига қараб таснифланиши алоҳида аҳамият касб этади. У ҳуқуқнинг барча тармоқлари учун умумий бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш услубининг у ёки бу доираси: кўрсатма бериш, ман этиш ва рухсат беришга асосланади. Шу нуқтаи назардан маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг уч тури ажратилади: мажбурият юқловчи, тақиқловчи ва ваколат берувчи нормалар.

Мажбурият юқловчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар ушбу нормалар гипотезасида назарда тутилган шароитлар мавжуд бўлган ҳолларда, муайян ҳаракатларни албатта амалга ошириш лозим бўлган юридик ҳокимият кўрсатмаларини ўз ичига олади.

Мажбурият юқловчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар шахсни қандайдир хатти-ҳаракатни содир этишга мажбур қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Концитутсиясининг 48-моддасига биноан “Фуқаролар

Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”.

Тақиқловчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар - ушбу нормалар у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишнинг тақиқланишини назарда тутлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига биноан “Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади”. Мазкур ҳуқуқий норма орқали нотариус ёки тегишли шахс томонидан маълумотларни ошкор қилиш мумкин эмаслиги (тақиқ) белгиланган.

Ваколат берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар - давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатлар иштирокчиларига юридик ҳокимият кўрсатмалари доирасида ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиш имкониятини назарда тутлади, яъни бу ерда тўғридан-тўғри кўрсатмалар ҳам, ман этишлар ҳам йўқ. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга”. Мазкур нормада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ бевосита фуқаронинг эркига боғлиқ бўлиб, унинг хоҳиш-иродаси билан амалга оширилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ваколат берувчи ҳуқуқий нормаларда шахснинг ҳаракат қилиш доираси аниқ кўрсатиб ўтилади. Шахс фақатгина мана шу доирада ҳаракат қилиб, ўзининг хоҳиш-иродасини ифода этиши мумкин.

3. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракати

Ҳуқуқий нормаларни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг муҳим шarti – уларнинг ҳаракат доирасини аниқ белгилаш ҳисобланади. Ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракатланиши – уларда назарда тутилган юридик оқибатларнинг вужудга чиқишидир. Юридик адабиётларга биноан ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракати (амал қилиши) қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

1) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракатланиш мавзуси. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган турли мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Масалан, давлат органларида хизматни ўташ тартибини белгиловчи нормалар, давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашга қаратилган нормалар, маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи нормалар ёки маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормалар ва ҳ.к.лар;

2) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг вақт бўйича ҳаракатланиши (амалда бўлиши). Нормаларнинг вақт бўйича ҳаракатланиши – норма назарда тутилган қонун ёки бошқа норматив ҳужжатнинг юридик кучга кириши ёки уни йўқотиш вақтини англатади. Норматив ҳужжатлар одатда: а) қонун ёки бошқа норматив ҳужжатда кўрсатиб ўтилган муддатда; б) матбуотда эълон қилинган вақтдан бошлаб; в) аксарият нормалар 10 кунлик муддат ўтиши билан юридик кучга эга бўлиб, нормаларни ҳаракатга келтиради.

Норматив ҳужжатлар ўзининг юридик кучини қуйидаги ҳолатларда тўхтатади: а) норматив ҳужжатнинг амал қилиши белгиланган муддат ўтиши билан; б) ваколатли давлат органининг норматив ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарорининг чиқарилиши; в) янги ҳужжатнинг қабул қилиниши билан эскисини бекор қилиш.

Норматив ҳужжатлар ўзининг юридик кучини йўқотиши билан, ундаги нормаларнинг ҳаракати ҳам тўхтайтиди.

Нормаларнинг кучга кириши ва амалда бўлишини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки улар белгиланган вақтдан бошлаб сўзсиз бажарилиши лозим бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар вақт бўйича ҳаракатланишида орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин. Жумладан ЎзР МЖТКнинг 9-моддасига биноан “Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди”;

3) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг маконда (ҳудудда) ҳаракатланиши. Одатда, маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ўзида ифода этган норматив ҳужжатлар бутун республика ҳудудида ҳаракатда бўлади. Лекин баъзи бир нормаларнинг макон бўйича ҳаракатланиши доираси аниқ белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, қонунлар бутун республика миқёсида ҳаракатда бўлса, маҳаллий ҳокимият органларининг норматив ҳужжатлари маълум бир ҳудудларда (вилоят, туман, шаҳар миқёсида) ҳаракатда бўлади. Бундан ташқари, корхона, муассаса ёки ташкилотлар доирасида ҳаракатда бўлувчи нормалар ҳам мавжуд .

Айрим ҳолларда маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлатлараро миқёсларда амал қилиши мумкин. Бу нормалар икки томонлама битимларга мувофиқ бир неча давлатлар ҳудудида юридик кучга эга бўлади;

4) маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг шахслар доираси бўйича ҳаракатланиши. Ҳуқуқий нормаларнинг асосий вазифаси бўлиб – улар томонидан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, муносабат субъектларининг доирасини аниқлаб бериш ҳисобланади. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг шахслар доираси бўйича ҳаракати, аксарият ҳолатларда уларнинг эгаллаб турган мақомига боғлиқ бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари барча фуқароларга нисбатан татбиқ қилиниши мумкин. Лекин мазкур қонунлардаги

нормаларнинг айримлари хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. (масалан, сайлаш ҳуқуқи ёки ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти) Ёки, юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи нормалар фуқароларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ҳуқуқбузрликни содир этган шахсга нисбатангина жавобгарлик нормалари ҳаракатга келиши мумкин ва ҳ.к.лар.

Демак, ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи нормаи сингари маъмурий-ҳуқуқий нормалар ҳам вақт бўйича, макон ва шахслар доираси бўйича ҳаракатда бўлади.

Одатда, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг вақт бўйича ҳаракатланиши - норматив ҳужжатнинг юридик кучига, макон бўйича ҳаракати - уни ўрнатган давлат органи (мансабдор шахс)нинг тутган ўрнига, шахслар доираси бўйича ҳаракати эса – шахснинг мақомига боғлиқ бўлади.

4. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Ҳуқуқий нормалар ўз вазифа ва функцияларини ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширади. Ҳуқуқий муносабатлар - ўзаро субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасида, ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосида вужудга келдиган алоқалардир.

Ҳуқуқий муносабат, бу биринчи навбатда томонлар ўртасидаги алоқадорликни акс эттиришдир. Муносабат томонлари бир-бири олдида тегишли субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтайдилар. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро муносабат тарзда боғлиқ бўлиб, яъни бир томоннинг ҳуқуқига иккинчи томоннинг мажбурияти ёки иккинчи томоннинг ҳуқуқи биринчи томоннинг мажбуриятига мувофиқ келади.

Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларга бошқа барча ҳуқуқий муносабатлар сингари умумий хусусиятлар хосдир.

Давлат бошқаруви жараёнида турли-туман муносабатлар вужудга келиб, турли ҳуқуқ тармоқлари билан тартибга солинади. Жумладан давлат бошқаруви соҳасидаги аксарият ҳуқуқий муносабатлар конституциявий, маъмурий, меҳнат, молия ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари асосида вужудга келади. Мазкур муносабатлар ўртасида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлардир.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг тузилишига кўра, муносабат субъекти, объекти ва мазмунига эга.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар) ёки бошқача маъмурий-

ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб эса, маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий ҳулқ-атвори ҳисобланади. “Объект” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “мавзу” деган маънони англатади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат маълум бир жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян бир вазифани бажаради. Шу сабабли объектсиз ҳуқуқий муносабат бўлиши мумкин эмас.

Кўпгина ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг объектини – ягона, яъни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги маъмурий ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари ташкил этади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини – маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиқлар, чекловлар ташкил этади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар (кенг тарқалган концепсиялардан бири) қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- а) бу муносабатлар – давлат бошқаруви соҳасида вужудга келади;
- б) бу муносабатларда ҳамма вақт давлат бошқаруви органи иштирок этади;
- с) бу – бўйсинувга асосланган муносабатлар бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар юридик жиҳатдан тенг эмас.¹

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари (яна бир концепсияга биноан) қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

бу муносабатлар - давлат бошқаруви жараёнида (ёки соҳасида) вужудга келади;

бу муносабатларнинг мажбурий субъекти бўлиб давлат номидан оммавий-ҳуқуқий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилувчи давлат бошқаруви (ижро ҳокимияти) органлари ҳисобланади;

бу муносабатлар - ҳокимият-бўйсинув ва томонларнинг юридик тенг эмаслиги билан тавсифланади;

бу муносабатлар - оммавий ёки индивидуал манфаатларни қондириш мақсадида бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш бўйича вужудга келади;

бу муносабатлар - ташкиллаштириш хусусиятига эга, яъни улар давлат бошқарувининг бошқарув объектига ташкилотчилик таъсири доирасида вужудга келади;

бу муносабатлар - қонунийликни таъминлашнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби ва ўзининг ҳуқуқий ҳимояси билан ажралиб туради.¹

Алимов Х.Р.нинг кўрсатишича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши мумкин:

- а) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келади;

б) маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида ҳамма вақт давлат органи, мансабдор шахс ёки бошқарув ҳуқуқига эга бўлган жамоат бирлашмаси иштирок этади;

с) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бир томоннинг хоҳиши билан вужудга келиб, иккинчи томоннинг розилигини талаб этмайди;

д) маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган низолар, аксарият ҳолларда маъмурий тартибда ҳал қилинади. 1

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – давлат бошқаруви соҳасида вужудга келади; муносабатнинг мажбурий иштирокчиси бўлиб давлат органлари намоён бўлади; муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муносабат турини белгилаб беради. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти билан боғлиқ бўлган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир.

5. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган шароитлар мавжуд бўлганида вужудга келади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ўз-ўзидан бевосита маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Балки, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шартларини, ҳолатларини ва мезонларини белгилаб беради. Бу – юридик фактлар бўлиб, норма талабидан келиб чиққан ҳолда томонлар ўртасида маълум бир ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи ҳолатлардир.

Юридик фактлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий шарти, аниқ талаби сифатида майдонга чиқади.

Жамиятда турли-туман ҳолатлар ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам юридик факт бўлиб ҳисобланмайди. Муайян ҳодиса ва ҳолатларни юридик факт деб эътироф этиш, давлатнинг хоҳиш-иродасига боғлиқдир.

Юридик фактлар нафақат маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, балки ўзгартириши ёки бекор қилиши ҳам мумкин.

Юридик фактлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда катта аҳамиятга эгадир.

Юридик фактлар ҳуқуқий норма билан ҳуқуқий муносабат ўртасидаги боғловчи воситадир.

Юридик фактлар турлича бўлиши мумкин. Жумладан, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларга кўра юридик фактлар:

- а) ҳуқуқни яратувчи;
- б) ҳуқуқни ўзгартирувчи;
- с) ҳуқуқни бекор қилувчи фактларга бўлинади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳаракатлар ва ҳодисалар сингари юридик фактлардан вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин.

Ҳаракатлар – бу ҳуқуқ субъектлари томонидан ўз хоҳиш-иродаларини ифодалашнинг натижасидир.

Аксарият маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳаракатлардан вужудга келиб, улар субъектнинг фаол хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади. Ҳаракатлар иккига бўлинади:

а) қонуний ҳаракатлар – ҳамма вақт маъмурий-ҳуқуқий нормалар талабига мос келади. Бунда юридик факт сифатида муносабат иштирокчиларининг қонунга мувофиқ ҳаракати намоён бўлади.

Қонуний ҳаракатлар ўз навбатида икки кўринишга эга:

давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий актлари.

Ҳуқуқий актлар норматив ёки якка (индивидуал, маъмурий) актларга бўлинади. Ҳуқуқий актларда қонунга мувофиқ ҳаракатлар муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришини назарда тутиб содир этилади. Бундай ҳаракатларда - ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига қаратилган ирода ифодаланади;

юридик хатти-ҳаракатлар;

б) қонунга хилоф ҳаракатлар – маъмурий-ҳуқуқий нормалар талабларига мос келмайдиган, уларни бузадиган ҳаракатлардир. Бу - давлат бошқаруви соҳасига хос бўлган интизомий ва маъмурий ножўя ҳаракатлардир. Шахснинг ҳаракатсизлиги ҳам айнан мана шу гуруҳга киради (масалан, ички ишлар ходими томонидан жамоат тартибини сақлашга қаратилган чораларнинг кўрилмаслиги).

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўладиган иккинчи юридик факт – бу ҳодисалардир. Ҳодисалар одамларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўладиган фактлардир (инсоннинг туғилиши, маълум бир ёшга етиши, ўлими, табиий офат ва бошқалар).

6. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари

Давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар турли-туман бўлиб, уларни бир неча асосларга кўра таснифлаш (гуруҳлаш, турларга бўлиш) мумкин.

Ҳуқуқ назариясига асосланиб, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг вазифаси ва функционал белгиланишига қараб, уларни иккига бўлиш мумкин:

а) тартибга солувчи муносабатлар, яъни ҳуқуқ субъектларининг мўтадил хулқ-атвори, ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракатларининг натижасида вужудга келадиган муносабатлар;

б) муҳофаза қилувчи муносабатлар, яъни ҳуқуқбузарликни содир этиш ва бу учун давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш зарурияти асосида вужудга келадиган муносабатлар.

Кўпгина юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатларнинг моддий ва процессуал турларга бўлиниши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Моддий ҳуқуқий муносабатлар – бу моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар асосида вужудга келадиган ҳамда ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардир.

Процессуал ҳуқуқий муносабатлар – давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, ҳуқуқий муносабат субъектларининг субъектив процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш ва тартибга солишда намоён бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари бўйича ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Жумладан, А.П.Алехиннинг фикрича¹, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар шартли равишда қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

а) асосий ва ёрдамчи (асосий бўлмаган) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – бевосита бошқарув таъсирини (“субект - объект”) ифода этувчи муносабатлар бўлиб, унда давлат бошқаруви фаолияти яққол намоён бўлади. Мазкур муносабатлар “буйруқ - ижро” формуласига асосланган бўлиб, биринчи навбатда юқори турувчи ва қуйи турувчи давлат бошқаруви органлари ўртасидаги, раҳбар – мансабдор шахс билан унга хизмат бўйича бўйсинувчи ходим ўртасидаги, давлат бошқарув органлари (мансабдор шахс) билан маълум бир маъмурий-ҳуқуқий мажбуриятга эга бўлган шахс ўртасидаги муносабатлардир.

Ушбу муносабатлар у ёки бу объектга бевосита бошқарув таъсири доирасидан ташқарида бўлган, лекин бошқарувни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Асосий маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бошқарув мазмунини ифода этса, ёрдамчи маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бошқарув мазмуни билан боғлиқ бўлиб, тўғридан-тўғри уни ифода этмайди.

Ёрдамчи маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқаруви жараёнида вужудга келса ҳам, уларнинг асосий вазифаси бошқарув субъектининг бошқарув объектига бевосита таъсири ҳисобланмайди. Бу муносабатлар асосий маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга, яъни бевосита бошқарув таъсирини амалга оширишга кўмаклашади. Масалан, давлат бошқарувини амалга ошириш мақсадида бирон бир норматив ҳужжатни тайёрлаш бўйича икки бошқарув субъекти ўртасида вужудга келадиган ва бўйсинувга асосланмаган муносабатлар – ёрдамчи маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бундай муносабатлар турли-туман бўлиб, давлат бошқарувини амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш беради;

б) субординатсиявий (бевосита бўйсинувга асосланган) ва координатсиявий (мувофиқлаштирувчи) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар.

Бошқарув субъекти юридик иродасининг авторитарлигига асосланган муносабатлар – субординатсиявий, авторитарлик мавжуд бўлмаган муносабатлар – координатсиявий ҳисобланади. Лекин шу нарса ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат бошқарувининг юқори турувчи ва қуйи турувчи субъектлари ўртасидаги муносабатларда мувофиқлаштириш -

юримдик-хокимият хусусиятига эга бўлиши, яъни мувофиқлаштириш субординатсиявий ҳам бўлиши мумкин. Масалан, вазирлик томонидан унга бўйсинувчи бошқарма фаолиятини мувофиқлаштириши. Мазкур муносабат биринчи навбатда мувофиқлаштириш мақсадида вужудга келган, лекин улар ўртасидаги ташкилий жиҳатдан бевосита бўйсинув мувофиқлаштиришни субординатсияга айлантиради.

Айрим ҳолларда мувофиқлаштириш юримдик-хокимият хусусиятига эга бўлмаслиги, бўйсинув билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субординатсиявий ва координатсиявий турларга бўлиниши шартли ҳисобланади;

с) вертикал ва горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар.

Вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳиятини ифода этиб, давлат бошқаруви фаолиятига хос бўлган бошқарув субекти ва объекти ўртасидаги субординатсиявий алоқаларни англатади. Вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар айнан хокимият муносабатларидир. Мазкур муносабатлар бўйсинув мавжуд бўлган томонлар ўртасида вужудга келади ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилган ҳолда, уларда томонларнинг тенглиги мавжуд эмас. Вертикаллик деганда – бир томонда юримдик-хокимият ваколатлари мавжудлигини, иккинчи томонда эса бундай ваколатларнинг мавжуд эмаслигини (масалан, фуқаролар) ёки ваколат доираси торроқ эканлиги (масалан, қуйи турувчи орган) тушуниш лозим. Айнан вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда бошқарув субектининг у ёки бу объектга бевосита бошқарув таъсири амалга оширилади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг вертикаллигини англатувчи қуйидаги хусусиятларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

вертикал муносабатларнинг асосий (бош) кўрсаткичи ҳисобланган – “томонлар тенгсизлиги”нинг мавжудлиги; бошқарув субектида юримдик-хокимият ваколатларининг мавжудлиги;

томонларнинг тенгсизлиги бир томонинг (бошқарув объекти) иккинчи томонга (бошқарув субекти) бўйсиниши, яъни “хокимият - бўйсинув”га асосланиши;

маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда бўйсинув ҳамма вақт ҳам аниқ намоён бўлмайди. Масалан, фуқаро ёки нодавлат ташкилоти бошқарув субектига (ижро хокимиятига) ташкилий жиҳатдан бўйсинмаган ёхуд ижро хокимияти органларининг ҳаммаси ҳам тўғридан-тўғри бўйсинувга эга эмас. Лекин мазкур ҳолларда ҳам томонларнинг тенгсизлиги яққол намоён бўлади;

давлат бошқаруви соҳасида бўйсинув тўғрисида гапирганда, биринчи навбатда ташкилий жиҳатдан бўйсинувни назарда тутиш лозим;

вертикал хусусиятдаги аксарият маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бўйсинув мавжуд бўлмаган томонлар ўртасида ҳам вужудга келиши мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам, бир томон ўз ваколати доирасида ўзига бўйсинмаган иккинчи томон учун мажбурий бўлган ҳуқуқий актни қабул қилиши мумкин;

давлат бошқаруви соҳасида контрол-назорат фаолияти кенг доирада амалга оширилиб, унинг субъектлари сифатида ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслар)нинг ўзи намоён бўлади. Масалан, махсус ташкил этиладиган давлат органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий назорат юридик-ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, ташкилий жиҳатдан бўйсинмаган бошқарув объектларига нисбатан амалга оширилади;

маъмурий-ҳуқуқий нормаларда кўрсатиб ўтилган талаблар доирасида бошқарув субъектлари уларга бўйсинмаган шахсларга (фуқароларга, нодавлат тузилмаларига) ўзларининг юридик-ҳокимият иродасини ифода этиши мумкин ва ҳ.к.лар.

Демак, вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар турли кўринишларга эга бўлиб, тўғридан-тўғри бошқарув таъсирини амалга ошириш ҳамда бир томон юридик-ҳокимият иродасининг уқунлиги билан ифодаланади.

Горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан юридик-ҳокимият иродасининг уқунлиги мавжуд эмас. Маълум бир маънода, горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда томонлар тенг ҳисобланади. Горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар сингари кўп тарқалган эмас. Чунки улар қайсидир маънода маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан четга қолган. Лекин давлат бошқаруви соҳасида бундай муносабатларнинг вужудга келиши мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда томонларнинг тенглигини тан олиш – маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмунига, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларига тўғри келмайди. Шу сабабли бундай муносабатларнинг бошқарув соҳасида вужудга келиши шубҳа оцига олинган. Лекин бошқарувдаги горизонталлик хусусиятини тўғри англаганда, бундай шубҳаларга ўрин қолмайди. Бу учун қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, томонлар ўртасида бўйсинувнинг мавжуд эмаслиги, томонларнинг бир хилдаги ҳуқуқий даражага эга эканлиги, юридик тенгликнинг формал эмас, балки ҳақиқатда мавжуд бўлиши;

иккинчидан, бошқарув муносабатларида бу иккала хусусият (бўйсинувнинг мавжуд эмаслиги ва юридик тенглик)нинг бир вақтда мавжуд бўлиши;

учинчидан, бир томоннинг иккинчи томонга қаратилган юридик-ҳокимият иродасининг бўлмаслиги.

Давлат бошқаруви соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўртасида горизонтал муносабатларни ажратиш олиш мушкулдир. Чунки улар вертикал муносабатлар сингари яққол намоён бўлмайди. Лекин бошқарув амалиётига асосланиб, горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

бевосита бошқарув таъсирига кўмаклашувчи муносабатлар. Бу муносабатлар вертикал муносабатларга хизмат қилади, яъни бир томонлама юридик-ҳокимият қарорини қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратиш беришга қаратилади. Горизонтал муносабатлар бир даражада бўлган

бошқарув субъектлари ўртасида вужудга келади. Масалан, биргаликда норматив ҳужжатни қабул қилиш учун тайёргарлик кўриш; ҳамкорликда бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш; биргаликда кўшма тадбирларни (мажлисларни) олиб бориш; идоралараро, маслаҳат ёки мувофиқлаштирувчи кенгашларни ташкил этиш бўйича муносабатлар;

бевосита бошқарув таъсири амалга оширилгандан кейин вужудга келадиган муносабатлар, яъни бир томонлама тартибда қабул қилинган қарорнинг самарали ижро этилишига шароитлар яратиб бериш бўйича вужудга келадиган муносабатлар;

маъмурий-процессуал хусусиятдаги муносабатлар. Бундай муносабатларда ҳам томонлар тенг ҳуқуқли даражага эга бўлади. Масалан, фуқароларнинг шикоятларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар. Бу муносабатларнинг мазмунини маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ташкил этади;

турли хилдаги Масалан, у ёки бу лавозимдаги ишга қабул қилиш тўғрисида олдиндан келишув.

шартнома шаклига эга бўлган маъмурий-келишув хусусиятига эга бўлган муносабатлар.

Назорат учун саволлар

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг тушунчаси.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиши.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг таснифи.

Моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар.

Процессуал маъмурий-ҳуқуқий нормалар.

Мажбурият юқловчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар.

Тақиқловчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар.

Ваколат берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг вақт, макон ва шахслар доираси бўйича ҳаракати.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Юридик фактлар.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари.

6 МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК

РЕЖА:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий тавсифи
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси.
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий хусусиятлари.
4. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби тушунчаси.
6. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти.
7. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони.
8. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти.
9. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони.

Аксарият юридик адабиётларда маъмурий жавобгарликни қўллашнинг икки асоси кўрсатиб ўтилган: биринчидан, қонун – ҳуқуқий (норматив) асоси сифатида; иккинчидан, маъмурий ножўя хатти-ҳаракат (ҳуқуқбузарлик) - фактик асоси сифатида.

Маъмурий жавобгарликнинг бу иккала асоси ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1-моддасида маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий (норматив) асоси муцаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига биноан эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси) - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири – бу маъмурий ҳуқуқбузарликдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни – амалдаги қонунчилигимизда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидаги умумий хусусиятларга эгадир:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – ижтимоий зарарли ҳисобланади, яъни уларнинг содир этилиши билан жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига маълум бир моддий ва маънавий зарар етказилади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – маъмурий ҳуқуққа хилоф ҳисобланади, яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонун ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри тақиқланган.

Айрим ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий-ҳуқуқий нормаларни бузиш маъносида талқин қилинади. Лекин шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, маъмурий-ҳуқуқий нормалар турли кўринишга эга, масалан, намунали хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи – тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва бу қоидаларнинг бузилиши учун жавобгарликни ўрнатувчи – муҳофаза этувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу қилмишдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик - бир ёки бир неча инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади;

тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – жисмоний шахс томонидан содир этиладиган қилмишдир. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида фақатгина жисмоний шахслар намоён бўлиши мумкин;

бешинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликда – айбнинг мавжудлиги, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик – қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади;

олтинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – жазога сазовор қилмишдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 10-моддасининг 1-қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қилмиш тушунилади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган тақдирдагина, бундай хатти-ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилиши мумкин. Жавобгарликка тортиш - ҳуқуқбузарликнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Ҳуқуққа хилоф, айбли ва жазога сазовор қилмишнинг хусусиятини ўзида ифода этган барча ҳуқуқбузарлик ҳам, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди. Гап шундаки, аниқ бир қилмишда маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаслиги мумкин ва бу ҳолат қилмишни содир этган шахснинг жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

Ҳуқуқбузарлик таркибини ифодаловчи хусусиятлар эса, бу – қонун ҳужжатларида муцаҳкамланган ва содир этилган қилмишни ҳуқуқбузарлик сифатида ифодалаш мумкин бўлган хусусиятлардир.

Ҳуқуқбузарлик таркибини ифодаловчи ўзаро яқин хусусиятлар бирлашиб, ҳуқуқбузарлик таркиби элементларини ташкил этади.

Ҳуқуқшунос олим Ю.М.Козловнинг фикрича, маъмурий ҳуқуқбузарликни тавсифлашда унинг юридик таркиби катта аҳамиятга эгадир. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби – бу унинг ички тузилишини англатувчи юридик хусусиятдаги элементлар йиғиндисидир.¹

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби тушунчасини англаш ва уни аниқлаш - маъмурий жавобгарликка тортишнинг қонунийлигини таъминлайди, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган хусусиятларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжуд бўлиши билан аниқ бир қилмишлар – маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик таркиби сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам: ҳуқуқбузарликнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони каби хусусиятлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар

ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, балки маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошқа ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, молия, ер, меҳнат ва ҳ.к.лар) нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам вужудга келади. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига - маъмурий жавобгарлик нормалари билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик объекти, одатда, уч гуруҳга бўлинади:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий объекти – давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар. Масалан, ЎзР МЖТКнинг 10-моддаси 1-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти умумий ҳолда - “шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳит” кўрсатиб ўтилган;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турдош объекти – мазмуни ва ўзаро яқин хусусиятларига қараб ягона тизимга келтирилган объектлардир. Масалан, ЎзР МЖТКнинг махсус қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар;

аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузиш;

транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;

фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига таалуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

савдо тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;

одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти – ҳуқуқбузарлик оқибатида бевосита зарар етказилган, аниқ объект ҳисобланади. Масалан, ЎзР МЖТКнинг 40-моддасида муцаҳкамланган тухмат ҳуқуқбузарлигининг бевосита объекти – фуқаронинг шаъни ва кадр-қиммати ҳисобланади; ёки, 237-моддасига биноан ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортишда ифодаланган ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти бўлиб – бошқарув жараёнида

ўрнатилган тартиб, яъни фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбурияти ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обектив томони – бу ҳуқуққа хилоф қилмишдир, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик обектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик обектив томондан икки кўринишга эга:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликни ҳаракат натижасида содир этиш. Ҳаракат – инсоннинг фаол хулқ-атвори ҳисобланади. Аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар, обектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, тухмат, ҳақорат қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, ўрнатилган турли умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар - ҳаракатлар натижасида содир этилади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқиши. Ҳаракатсизлик – инсоннинг пассив хулқ-атвори бўлиб, одатда, белгиланган вазифани, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади. Масалан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаганлик, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаганликда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

Д.Н.Бахрахнинг кўрсатиб ўтишича, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обектив томони – ҳуқуқ нормалари билан назарда тутилган, мазкур ҳуқуқбузарликнинг ташқи кўринишини ифодаладиган хусусиятлар йиғиндиси. Обектив томон – қилмишни ҳуқуқбузар ташқи хулқ-атворининг кўриниши сифатида ифодалади. Обектив томон хусусиятларига: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва уларнинг содир этилиши билан вужудга келган зарарли оқибат киради. Масалан, транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш – ҳаракат тезлигини ошириш (ҳаракат), йўл белгиларига риоя этмаслик (ҳаракатсизлик)да ифодаланувчи турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай қилмишлар натижасида: йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф солиниши, бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақит бериш, авария ҳолатини вужудга келтириш ёки йўл-транспорт ҳодисаларини содир этилишига олиб келиши мумкин. 1

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 13-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

ЎзР МЖТКнинг 20-моддасига биноан эса, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Демак, умумий қоидаги кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти - бу 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарликнинг субъектлари уч гуруҳга бўлинган:

1) умумий субъект – ҳар қандай 16 ёшга тўлган жисмоний шахс. Жумладан, ЎзР МЖТКнинг 13-моддасида маъмурий жавобгарлик субъекти умумий ҳолда кўрсатиб ўтилган;

2) махсус субъект – умумий субъектларга қараганда ўзига хос хусусиятларга (қўшимча белгиларга) эга бўлган субъектлардир. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг махсус субъектига - мансабдор шахсларни, ҳайдовчиларни, вояга етмаганларни ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар уларнинг эгаллаб турган лавозими ёки мансаби билан ёхуд улар зиммасига юкланган вазифалар (мажбуриятлар)нинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги фуқароларга (умумий субъект) қараганда юқори бўлади.

Мисол № 1. ЎзР МЖТКнинг 175-4-моддасига биноан иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш учун фақатгина мансабдор шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки ходимларга иш ҳақини бериш мажбурияти корхона, муассаса ва ташкилотнинг мансабдор шахси зиммасига юкланган.

Мисол № 2. ЎзР МЖТКнинг 125-моддасига биноан фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқариш учун фақатгина ҳайдовчилар жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки, ҳайдовчигина - транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлади.

Маъмурий жавобгарлик 16 ёшга тўлган фуқароларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Лекин 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар - вояга етмаганлар тоифасига киришини ҳам унутмаслик керак. Уларнинг маъмурий жавобгарлиги, одатда махсус қоидалар билан тартибга солинади;

3) алоҳида субъект – интизом уцавлари ёки хизмат тўғрисидаги низомлар татбиқ қилинадиган шахслар, масалан, ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алоҳида субъектлари – махсус субъектларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Алоҳида субъектлар ҳам, махсус субъектлар сингари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг у ёки бу субъектлари доирасига қаратилган жавобгарликнинг қўшимча асослари ёки унинг юқори ҳажми, бошқаларига нисбатан эса маъмурий жавобгарликни қўллашда чекланишлар кўрсатиб ўтилади. Масалан, ЎзР МЖТКнинг 53-моддасига биноан санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш, - фуқароларга энг кам иш

ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. ЎЗР МЖТКнинг 16-моддасига биноан муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳам назарда тутилган. Бу тоифадаги шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектларининг қайси гуруҳига киради, деган савол вужудга келиши мумкин. Агар, хорижий фуқаролар дипломатик иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмаса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Агар, бундай ҳуқуққа эга бўлса, уларнинг жавобгарлик масаласи халқаро шартномаларда (ёки давлатлар ўртасида тузилган халқаро битимларда) назарда тутилган тартибда ҳал қилинади. Демак, улар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳам умумий субъекти, ҳам махсус субъекти сифатида намоён бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам – ҳуқуққа хилоф айбли содир этилган қилмиш ҳисобланади. Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишда айби мавжуд бўлганида, уни жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Айб – бу содир этилган қилмишга нисбатан шахснинг руҳий муносабатидир. Айб икки шаклда: қасд ва эҳтиётсизликда ифодаланган бўлиши мумкин. Айб - маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг мажбурий хусусияти ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – бу ҳуқуқбузарлик субъекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик айбнинг икки шаклида ҳам, яъни қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 11-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини ицаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

Масалан, ЎЗР МЖТКнинг 61-моддасида мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, рацрата қилиш, мансаб лавозимини суицеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу қилмиш қасддан содир этилади. Ҳуқуқбузар мол-мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, рацрата қилиш, мансаб лавозимини суицеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш каби ҳаракатларнинг ҳуқуққа хилоф эканлигини билади, уни содир этиш орқали корхонага зарар етказилишига кўзи етади ва унинг юз беришини ицайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 12-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган

шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш куйидаги шаклларда намоён бўлади:

а) ўзига ишониш – шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайди;

б) бепарволик – шахснинг қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда уларни олдиндан кўра билмагани.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик натижасида содир этишдан айбсиз зарар келтиришни фарқлаш лозим. Айбсиз зарар келтириш жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг аксарият моддаларида айб шакллари тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаган ҳамда маъмурий жавобгарлик айб шаклидан қатъи назар вужудга келади. Масалан, 88-моддага биноан қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмаларсиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик - қасддан содир этилганми ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганми, маъмурий жавобгарликка асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларида қасд тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаган бўлса ҳам, унинг қасддан содир этилганлиги қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, 188-моддага биноан вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар ичеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни ичеъмол этишга жалб қилиш - фақат қасддан содир этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларида эса айб шакллари аниқ кўрсатиб ўтилади. Масалан, 52-модданинг биринчи қисмида эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш, иккинчи қисмида эса, қасддан енгил тан жароҳати етказиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Демак, шахснинг содир этган қилмишини маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлаш учун биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари – ҳуқуққа хилофлилик, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги ва иккинчидан, юридик таркиби – маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони мавжуд бўлиши керак.

Назорат учун саволлар

- Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий хусусиятлари.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби тушунчаси.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони.

7 МАВЗУ: Маъмурий жавобгарлик ва жазо.

РЕЖА :

4-соат

1. Маъмурий жавобгарликнинг тушунчаси
2. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги
3. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги
4. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уцавлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг жавобгарлиги.
5. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги
6. Маъмурий жазо чоралари ва унинг мақсади

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1-моддасига биноан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари:

ушбу Кодекс;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

Қорақалпоғицон Республикаси қонунлари;

Қорақалпоғицон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари;

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборат.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси - инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва обектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун, қонун ҳужжатлари, қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

қонунийлик принципи;

фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи;

демократизм принципи;

инсонпарварлик принципи;

одиллик принципи;

айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи.

Деярли барча маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий нормалар, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси доирасида умумлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари:

1) моддий ва процессуал ҳуқуқий нормалар тизимини ўзида ифода этади;

2) фуқароларнинг маъмурий жавобгарлигини назарда тутди;

3) маъмурий ва суд тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарликларни тартибга солади.

Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, маъмурий жавобгарлик маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг кўриниши бўлиб, унинг барча хусусиятларига эгадир.

Маъмурий жавобгарликка юридик жавобгарликнинг барча хусусиятлари ҳам хосдир. У ҳуқуқий нормалар асосида ўрнатилади, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади ва ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан ўрнатилган процессуал тартибда ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган санксияларни қўллашда ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик масаласи кўпгина ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти бу масалага деярли бир хилда ёндошган: маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.¹

А.П.Алехин маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг барча хусусиятларига эга эканлиги билан бир қаторда, қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтади:

биринчидан, маъмурий жавобгарлик қонунлар билан ҳам, қонуноци ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилади, яъни у ўзининг норматив-ҳуқуқий асосига эгадир. Жиноий жавобгарлик – фақат қонунлар билан, интизомий жавобгарлик – қонун ва қонуноци ҳужжатлари билан, моддий жавобгарлик – меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланади;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб – маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (қонун бузилиши ва ножўя хатти-ҳаракат кўринишида). Жиноий жавобгарликда – жиноят, интизомий жавобгарликда – интизомий ножўя хатти-ҳаракат, моддий жавобгарликда – моддий зарар етказиш ҳисобланади;

учинчидан, маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар¹ намоён бўлади. Жиноий жавобгарликда – фуқаролар ва мансабдор шахслар, интизомий жавобгарликда – ходим (жамоа субъектларининг интизомий жавобгарлиги юридик адабиётларда мунозарали бўлиб келмоқда), моддий жавобгарликда – ходим (меҳнат қонунчилиги бўйича), юридик ва жисмоний шахслар (фуқаролик қонунчилиги бўйича) субъект бўлиши мумкин;

тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Жиноят учун – жиноий жазо, интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун – интизомий жазо, моддий зарар етказиш учун – мулкий жазо қўлланилади;

бешинчидан, маъмурий жавобгарлик қонун ҳужжатларига биноан кенг доирадаги давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади. Жиноий жавобгарлик – суд органлари томонидан, интизомий жавобгарлик – юқори турувчи давлат органи (мансабдор шахс) томонидан, моддий жавобгарлик – суд органлари томонидан қўлланилади;

олтинчидан, маъмурий жавобгарлик судланганлик ҳолатини ёки ишдан бўшатишни вужудга келтирмайди, жиноий жавобгарликда - судланганлик вужудга келади, интизомийда – ишдан бўшатиш мумкин;

еттинчидан, маъмурий жавобгарликни қўллаш учун, бўйсинувнинг бўлиши шарт эмас, интизомий жавобгарликни қўллашда эса бўйсинув мавжуд бўлади.1

Маъмурий жавобгарлик барча фуқаролар учун татбиқ қилинадиган умуммажбурий қоидаларни бузганлик ёки риоя этмаганлик учун қўлланилади. Улар турли-туман кўринишларга эга бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, давлат ва жамоат тартиби ва хавфсизлиги; табиатни муҳофаза қилиш; мулкчилик; цандартлаштириш; цатицика ва ҳисоб-китоб; ҳаракатланиш хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланиш; ҳарбий рўйхат; чегара тартиби; контрабандага қарши кураш; валюта муомаласи ва бошқа қоидалар. Умуммажбурий қоидалар турли ваколатли ижро ҳокимияти органлари томонидан ўрнатилади.

Маъмурий жавобгарлик, одатда, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг талаблари бузилган тақдирда вужудга келади. Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик, маъмурий жавобгарликнинг меҳнат, молия, ер, ҳатто конститутсиявий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши учун ҳам қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида, маъмурий жавобгарликнинг соҳалараро аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик масалалари ҳуқуқшунос олимлар Алимов Х.Р., Стаско В.Н., Ли А.А., Хван Л.Б. ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Жумладан, Алимов Х.Р.нинг кўрсатишича, маъмурий жавобгарлик – оммавий-ҳуқуқий табиатга эга бўлиб, давлат олдидаги жавобгарлик ҳисобланади. Бу - хизмат бўйича бўйсинмаган, айбдорларга нисбатан давлат органлари томонидан қўлланиладиган давлат олдидаги жавобгарликдир.1

Одатда, жавобгарлик турлари деганда, унинг таркибий тузилишига кирувчи жазо чоралари назарда тутилади. Лекин бу иккала “жавобгарлик” ва “жазо” терминларининг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, улар турли тушунчаларда ифодаланади. Жавобгарлик жазога қараганда, кенгрок доирадаги муносабатларни қамраб олади. Жавобгарлик жазо чоралари билан бир вақтда ва бошқа ҳуқуқий таъсир этиш чораларини ҳам ўз ичига олади.

2. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш

ҳақида”ги 360-сонли қарорида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар уцидан бўлган назоратнинг бўшлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жинойтлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарацлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турганлиги ҳақида тўхталиб ўтилган.

Ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйганлиги таъкидланган.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақида”ги низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркибини тасдиқлади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида назоратсиз қолиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш органлари ҳисобланадилар.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар - вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишлари, ҳуқуқбузарликлари ва жамият учун зарарли хатти-ҳаракат қилишларининг олдини олиш, буларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогика жиҳатдан реабилитатсия қилиш мақсадида тузилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғицон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида тузилади.

Комиссиялар раис (туман, шаҳар, вилоят ҳокими ўринбосари, Қорақалпоғицон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари), раис ўринбосари, масъул котиб ва комиссиянинг 6-12 аъзоси таркибида тузилади. Комиссия аъзолари сони комиссиянинг иш ҳажмига қараб белгиланади.

Комиссиянинг масъул котиби кундалик ишларни ва комиссия қарорларининг бажарилиши уцидан назоратни амалга оширади. Туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимликлари, Қорақалпоғицон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги комиссияларда бошқа ишлардан озод масъул

котиб лавозими, зарурият бўлганда эса вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор лавозими жорий этилади.

Комиссияга таркибига олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ички ишлар, меҳнат органлари, хотин-қизлар кўмитаси, касаба уюшмалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, мудофаага кўмаклашиш жамияти, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакиллари кирадилар.

Комиссиялар таркибида: вояга етмаганлар ўртасида маданий-тарбиявий ишлар бўйича, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ва бошқа ўқув муассасаларининг ўқувчилари билан ишлаш бўйича, болалар ва ўсмирларни ишга жойлаштириш ва маиший турмушини яхшилаш масалалари бўйича, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан чиқарилган ва тарбиялаш колонияларидан озод қилинган ўсмирлар уцидан назорат ўрнатиш бўйича сексиялар ташкил этилиши мумкин.

Комиссиялар ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиладилар.

Туман (шаҳар) комиссиялари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллашлари, яъни:

1) вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиши;

2) огоҳлантириб қўйиши;

3) 15 ёшга тўлган вояга етмаган шахс зиммасига, агар у муцақил иш ҳақиға эға бўлса ва зарар миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаши ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаши;

4) 16 ёшга тўлган ва муцақил иш ҳақиға эға бўлган вояга етмаган шахсға Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавоғарлик тўғрисидаги кодексида, Қорақалпоғицон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари чиқарган ҳужжатларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органлари қарорларида кўзда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиши;

5) вояга етмаган шахсни ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек, уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти кузатувиға топшириши;

6) вояга етмаган шахс жамият учун хавфли хатти-ҳаракатлар қилган ёки ижтимоий ахлоқ қоидаларини қасддан ва мунтазам равишда бузиб келган тақдирда комиссия ички ишлар органлари билан биргаликда вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига юбориш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида судға илтимос қилади. 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаган

шахс махсус мактаб-интернатга юборилиши, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс эса махсус касб-ҳунар коллежига юборилиши мумкин.

3. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 15-моддасининг иккинчи қисмига биноан мансабдор шахс - бу мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган ҳамда раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган шахсдир.

Мансабдор шахслар:

- а) бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш;
- б) табиий муҳитни;
- с) аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга;
- д) бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Мансабдор шахслар – маъмурий жавобгарликнинг махсус субъектларидан бири бўлиб, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар турли кўринишларда ифодаланиши мумкин:

биринчидан, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўрнатилган умумажбурий қоидаларни бузишлари (маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишлари);

иккинчидан, мансабдор шахсларнинг ўз бўйсинувида бўлган шахсларга ўрнатилган қоидаларга зид келадиган кўрсатмаларни беришлари;

учинчидан, умумажбурий қоидаларга риоя қилишни таъминлаш мансабдор шахснинг хизмат вазифаларига тааллуқли бўлса, ўз бўйсинувида бўлган шахслар томонидан мазкур қоидаларга риоя этилишини таъминламаганликлари.

Мансабдор шахс сифатида маъмурий жавобгарликка тортиш вақтида, амалдаги қонунчилик талабига кўра, қуйидагиларни:

а) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг корхона, муассаса ёки ташкилотда маълум бир лавозимни эгаллаб турганлигини;

б) унга раҳбарлик қилиш, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат қилиш вазифалари юклатилган бўлишини;

с) унга моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ вазифалар юклатилган бўлишини аниқлаш лозим.

Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар, одатда эҳтиётсизликда ифодаланади. Мансабдор шахс, ўз ҳаракатларининг зарарли оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайди ёки бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмайди, ҳолбуки буларни кўра билишлари лозим. Мансабдор шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар турли хилдаги вазифаларни

бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, мансабига совуққонлик билан қараганлиги натижасида содир этилган ҳаракатсизликларда ифодаланган бўлиши мумкин.

Мансабдор шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилиши ҳам мумкин. Бу айб шакли масалан, мансабини суицеъмол қилишда ифодаланиши мумкин.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги, айтилиши вақтда, унинг хизмат қоидаларини бузиш, яъни интизомий ноҳўя хатти-ҳаракатни содир этиш ҳам ҳисобланади. Интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат учун меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик (интизомий жазо чоралари) назарда тутилган.

Лекин шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, битта ҳуқуқбузарлик учун фақатгина битта жавобгарлик чорасини қўллаш мумкин, яъни мансабдор шахсларнинг ўрнатилган қоидаларни бузишига (ҳуқуқбузарликни содир этишига) нисбатан иккита жавобгарликни қўллаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан мансабдор шахсларга нисбатан – жарима тариқасидаги маъмурий жазо қўлланилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдори, фуқароларга қўлланиладиган жарима миқдоридан ошиқ белгиланган.

4. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уцавлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 16-моддасига биноан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уцавларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирмайдиган, интизом уцавлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу уцав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, ҳарбий хизматчиларга - Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларида, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларида ва Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларида (чегара қўшинларида) ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар киради. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати органларининг оддий аскарлари ва бошлиқлари таркибидаги шахслар ҳам ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган. Ички ишлар органлари, шу жумладан милитсиянинг оддий

аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик учун уларга тенг даражада жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги қонунга биноан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар¹ ҳарбий интизом ва жамоат тартибини бузганликлари учун қўмондонлар (бошлиқлар) олдида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом уцави бўйича жавобгар бўладилар.

Ҳарбий интизомни ва жамоат тартибини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар жумласига, ўрнатилган ҳар қандай умуммажбурий қоидаларни бузишни киритиш мумкин.

Тегишли давлат органлари ёки мансабдор шахслар ҳарбий хизматчилар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганини аниқлаган вақтда, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар ва бошқа ишга тааллуқли материалларни айбдорнинг Қуролли Кулар Интизом уцави бўйича жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун бошлиқларга берадилар.

Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун, умумий асосларда маъмурий жавобгарликни қўллаш мумкин:

йўл ҳаракати қоидаларини бузганда;

ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ заҳираларини сақлаш қоидаларини бузганда;

божхона қоидаларини бузганда.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайдиган маъмурий жавобгарлик чоралари ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, биринчидан, ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахсларга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси қўлланилмайди; иккинчидан, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

5. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 17-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Хорижий фуқаро – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмаган ва хорижий давлат фуқаролиги мавжуд бўлган жисмоний шахсдир.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар - фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир, қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган чекловлар бундан муқасно.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган вақтларида содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Хорижий фуқароларнинг маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу айрим тоифадаги хорижий фуқароларнинг иммунитет ҳуқуқига эга бўлишидир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартномаларга биноан хорижий фуқаролар маъмурий юрисдикциядан иммунитетга (дахлсизлик) эга бўлишлари мумкин. Улар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари дипломатик йўл билан ҳал этилади. Бу тоифадаги хорижий фуқаролар жумласига: дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари (елчилар, ишончли вакиллар) ва хорижий давлатлар ваколатхоналарининг дипломатия ходимлари: маслаҳатчилар, савдо вакиллари, савдо вакиллариининг ўринбосарлари, ҳарбийлар, ҳарбий-ҳаво ва арбий-денгиз атташелари ва уларнинг ёрдамчилари, атташеларнинг биринчи, иккинчи, ва учинчи котиблари ва дипломатик ваколатхоналарнинг архивчи-котиблари.

Иммунитет ҳуқуқи дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг оила аъзоларига ва дипломатия ходимларига мансуб шахсларнинг оила аъзоларига ҳам (агар улар мазкур шахслар билан бирга яшасалар ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмасалар) татбиқ этилиши мумкин.

Бундан ташқари, консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари (бош консуллар, консуллар, консулларнинг ўринбосарлари) ва бошқа консуллик лавозимидаги шахслар ҳам иммунитетга эга бўлишлари мумкин. Улар ўзларининг хизмат фаолиятига тааллуқли соҳаларда маъмурий юрисдикция иммунитетидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддаси 3-қисмига биноан қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин

6. Маъмурий жазо чоралари ва унинг мақсади

Маъмурий жазо – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат жавобгарлигининг чораси бўлиб, янги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий жазо – маъмурий мажбурловнинг бир кўриниши ҳисобланади. Маъмурий жазо маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларидан фарқли равишда, ўзига хос мақсадга эга бўлган жазо санкциялари бўлиб, процессуал тартибда қўлланилади. Маъмурий жазо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан, маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари эса, турли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Маъмурий жазо – турли ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, маъмурий, меҳнат, молия, фуқаролик, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал ҳуқуқ) нормаларини бузганлик учун қўлланилади. Уни қўллаш орқали шахсга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатилади, айбдорнинг ҳуқуқий мақоми вақтинча чекланади (масалан, маълум бир ҳуқуқлар чекланиши, қўшимча мажбуриятлар юкланиши мумкин), шунингдек, жазога тортилганлик ҳолатини вужудга келтиради. Бундан ташқари, маъмурий жазо содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан давлат томонидан расмий ва ошкора салбий баҳо бериш ҳисобланади.

Жазолаш – маъмурий жазонинг асосий мақсади эмас, балки ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, янги қонунга ҳилоф қилмишларнинг содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади. Маъмурий жазо, маълум бир маънода, жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ю.М.Козловнинг фикрича, маъмурий жазо чоралари - маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида қўлланилмайди. Агар, маъмурий ҳуқуқбузарлик орқали жисмоний ёки юридик шахсга моддий зарар етказилган бўлса, ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқувчи давлат органи маъмурий жазони тайинлаш билан бир вақтда, мулкий зарарни ундириш бўйича масалани ҳал этиши мумкин. Мулкий зарарни ундириш фуқаролик ишларини кўриб чиққиш тартибида амалга оширилади.¹

Б.В.Россинскийнинг кўрсатиб ўтишича, маъмурий жазо чораларини мазмунига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- а) ахлоқий-ҳуқуқий чоралар (масалан, огоҳлантириш);
- б) мулкий чоралар (масалан, маъмурий жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёхуд уни мусодара қилиш);
- с) шахсларнинг шахсий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган чоралар (масалан, маъмурий қамоқ, маъмурий тарзда чиқариб юбориш);
- д) ташкилий чоралар (масалан, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш).¹

Маъмурий жазо – у ёки бу шахс томонидан содир этилган қилмишга маънавий таъсир кўрсатишни (масалан, огоҳлантириш) ёки ҳуқуқбузарга моддий таъсир кўрсатишни (масалан, жарима) назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасига биноан маъмурий жазо - жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Кодекснинг 23-моддасига биноан эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

жарима;

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

маъмурий қамокқа олиш.

Жаримадан ташқари барча маъмурий жазо чоралари, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий жазо – асосий ва қўшимча жазо чораларига бўлинади. Асосий маъмурий жазо чоралари – бу маъмурий жазо чораларининг бошқа турларига қўшимча равишда тайинланиши мумкин бўлмаган жазо чораларидир. Масалан, жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва маъмурий қамок фақат асосий жазо чоралари сифатида қўлланилиши мумкин.

Қўшимча жазо чоралари эса, маъмурий жазонинг бошқа чораларига қўшимча равишда белгиланиши мумкин бўлган чоралар бўлиб ҳисобланади.

ЎзР МЖТКнинг 24-моддасига биноан ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида; бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин. Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

2. Маъмурий жарима

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 25-моддасига биноан жарима - маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жарима – мулкый хусусиятга эга бўлган жазо чораси бўлиб, айбдор шахсдан давлат ҳисобига ундириб олинadиган маълум бир пул суммасида ифодаланади.

Жарима – маъмурий жавобгарликнинг самарали чораларидан бири бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқувчи барча давлат органлари томонидан ўрнатилган процессуал тартибда қўлланилади.

Жарима – маъмурий жазонинг асосий жазо чораси ҳисобланади. У бошқа жазо чораларининг ўрнига қўлланилиши мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка биноан жарима билан бир вақтда қўшимча жазо чораси (масалан, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб кўйиш) қўлланилиши мумкин.

Жарима Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Махсус қисмида назарда тутилган деярли барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилиши мумкин.

Жарима тарзидаги маъмурий жазо чораси ҳуқуқбузарнинг онгига таъсир кўрсатиб, унинг мулкӣ манфаатларига зарар етказишда ифодаланади.

Жариманинг асосий кўрсаткичи – бу унинг миқдоридадир. Жарима миқдорини аниқ бир суммада кўрсатиб ўтиш мумкин эмас. Бунга сабаб, биринчи навбатда пул қадрсизланиши, миллий валутанинг беқарорлигидир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида жарима миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Жумладан, ЎЗР МЖтКнинг 25-модда 2-қисмига биноан жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса, бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб кўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга ёки мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жарималар мавжуд бўлиб, улар миқдорларига қараб фарқланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан кам бўлмаслиги, энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга - энг кам иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Мансабдор шахсларга эса жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг - ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги, энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаслиги керак.

Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга – юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг муайян турлари учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар санксияларида жариманинг миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг даражасидан келиб чиқиб аниқлаштирилади. Бунда жарима миқдорлари маъмурий жазо чорасининг мазкур тури учун белгиланган энг кўп ва энг оз миқдордан ошиб кетмаслиги керак. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси Махсус қисмида назарда тутилган санксияларнинг аксариятида жариманинг энг кўп

миқдори, айрим санксияларда эса, энг кўп ва энг оз миқдори назарда тутилган.

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протец билдирилган тақдирда - шикоят ёки протец қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг муцақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасасига тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинadигин жарима бундан муцасно.

Ҳуқуқбузар жаримани белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки ципендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки ципендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Жарима Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкдан ундириб олиниши мумкин эмас.

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ундириб олиниши мумкин. Масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги органининг мансабдор шахси йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчига нисбатан ўша жойнинг ўзида жарима тариқасидаги маъмурий жазони қўллаши мумкин.

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ундириб олинган тақдирда ҳуқуқбузарга қатъий молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланган белгиланган нусхадаги квитансия берилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ жарима тўла-тўқис ундириб олингач, унинг ижро этилганлиги ҳақида белги қўйилиб, шу қарорни чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки судга қайтарилади.

3. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш

қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш - шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Ўқотар қурооллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар соҳасида ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у бевосита маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли бўлган ёки шундай нарса бўлган ашёга қаратилиши мумкин.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – мулкый хусусиятга эга бўлган жазо чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 53-моддаси иккинчи қисмида мулкдорнинг фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Мулкдан маҳрум этиш деганда – мулкчилик ҳуқуқининг мажбурий тартибда бекор қилиниши тушунилади. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш жазоси ҳам айнан мулкчилик ҳуқуқини бекор қилишга олиб келувчи асослардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ушбу жазо чораси фақатгина суд томонидан тайинланиши мумкин.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш - ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси сифатида намоён бўлиши мумкин. У асосий жазо сифатида фақатгина ЎЗР МЖТКнинг 220-моддаси 1-қисмида қурол сақлашга ички ишлар органларидан рухсати бўлган фуқароларнинг ўқотар қурооллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузганлик учун қўлланилади. Қўшимча жазо чораси сифатида эса, ЎЗР МЖТКнинг 142-моддаси 2-қисмида юк сақлаш камерасига портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли ва бадбўй моддалар ва ашёларни топширганлик учун ёки 222-моддасида назарда тутилган овчилик жамиятидан чиққанликлари муносабати билан ички ишлар органлари ўқотар ов қурооллари ва ўқ-дориларни сақлаш учун берган рухсатини бекор қилган фуқароларнинг бундай қурооллар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлагани учун қўлланилади.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – мазмуни жиҳатидан ўзаро боғланган ҳаракатларни амалга оширишдан иборатдир:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсдан маъмурий ҳуқуқбузарлик қуролини ёки шундай нарса бўлган ашёни олиб қўйиш;

иккинчидан, белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик қуролини ёки шундай нарса бўлган ашёни сотиш;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик қуролини ёки шундай нарса бўлган ашёни сотишдан тушган пулдан тегишли харажатларни чегириб ташлаган ҳолда, ашёнинг собиқ эгасига топшириш.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиладиган ашёлар жумласига, масалан, ЎЗР МЖТКнинг 142-моддасига биноан ёнувчан, заҳарловчи, тез алангаланувчи, портловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёлар ёки 222-моддасига биноан ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дорилар киради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 336-моддасига биноан ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарор асосида олиб қўйилган нарсаларни сотиш учун воситачи дўконга ёки олиб қўйилган мол-мулк турган жойдаги шундай мақсад учун махсус белгилаб қўйилган дўконга топширилади.

Ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

4. Мусодара қилиш

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 27-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш - шу ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат.

Мусодара қилиш чораси:

а) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан;
б) божхона органлари томонидан - аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан муцасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда;

с) солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валутага оид жинойтларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан - аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар сақланганда, реализатсия қилинганда, шунингдек, яширин равишда ишлаб чиқарилганда қўлланилади.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 337-339-моддаларига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти суд ижрочилари ҳудудий бўлимлари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочиси томонидан ижро этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган мусодара қилинган нарсани сотиш ва йўқ қилиб ташлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ашёни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганлиги қайд қилинган ҳолда қуйидагиларга қайтарилади:

уни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судяга;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, транспортировка (халқаро транзит бундан муқассно) қилинаётган ва сақланаётган аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган божхона органининг мансабдор шахсига;

сақланаётган, реализатсия қилинаётган, яширин равишда ишлаб чиқилаётган аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган солиқ органининг мансабдор шахсига.

5. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 28-моддасига биноан муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати - кунлар, ойлар, йиллар билан ҳисобланади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳамда ов қилиш – шахсда махсус ҳуқуқнинг мавжуд бўлишини талаб этади. Жумладан, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини олиш учун, белгиланган тартибда малакавий имтиҳонни топшириш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш лозим.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш – бундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний шахсга нисбатан қўлланилиб, маълум бир муддатда тегишли фаолият билан шуғулланиш мумкин эмаслигини белгилаб беради.

ЎЗР МЖТКнинг 125-моддасига биноан транспорт воситаларига – барча турдаги автомобиллар ва тракторлар, бошқа хил ўзиюрар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, шунингдек, мототсикллар ва бошқа механик транспорт воситалари киради.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш – мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш тартибининг бир неча маротаба ёки қўпол бузилиши учун қўлланилади. Масалан, ЎЗР МЖТКга биноан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш қуйидагилар учун қўлланилади:

механизаторлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузиш (112-модда);

кичик ҳажмли кемалар ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузиш (119-модда 2-қисми);

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя қилмаслиги (128-модда 4-қисми);

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши (129-модда 2-қисми);

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши (130-модда 2-қисми);

транспорт воситаларини мац ҳолда бошқариш (131-модда, 1,2,4-қисмлари);

кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмдаги кемаларни мац ҳолда бошқариши (132-модда);

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келса (133-модда);

ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши (134-модда);

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мацлиги ёки мац эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши (136-модда, 1,2-қисмлари);

йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиши (137-модда).

Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

Агар, транспорт воситаларини алкоголь ичимликдан, гиёҳвандлик воситаси таъсиридан мац бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда мац бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари (131-модда 1,2,4-қисмлари), шунингдек, ўзлари иштирокчи бўлган йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳолларида (137-модда) ногирон шахсларни ҳам транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш мумкин.

Махсус ҳуқуқнинг иккинчи кўриниши – бу ов қилиш ҳуқуқидир.

Шахсни ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш – ов қилиш қоидаларининг айрим бузилишлари учун, яъни ЎЗР МЖТКнинг 90-модда 2-қисми тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки услублар билан ов қилиш ва балиқ тутишга оид бошқа қоидаларни мунтазам равишда бузганлик учун қўлланилади.

Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш – шахснинг ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, фақатгина маъмурий ишлар бўйича судя томонидан қўлланилиши мумкин.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш – 15 кундан 3 йил муддатгача белгиланиши мумкин.

ЎзР МЖТКнинг 340-344-моддаларига биноан махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси:

а) транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор - ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан;

б) кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор - Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

с) ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор - ов қилиш қоидаларига риоя этилиши уцидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ҳайдовчилик гувоҳномасини, шунингдек, унинг талонини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Башарти ҳайдовчи ёки кема ҳайдовчиси транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг айрим турларини бошқариш ҳуқуқидангина маҳрум этилган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномасига ва унинг талонига транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг қайси турларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ёзиб қўйилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби эса - Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор овчилик билетини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс овчилик билетини топширишдан бўйин товлаган тақдирда ов қилиш қоидаларига риоя этилиши уцидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар овчилик билетини белгиланган тартибда олиб қўядилар.

Муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судя белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин.

Транспорт воситаларини ҳайдовчилар ва ов қилиш қоидаларини бузган шахслар махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб шундай ҳуқуқдан маҳрум этилган деб ҳисобланадилар.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўтгач, шунингдек, бу муддат белгиланган тартибда қисқартирилган тақдирда, шундай маъмурий жазо чорасига тортилган шахсга ундан олиб қўйилган ҳужжатлар белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасини топширишдан бош тортган тақдирда, бу ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати гувоҳнома олиб қўйилган кундан бошлаб, лекин қарор чиқарган орган белгилаган маҳрум этиш муддати тугашидан кечиктирмасдан ҳисобланади.

6. Маъмурий қамоққа олиш

Маъмурий қамоққа олиш – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қаттиқ маъмурий жазо чораси бўлиб, маълум бир муддатга шахсни жамиятдан ажратиб қўйишни назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 29-моддасига биноан маъмурий қамоққа олиш - уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун - ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш – айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади. Жумладан, ЎзР МЖТКга биноан маъмурий қамоқ қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади:

гиёхвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини қўзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-модда);

табiiй ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш (60-модда);

майда безорилик (183-модда);

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш (184-модда);

фуқароларининг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши (164-1-модда);

жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш (187-модда 2-қисми);

милитсия ходимининг қонуний талабларини бажармаслик (194-модда 2-қисми);

Милитсия ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилиқ кўрсатиш (195-модда);

йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш (201-модда);

ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг фаолиятида қатнашишга ундаш (202-1-модда);

фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш (204-модда);

фавқулдда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш (205-модда);

диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (240-модда);

диний таълимдан сабоқ бериш тартибин бузиш (241-модда);

Маъмурий қамоққа олиш чораси қуйидагиларга қўлланилиши мумкин эмас:

а) ҳомиладор аёлларга;

б) уч ёшгача боласи бўлган аёлларга;

с) ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахсларга;

д) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

е) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига.

ЎзР МЖТкнинг 345-346-моддаларига биноан маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин дарҳол ижро этилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар ички ишлар органлари белгилаб қўйган жойларда қамоқда сақланадилар. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида қамоққа олинганлар шахсий кўриқдан ўтказиладилар.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати маъмурий қамоқ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Маъмурий қамоқни ўташ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний ишларга жалб қилинади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи тўланмайди.

7. Маъмурий жазони тайинлаш

Маъмурий жазо – маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи санксияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган нормалари (ҳажми) кўрсатиб ўтилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқувчи давлат органи (мансабдор шахс):

биринчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санксиясида кўрсатиб ўтилган жазони тайинлаши мумкин;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санксиясида кўрсатиб ўтилган қўшимча жазони тайинлаши ёки тайинламаслиги мумкин;

учинчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санксиясида кўрсатиб ўтилган жазонинг куйи ва юқори ҳажмлари доирасидан келиб чиққан ҳолда қўллаши мумкин.

Ваколатли давлат органи (мансабдор шахс) жазони қўллаш чоғида, содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим.

ЎзР МЖТКнинг 31-моддасига биноан маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларга куйидагилар киради:

- 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири оцида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар вужудга келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жихатдан қарамлиги таъсири оцида содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Давлат органи (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда ва сабабини албатта кўрсатиб, ЎзР МЖТКнинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин.

ЎзР МЖТКнинг 32-моддасига биноан маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга куйидагилар киради:

- 1) ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;
- 2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;
- 3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;

б) ҳуқуқбузарликнинг маъмурий ҳолатда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқиладиган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санксия доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ЎзР МЖТКнинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санксия доирасида қўлланилади.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарликнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Ушбу муддатлар ашёларни божхона муносабатларини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкӣ зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўллаш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, маъмурий ишлар бўйича судя эса – бу масалани етказилган зарар миқдоридан катъи назар ҳал қилаверади.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқӣ тартибида ҳал қилинади.

Маъмурий жазони қўллаш – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан зарурий мудофаа, охириги зарурат ва ақли норасолик ҳолатида содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди ва маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жумладан, ЎзР МЖТКнинг 18-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

ЎзР МЖТКнинг 19-моддасига биноан, норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охириги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

ЎзР МЖТКнинг 20-моддасига биноан, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ақли норасолик шахснинг ғайриҳуқуқий ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни содир этиш вақтидаги шундай руҳий ҳолати, у мазкур қилмиш учун жавобгарликни қўллаш имкониятини йўққа чиқаради.

Ақли норасоликнинг мезонлари қонунчиликда аниқ санаб ўтилган бўлиб, унга қуйидагилар киради:

а) сурункали руҳий касаллик – даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий касаллик ҳисобланади. Масалан, шизофрения, эпилепсия – сурункали руҳий касалликлардир;

б) руҳий фаолияти вақтинчалик бузилганлиги сурункали руҳий касалликдан фарқли равишда, нисбатан тез ўтиб кетадиган ва тузалиш билан тугалланадиган руҳий касалликдир. Бунга оғир руҳий ларзалар натижасида келиб чиқадиган реактив ҳолатлар, патологик мацлик ва бошқалар киради;

с) ақли заифлик – руҳиятнинг муҳим камчиликларидан бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва уларни содир этишнинг эҳтимол тутилган оқибатларига баҳо беришга тўсқинлик қилади. Ақли заифлик инсон туғилган

пайтдан бўлиши ёки болалигидан пайдо бўлиши ёхуд авж олиб боровчи қандайдир руҳий касалликнинг натижаси бўлиши мумкин. Ақли заифлик – идиотия – ақлий жиҳатдан ривожланмаганликнинг энг чуқур даражаси, имбетсиаллик – ақлий заифликнинг ўртача даражаси ва дебиллик – ақлий заифликнинг енгил даражаси шаклида ифодаланиши мумкин;

д) бошқа касалликлар – руҳий бузилишнинг оғир шакли билан боғлиқ бўлган турли касалликлар, психопатиянинг айрим шакллари, юқумли касалликлар билан боғлиқ бўлган руҳий ҳацаликлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тиббий кўриқдан ўтиши ҳамда юқорида санаб ўтилган касалликларнинг мавжудлиги ҳақида руҳий шифокорнинг хулосаси бўлиши лозим.

Агар, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсда руҳий касаллик мавжудлиги ҳақида маълумот бўлса, ишни кўриб чиқувчи орган экспертиза тайинлаши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ақли норасо эканлиги аниқланганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш бошланиши мумкин эмас, бошланган иш эса тўхтатилиши керак.

Назорат учун саволлар

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари.

Маъмурий жавобгарлик тушунчаси.

Маъмурий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги.

Ҳарбий хизматчилар ва интизом уцавлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги.

Маъмурий жазо тушунчаси ва мақсади.

Маъмурий жазо чоралари.

Асосий маъмурий жазо.

Қўшимча маъмурий жазо.

Маъмурий жарима.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш.

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш.

Маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий жазони тайинлаш.

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар.

Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Зарурий мудофаа. Охирги зарурат. Ақли норасолик.

8 МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ЖАРАЁН

2-СОАТ.

РЕЖА:

1. Маъмурий жараён тушунчаси ва унинг хусусиятлари
2. Маъмурий жараённинг умумий босқичлари
3. Маъмурий-процессуал нормалар ва муносабатлар
4. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ
5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома
6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар
7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш
8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш
9. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш

Умумий қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, жараён – бу қандайдир ҳолатларнинг, ҳодисаларнинг кетма-кетликда алмашинуви, ниманингдир ривожланиши бўлиб, кимёвий, биологик ва ижтимоий кўринишларга эга бўлади. Барча жараёнлар ичида ижтимоий жараён алоҳида аҳамиятга эгадир. Ижтимоий жараён – ишлаб чиқариш, ижодий, юридик (ҳуқуқий) ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ижтимоий жараённинг бошқарув, ташкилий ва цихияли (масалан, мигратсия; бозор) кўринишлари ҳам мавжуддир.

Ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий ишларида ҳуқуқий фаолиятнинг бир неча турларини фарқлашади, масалан, ҳуқуқий жараён, шартномавий фаолият, иш юритиш.

Й.Е.Г.Лукиянова ўзининг монографиясида, ҳуқуқий жараён ва у билан боғлиқ бўлган процессуал ҳуқуқ тушунчасига бир неча ёндошувларни кўрсатиб ўтади. Жумладан, унинг фикрича:

1) ҳуқуқий жараён – бу одилсудлов органларининг юрисдикциявий ва бошқа муҳофаза этувчи фаолиятидир; процессуал ҳуқуқ – одилсудловни амалга ошириш жараёнида уларнинг фаолияти бўйича ёки одилсудловни амалга оширишга тайёрлаш фаолияти бўйича вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат;

2) ҳуқуқий жараён – ваколатли давлат органлари ва бошқа субъектларнинг юрисдикциявий ва бошқа муҳофаза этувчи фаолиятидир. Процессуал ҳуқуқ деганда эса, ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал этиш ва ҳуқуқий мажбурловни қўллашга қаратилган фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади;

3) ҳуқуқий жараён – ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятидир; процессуал ҳуқуқ – ҳуқуқ ижодкорлиги ва моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни (“ташкилий” ижтимоий муносабатларни) тартибга солади;

4) ҳуқуқий жараён – моддий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш шаклидан қатъи назар, бажариш жараёнидир. Процессуал ҳуқуқ – моддий ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш бўйича “инцрусия” (кўрсатма) ҳисобланади;

5) ҳуқуқий жараён – давлат органларининг барча ҳуқуқий фаолиятидир (ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, таъсис этиш, контрол, фармойиш бериш). Процессуал ҳуқуқ эса, бу фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ҳисобланади.¹

В.Д.Сорокиннинг фикрича, жараён – ҳуқуқий категория бўлиб, куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

биринчидан, жараён – бу давлат ҳокимият фаолиятининг ифодаланишидир. Бошқача айтганда, жараён – бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонунчиликда кўрсатилган ҳуқуқий шаклга эга бўлади;

иккинчидан, жараённинг ҳар қандай тури – бу динамик (ҳаракатчан) тушунча бўлиб, тегишли давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг мураккаблигини кўрсатади;

учинчидан, жараённинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу ҳар қандай ҳокимият фаолияти эмас, балки мазмуни, мақсади ва ундан келиб чиқадиган оқибатларига кўра ҳуқуқий ҳисобланади;

тўртинчидан, жараён ҳуқуқий фаолият сифатида, маълум бир тартибга солинганликни талаб этади. Тартибга солиш - турли давлат органлари процессуал фаолиятининг асосий томонларини қамраб олади ва ҳуқуқ тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган процессуал нормалар орқали амалга оширилади;

бешинчидан, жараённинг фуқаролик, жиноят ва маъмурий тартибга солишнинг ҳуқуқий услуби билан боғлиқлиги.¹

Жараённи фақатгина ҳуқуқий фаолият деб кўрсатувчи олимлар, бошқа барча ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган фаолиятни – иш юритиш сифатида тушунтириб ўтишади. Жумладан, Н.Ю.Шведованинг фикрича, иш юритиш – хатти-ҳаракатларнинг расмий белгиланган тартиби, ниманидир бажариш, муҳокама қилишдир.¹

Ушбу тушунча ҳуқуқий жараён тушунчасига қараганда кенгроқ бўлиб, ҳуқуқий ишлар билан бир вақтда, ноҳуқуқий ишлар¹ни ҳам юритишда намоён бўлади, шунингдек, у бир марта амалга оширишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Ҳуқуқий жараён, давлатнинг бошқа ҳуқуқий фаолияти сингари, ҳуқуқий иш юритишнинг бир қисми ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини маълум бир тартибда жараёнлаштириш давлат томонидан процессуал нормаларни ўрнатиш орқали амалга оширилади.

Процессуал қонунчилик (нормалар)нинг мавжуд бўлиши – ҳуқуқий жараённинг асосий белгиси ҳисобланади. Давлат ҳокимияти фаолияти тўғри ва тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинган, маълум бир тартибда жараёнлаштирилган бўлиши керак.

Ҳуқуқий жараённинг кенг тарқалган кўриниши – бу маъмурий жараёндир. Юридик адабиётларда, маъмурий жараён, ижро ҳокимияти органларининг маъмурий процессуал шаклда амалга ошириладиган ва аниқ бир ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган - ҳокимият фаолияти сифатида кўрсатиб ўтилади. Бу биринчи навбатда, маъмурий жараённинг маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинганлигига асосланади.

Маъмурий жараён ҳуқуқий жараённинг барча умумий хусусиятларига эга. Лекин шу билан бирга унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир:

биринчидан, маъмурий жараён – ижро органларининг мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳокимият фаолиятидир;

иккинчидан, ижро органларининг ҳокимият фаолияти қонун ҳужжатларига асосланиб, уларга тегишли бўлган аниқ масалаларни ҳал этишга қаратилган;

учинчидан, маъмурий жараён натижаси бўлиб, маъмурий-ҳуқуқий актнинг қабул қилиниши ҳисобланади;

тўртинчидан, ижро органларининг ҳокимият ваколатлари маъмурий ҳуқуқ, хусусан унинг процессуал нормалари билан тартибга солинади;

бешинчидан, маъмурий жараён, қоида бўйича, соддалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Бундан ташқари, маъмурий жараённинг ўзига хос хусусиятларига – маълум бир ишларнинг ёзма ёки оғзаки тартибда олиб борилишини, сиртдан кўриб чиқилишини ҳам киритиш мумкин.

Демак, маъмурий жараён – маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий актларни қабул қилиш ва ижро этиш орқали маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган ижро органларининг ҳокимият фаолиятидир

2. Маъмурий жараённинг умумий босқичлари

Маъмурий жараён – узлуксиз амалга ошириладиган фаолият бўлиб, турли хилдаги зиддиятларга қарамасдан, маълум бир ҳаракатчанлик хусусиятига эга. Маъмурий жараён – маълум бир босқичларнинг кетма-кетлигига, уларнинг такрорланиб туришига асосланади.

Ҳуқуқ субъекти, ўз олдида турган мақадга эришиш учун, белгиланган кетма-кетликда маълум бир ҳаракатларни амалга оширади.

Ҳар қандай жараён сингари, маъмурий жараёнга ҳам, босқичлилиқ хусусияти хосдир. Босқичлар биридан кейин иккинчисининг келишини, олдинги босқичнинг кейинги босқични тайёрлашини назарада тутади. Одатда, янги босқич ундан олдинги босқичнинг тугаганидан сўнг, вужудга келади.

Босқич – бу умумий мақсадга эришиш учун зарур бўлган маъмурий фаолиятнинг муцақил қисмидир. Ҳар бир босқич – ўзига хос мақсадга эга бўлиб, процессуал ҳаракатларнинг умумий мақсадига эришиш йўлида хизмат қилади. Ҳар бир босқич ўзига хос бўлган:

субъектлар доирасига;

ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланишга;

тайёрланадиган ҳужжатларга;

қабул қилинадиган қарорларга;

содир этиладиган турли ҳаракатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Кўпгина маъмурий жараёнларда, ҳокимият ваколатларидан объектив, мақсадга мувофиқ ва қонуний фойдаланилишини таъминлаш учун турли субъектларнинг иштирок этиши белгиланади. Масалан, бу юрисдикциявий фаолиятда яққол намоён бўлади: биринчи субъект баённома тузади, иккинчиси қарор қабул қилади, учинчиси қарор юзасидан берилган шикоятни кўриб чиқади ва ҳ.к.лар.

Маъмурий жараёни умумий ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, унинг камида уч босқичдан иборат эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин:

биринчидан, маълум бир ҳолатни баҳолаш;

иккинчидан, маъмурий актни тайёрлаш ва қабул қилиш;

учинчидан, ҳуқуқий актни ижро этиш.

Маъмурий жараён босқичларини янада аниқлаштириш ҳам мумкин. Масалан, давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ўз фаолиятларини қуйидаги босқичларда:

вужудга келган ёки ҳал қилиниши лозим бўлган муаммони аниқлаш;

мазкур муаммони ҳал этишнинг режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

уни атрофлича ўрганиш ва объектив баҳо бериш;

асослантирилган қарорларни қабул қилиш;

қарорни ижро этиш ёки ижросини ташкил этиш ва таъминлаш;

қарор ижроси учидан назоратни амалга ошириш;

қарор ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни талаб қилиш босқичларида амалга оширадilar.1

Биринчи босқич – турлича номланган бўлиши мумкин (масалан, хизмат текшируви, рўйхатга олиш, берилган шикоятларни текшириш ва ҳ.к.лар), лекин барча ҳолатларда ҳам бу босқич – зарур бўлган ахборотларни тўплаш, уларни расмийлаштириш ва баҳолашдан иборат бўлади. Маъмурий фаолиятнинг бундай бошланғич ҳаракатларисиз, бирон бир қарорни қабул қилиб бўлмайди.

Жараённинг биринчи босқичи – маълум бир қарорларни (масалан, тасдиқлаш, рағбатлантириш, жазо қўллаш) қабул қилишда зарур бўлган ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб ҳисобланади. Бунда – ҳуқуқий ташаббус, маълум бир ҳолатларга баҳо бериш ва унга ҳуқуқий таъсир этиш воситалари, қарор лойиҳасини тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар содир этилади.

Биринчи босқичда – маълум бир ишларнинг ҳолати, муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари аниқланади. Қарор лойиҳасини тайёрлаш вақтида муаммони ҳал этишнинг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш воситаси танланади, расмийлаштирилади, келишиб олинади ва муҳокама қилинади.

Иккинчи босқич – қарор қабул қилиш бўлиб ҳисобланади. Коллегиал органларда қарор муҳокама қилинади ва овозга қўйилади. Айрим ҳолларда, қарор – иш жараёни тартибда, сўров ўтказиш орқали қабул қилинади. Аксарият қарорлар эса, яқка тартибда қабул қилинади. Бу босқичнинг асосий хусусияти шундаки, тайёрланган қарор лойиҳаси ўрганиб чиқилади ва имзоланган орқали қабул қилинади. Бундан ташқари, қарор лойиҳасини ўрганиш жараёнида унга ўзгартириш киритилиши мумкин ёки бекор қилиниши мумкин.

Қарор қабул қилиш – бу ниманидир келажакни, қандайдир ҳаракатни содир этишни белгилашдир. Қарорда унинг кўрсатмаларини аниқ белгилаб ўтиш катта аҳамиятга эгадир.

Иккинчи босқич қарорни расмийлаштириш орқали тугалланади.

Учинчи босқич – ижро этиш – қарорни ижрочига, манфаатдор шахсларга етказишдан бошланади. Бу – шахсан таништириш (оғзаки, жўнатиш, нусхасини топшириш ва ҳ.к.лар) орқали амалга оширилади. Агар, қарор адресатлари доираси кенг бўлса, қарор бир неча нусхаларда кўпайтирилиши ва юборилиши ёки оммавий ахборот воситаларида, махсус тўпламларда эълон қилиниши мумкин.

Ижро этиш – энг мураккаб босқичлардан бири. Айнан унда, раҳбарнинг ишчанлик, ташкил этиш, бошқариш, жамоанинг келишув асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш, ишни охиригача етказиш каби ҳислатлари намоён бўлади.

3.Маъмурий-процессуал нормалар ва муносабатлар

Юридик адабиётларда, маъмурий-процессуал ҳуқуқ бўйича турлича ёндошувчлар мавжуд. Масалан, баъзи ҳуқуқшунос олимлар, маъмурий-процессуал ҳуқуқни – ҳуқуқ тизимининг муцақил тармоғига киритади.¹ Бошқалари эса, маъмурий-процессуал ҳуқуқ – бу маъмурий ҳуқуқнинг ички соҳаси ҳисобланади, деб кўрсатади.

Д.Н.Бахрахнинг фикрича эса, маъмурий-процессуал ҳуқуқ – маъмурий ҳуқуқ таркибида бўлган ва ҳокимият фаолиятини тартибга солувчи кенг доирадаги нормалардан иборат бўлиб, ягона тизимга келтирилмагандир.¹

В.Д.Сорокин маъмурий-процессуал ҳуқуқ муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бориб, уни ўзининг предмети, тизими ва тартибга солиш услубига эга бўлган ҳуқуқ тизимининг муцақил тармоғи сифатида кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, маъмурий-процессуал нормалар – бу ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган, ижро ҳокимияти органларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида яқка тартибдаги ишларни ҳал этиш бўйича вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи умумий қоидалардир.¹

Маъмурий иш юритиш фаолиятининг турли кўринишларга (ҳуқуқ ижодкорлиги, рағбатлантириш, руҳсат бериш, юрисдикциявий ва ҳ.к.лар) эга бўлганлиги сабабли, процессуал нормалар аксарият ҳолларда, маъмурий ҳуқуқнинг бошқа инцитутлари процессуал нормалари билан эмас, балки тегишли инцитутларнинг моддий нормалари билан боғлиқдир. Жараёнлаштиришни кенг доирда амалга ошириш билан эса, процессуал нормаларни янада яқинлаштириш, унификатсия қилиш ва ягона тизимга келтириш мумкин бўлади.

Д.Н.Бахрах кўрсатиб ўтишича, маъмурий процессуал қонунчиликни алоҳида тармоққа ажратиш, амалиётда фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтириши мумкин. Чунки, бундай ажратиш бир бутун нормаларни икки бўлакка, яъни моддий ва процессуал нормаларнинг алоҳидалашувига олиб келади.¹

Ҳозирги вақтда маъмурий-процессуал ҳуқуқ – маъмурий ҳуқуқнинг маълум бир инцитутлари доирасида тизимлаштирилган кенг доирадаги процессуал нормалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

Собиқ иттифоқ давридаги юридик адабиётларда, маъмурий-процессуал нормалар ва унинг таснифи бўйича турли фикрлар билдирилган. Жумладан, XX асрнинг 50-йилларида С.С.Студеникин томонидан маъмурий-процессуал нормаларнинг икки гуруҳга бўлиниши кўрсатиб ўтилган:

а) бошқарув органлари томонидан у ёки бу масалани ҳал этиш тартибини белгилаб берувчи нормалар;

б) суд органлари томонидан ижро-фармойиш бериш фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал этиш тартибини белгилаб берувчи нормалар.

Лекин бундай тасниф тўлиқ бўлмай, уни янада аниқлаштириш талаб этилади. Чунки бу таснифда маъмурий-процессуал нормалар, фақатгина предмет нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда бўлинган.

70-йилларда эса, Н.Г.Салишева маъмурий-процессуал нормаларга қуйидагиларни киритади:

1) маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ишларни ҳал этишнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ёки муцаҳкамловчи нормалар;

2) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ҳуқуқларининг кафолатларини белгилаб берувчи нормалар;

3) ижро ва фармойиш бериш органлари процессуал ҳаракатларини расмийлаштиришга қаратилган ҳужжатларни тайёрлашни белгилаб берувчи нормалар;

4) ишни олиб боришнинг процессуал тартибини, шунингдек, қарорларни қабул қилиш тартибини белгилаб берувчи нормалар;

5) қабул қилинган қарор уцидан тегишли бошқарув органи ёки судга шикоят қилиш тартибини белгилаб берувчи нормалар.

Бу даврда, Б.Б.Хангелдиев маъмурий-процессуал нормаларнинг уч гуруҳини ажратади:

а) юридик табиатига кўра жиноят процессуал нормаларига яқин бўлган қоидалар;

б) фуқаролик жараёнига яқин бўлган қоидалар;

с) бошқа барча нормалар, яъни ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш жараёнининг тартибини белгилаб берувчи нормалар. 1

Д.Н.Бахрахнинг фикрича, маъмурий-процессуал ҳуқуқ нормаларини мазмунига қараб бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

а) маъмурий ҳуқуқ ижодкорлигини таъминловчи нормалар;

б) оператив-фармойиш бериш, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини таъминловчи нормалар;

с) маъмурий юрисдикциявий фаолиятни таъминловчи нормалар;

д) маъмурий жараённинг бирон бир гуруҳига кирмайдиган нормалар.

Охирги гуруҳ нормаларининг мазмуни шундан иборатки, фаолиятнинг маълум бир томонларини процессуал нормалар билан тартибга солиш, унинг процессуал шаклга эга эканлигини аниқлаш ҳамда бу фаолият - процессуал фаолият деб аталиши мумкин эмас. 1

Демак, маъмурий-процессуал нормалар – бу ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган, ижро ҳокимияти органларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида яқин тартибдаги ва аниқ ишларни ҳал этиш бўйича вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ-атвор қоидаларидир.

Маъмурий-процессуал муносабатлар – жамиятда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган аниқ субъектлар ўртасидаги юридик алоқаларни аниқлатади.

Маъмурий-процессуал муносабатлар – унда иштирок этувчи субъектларнинг белгиланган ҳуқуқ-атворда бўлишини назарда тутаяди.

Маъмурий-процессуал муносабатлар – ҳамма вақт маъмурий-процессуал нормалар асосида вужудга келади. Албатта, ҳуқуқий норманинг мавжуд бўлиши, ҳуқуқий муносабатни вужудга келишига етарли эмас. Ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши учун ҳуқуқ субъекти (ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати) ва юридик фактларнинг (ҳаракат, ҳаракатсизлик, ҳодиса) мавжуд бўлиши ҳам талаб қилинади.

Маъмурий-процессуал муносабатларни амалга ошириш барча ҳуқуқий муносабатлар сингари, давлатнинг таъсир чоралари билан таъминланади.

Улар турли-туман бўлиб, фақатгина мажбурлов чоралари билан чегараланмайди. Ижро ҳокимияти органлари фаолиятида вужудга келадиган аксарият маъмурий-процессуал муносабатларни амалга оширишда давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш зарурияти мавжуд эмас.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маъмурий-процессуал муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ҳуқуқий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида ифодалашга имкон беради. Лекин бу хусусиятлар маъмурий-процессуал муносабатларнинг мазмунини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Шу сабабли, асосий эътиборни, унинг алоҳида хусусиятларининг қисқача тавсифига қаратиш лозим. Жумладан:

биринчидан, маъмурий-процессуал муносабатлар – давлат бошқаруви соҳасида ижро ҳокимияти органларининг ваколатларини амалга ошириш жараёнида вужудга келади ҳамда моддий нормалар сингари, аниқ ифодаланган бошқарув хусусиятига эгадир;

иккинчидан, бу муносабатлар – процессуал ҳуқуқий муносабатлардир. Агар, маъмурий-процессуал муносабатларнинг биринчи хусусияти уларни моддий нормаларга яқинлаштиради, иккинчи хусусияти бу иккала норма ўртасидаги аниқ чегарани белгилаб беради.

Демак, маъмурий процессуал муносабатлар – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган, ижро ҳокимияти органларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида яқин тартибдаги ва аниқ ишларни ҳал этиш бўйича вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлардир.

Маъмурий-процессуал муносабатлар бир неча асосларга қараб турли гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Маъмурий-процессуал муносабатлар - аниқ субъектлар ва бошқа маъмурий жараён иштирокчилари ўртасида ҳуқуқий алоқаларнинг вужудга келишида ифодаланади.

4. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 269-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- 1) ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқиш;
- 2) бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этиш;
- 3) чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш;
- 4) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш;
- 5) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- 6) фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;
- 7) қонунийликни муцаҳкамлаш.

Ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўла аниқлаб чиқиш шуни аниқлашдики, ҳуқуқбузарлик ишини тўғри кўриб чиқиш учун, зарур бўлган барча ҳолатларни аниқлаш лозим. Бундай ҳолатларга куйидагиларни киритиш мумкин:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда шахснинг айбдорлик даражасини аниқлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жавобгарликни вужудга келтиришини аниқлаш;

мулкӣ зарар келтирилганлигини аниқлаш;

маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш;

ҳуқуқбузар тўғрисидаги, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотларни аниқлаш;

ишни тўхтатишга олиб келадиган ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш ва бошқалар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ҳар бир ҳолатни ўз вақтида аниқлаш – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя этишни назарда тутди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш мазмуни нафақат ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўла аниқлаб олишни, балки унинг обективлигини ҳам талаб қилади. Бу тоифадаги ишларни кўриб чиқишнинг асосий принципларидан бири – бу обективликдир. Ушбу принципдан келиб чиққан ҳолда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар барча ҳолатларни аниқлашлари шарт. Обективлик ишга нисбатан адолатсизлик, тахминларга асосланган ҳолда жавобгарликка тортилаётган шахснинг манфаатини кўзлаб гувоҳлик берадиган ҳолатларни менсимасликни ицисно этади. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритишнинг обективлиги – ушбу жараён иштирокчиларига, уларнинг шикоятлари ва бошқа муурожаатларига нисбатан ҳурмат билан қарашни назарда тутди.

Амалиётда ушбу принципни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан бир қанча қафолатлар ўрнатилган (масалан, ҳуқуқбузарлик ишлари қайта кўриб чиқилиши мумкин) маълум бир ҳолатларда ишни кўриб чиқувчи давлат органи (мансабдор шахс) – ҳужжатларни талаб қилиб олиши, экспертиза ўтказиши, ишни обектив ҳал қилиш учун текширувлар ўтказиши ва бошқа чораларни кўриши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ишларини қонун ҳужжатларига биноан ҳал этиш – маъмурий фаолиятда қонунийликни таъминлашнинг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади. Мазкур қонуннинг моҳияти – Ўзбекистон Республикаси Қонцитутсиясининг 15-моддасидан келиб чиқади, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс, фақатгина қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган асосларда ва тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича чиқарилган қарорларни ижро этиш ҳам – иш юритишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қарорларни ижро этмаганлик ёки тўлиқ ижро этамаганлик, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг самарасини пасайтиради, қонунийлик принципига путур етказди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритишда – маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабабларини ва шарт-шароитларини аниқлаш, унинг огоҳлантириш ва бартараф этиш функцияси ҳисобланади. Маъмурий-юрисдикциявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар нафақат ҳуқуқбузарлик сабабларини аниқлашлари, балки ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини ҳам кўришлари лозим. ЎЗР МЖТКнинг 313-моддасига биноан, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда, бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш – Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни, шунингдек, қонунийликни муцаҳкамлашни назарда тутади.

ЎЗР МЖТКнинг 270-моддасига биноан, қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охириги зарурат ҳолатида қилган бўлса;
- 5) амниция акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўллашни бекор қилса;
- 6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб қонунда назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;
- 8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўллаш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек, мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш - барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш - ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иштирокчилар таржимон орқали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек, ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи билан таъминланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш - очиқ кўрилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида, бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси уйдан прокурор назорати амалга оширилади. Прокурор назоратни олиб бориш жараёнида:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатишга;

иш материаллари билан танишиб чиқишга;

иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга;

ишни кўриб чиқишда қатнашишга;

ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишга, хулосалар беришга;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўллаганлигини текширишга;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест келтиришга;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига биноан, прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш – барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Далиллар. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар – ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини;

иккинчидан, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини;

учинчидан, ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Бу маълумотлар қуйидаги воситалар билан белгиланади:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома,

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари;

жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмалари;

эксперт хулосаси;

ашёвий далиллар;

ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома;

бошқа материаллар.

Орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва обектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Қилмишнинг содир этилиши фактига тегишли ҳар бир алоҳида олинган далил ҳамда ҳосил қилинган барча аниқ маълумотларга баҳо берилиши шартдир.

Башарти ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, материалларни прокурорга топширади.

ЎЗР МЖТКнинг 285-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 242-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси, хўжалик судлари;

2) шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;

3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари;

4) ички ишлар (милитсия) органлари (мансабдор шахслари), давлат инспексияси органлари (мансабдор шахслари) ва ушбу Кодекс билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқадилар.

Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ўз ваколатларига кирадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркиби аъзоларининг камида ярми бўлганида кўриб чиқишга ҳамда Кодексида кўзда тутилган маъмурий жазоларни ўз ваколатлари доирасида қўллашга ва оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган мансабдор шахслар Кодексида назарда тутилган маъмурий жазо чораларини ўз ваколатлари доирасида ва фақат хизмат бурчини бажариб турган чоғдагина қўллашлари мумкин.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 280-моддасига биноан, бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса - баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир

суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

Башарти фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик тўғрисидаги ишлар юзасидан эса бир қисмидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳолларда баённома тузилмайди. Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитансия берилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузар милитсия ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс томонидан милитсияга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилиши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан милитсияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш уцидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, милитсия ходимлари шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни милитсияга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Ҳуқуқбузар табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг кўриқланадиган объектларига, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милитсияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борица қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда - маъмурий жавобгарликки тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат, гувоҳ, эксперт, таржимон ва бошқалар иштирок этади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс - иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор уцидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлагани тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона органи томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаердалигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказилган шахс – жабрланувчи деб топилади. Жабрланувчи ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатувлар беришга, далиллар келтиришга, илтимослар қилишга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор уцидан шикоят беришга ҳақлидир.

Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд рухий касалликлари сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган - маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини

улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар. Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга ва манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор уцидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин. Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор уцидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин. Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

Эксперт - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус тушунчага эга бўлиш зарурати туғилган ҳолларда тайинланади. Эксперт ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғи бўйича келиши ва ўз олдида қўйилган саволлар юзасидан ҳолис хулосалар бериши шарт. Эксперт экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиб чиқишга, хулоса бериш учун илтимослар қилишга, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) рухсати билан экспертиза предметига оид бўлган саволларни беришга, ишни кўриб чиқиш вақтида қатнашишга ҳақлидир.

Таржимон - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади. Таржимон мазкур органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажариши шарт.

ЎзР МЖТКнинг 301-моддасига биноан жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан уларнинг қилган харажатлари белгиланган тартибда қопланади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар сифатида чақирилган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан улар ишда бўлмаган вақтда ўз иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланади.

Эксперт ва таржимон хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллардан ташқари, ўзининг вазифаларини бажарганлиги учун мукофотланиш ҳуқуқига эгадир.

Маъмурий жавобгарликка қонунга ҳилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахсинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Зарарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирдагина вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириб бериши ва маъмурий жавобгарликка қонунга ҳилоф равишда тортилганлиги натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш учун қонунда назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш – ишни кўриб чиқишга тайёрлашдан бошланади. Ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Аксарият ҳолатларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг ицқомат жойида кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини,

маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг ҳулосаси ўқиб эшиттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-етилмаганлигини;
ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни;
мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини;
унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини;
жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини;

мулкӣ зарар етказилган-етказилмаганлигини;
ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

- 1) мажлис бўлган сана ва жой;
- 2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;
- 3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;
- 4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- 5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;
- 6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;
- 7) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор уцидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги белгиланган талабларга мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс эттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи;
иш кўриб чиқилган сана;

иши кўриб чиқиладиган шахс хусусидаги маълумотлар;
ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни;
мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи
норматив ҳужжат;

иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик учун органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида айбдордан етказилган мулкӣ зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек, ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегиял орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори - мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Жазо қўллаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) маъмурий жазо қўллаш тўғрисида;
- 2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида уцидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек, ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қабул қилинган қарор тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг эътиборига етказди.

8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 314-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида уцидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор уцидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (**шаҳар**) судясига, судянинг маъмурий ишлар бўйича қарори уцидан эса - туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши мумкин. Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори уцидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига белгиланган тартибда шикоят қилинади.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни уч сутка ичида иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судясига қарори уцидан - туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга;

2) бошқа орган (мансабдор шахс) қарори уцидан - қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) протец билдириши мумкин.

Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори уцидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига белгиланган тартибда протец келтирилади.

Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўллаш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинган жарима солиш ҳоллари бундан муқассадир.

Прокурорнинг протец билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протец кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протецни ваколатли органлар

(мансабдор шахслар), шикоят ва протец тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протецни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади.

Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протец бўйича иш кассатсия инцансияси судяси томонидан суд раиси топшириғига биноан кўриб чиқилади.

Кассатсия инцансияси суди судьясининг маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протец бўйича ҳал қилув қарори қарор шаклида чиқарилади ва чиқарилган вақтдан бошлаб кучга киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протецни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади:

1) чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протецни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

2) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

3) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тўхтатади;

4) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун:

а) орган (мансабдор шахс) томонидан ишни тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши;

б) орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ҳамда ЎзР МЖТК Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги;

с) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ишни кўриб чиқишга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор бекор қилинади, иш эса ваколатли органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протец бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида:

у чиқарилган вақт ва жой; шикоят ёки протецни кўриб чиқаётган мансабдор шахс;

прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар;

шикоят берган шахс ёки протец билдирган прокурор;
маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича шикоят берилган ёки протец билдирилган қарорнинг ҳамда шикоят, протецнинг моҳияти;
чиқарилаётган қарорни асосланиши;
шикоят ёки протец юзасидан қарор кўрсатилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протецга доир ҳал қилув қарорининг нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичида юборилади, жабрланувчига эса - унинг илтимосига биноан юборилади. Протецни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга маълум қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор уйдан берилган шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига прокурор протец билдириши мумкин.

Шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протец мазкур қарорни чиқарган органдан (мансабдор шахсдан) юқори турувчи органга киритилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб кўйилган ва мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек, илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади.

Фуқарони маъмурий қамоққа олиш ғайриқонуний равишда қўлланилганлиги натижасида етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

9. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорга шикоят берилган ёки протец билдирилган тақдирда бу қарор берилган шикоят ёки билдирилган протец қаноатлантиришсиз қолдирилгандан кейин ижро этилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинган жарима солиш тўғрисидаги қарор бундан муқассадир.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (мансабдор шахс) томонидан ижро этишга қаратилади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан ижро этилади.

Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисида бир неча қарор чиқарилган ҳолларда уларнинг ҳар бири муцақил равишда ижро этилади.

Маъмурий қамоққа олиш ёки жарима солиш (жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш бундан муцасно) тарзида маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) унинг ижросини бир ойгача муддатга кечиктириши мумкин.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарган орган (мансабдор шахс):

1) амниция акти эълон қилиниб, у маъмурий жазо чорасини қўллашни йўқ қилса;

2) маъмурий жавобгарликни белгиловчи норматив ҳужжат бекор қилинган бўлса;

3) уцидан қарор чиқарилган шахс вафот этган бўлса, унинг ижросини тугатади.

Башарти маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал этади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади.

Назорат учун саволлар

Ҳуқуқий жараён тушунчаси.

Ҳуқуқий жараённинг ўзига хос хусусиятлари.

Маъмурий жараён тушунчаси.

Маъмурий жараённинг ўзига хос хусусиятлари.

Маъмурий жараённинг умумий босқичлари.

Маъмурий-процессуал нормалар тушунчаси.

Маъмурий-протсесасуал нормаларнинг таснифи.

Маъмурий-процессуал муносабатлар тушунчаси ва хусусиятлари.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг асосий вазифалари.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг принциплари.

Далиллар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш.